

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ  
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ  
ОШИРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ

АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ  
ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ  
КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ  
ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ

# “АДАБИЙ ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИ”

МОДУЛИ БЎЙИЧА

ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАЎБАР КАДРЛАРИНИ**  
**ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ**  
**ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ**  
**ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ**  
**КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ**  
**ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**



**“Тасдиқлайман”**

**Тармоқ маркази директори**

**проф. Б.Х.ХОДЖАЕВ**

**2017 йил**

**“АДАБИЙ ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИ”**

**МОДУЛИ БЎЙИЧА**

**ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА**

**Малака ошириш курси йўналиши: Ўзбек тили ва адабиёти**  
**Тингловчилар контингенти: олий таълим муассасаларининг**  
**профессор-ўқитувчилари**

**Тошкент – 2017**

**Мазкур ўқув-услугий мажмуа Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2017 йил 24 августдаги 603-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув режа ва дастур асосида тайёрланди.**

**Тузувчи:**

**Қ. Йўлдошев**, пфд., профессор.

**Такризчилар:**

**Қ. Ҳусанбоева**, педагогика  
фанлари доктори.

**Р. Ниёзметова**, педагогика  
фанлари доктори, профессор,  
ТошДўТАУ

*Ўқув-услуий тўплам ТошДўТАУ Кенгашининг 2017 йил 26 августдаги 1-сонли қарори билан нашрга тавсия қилинган.*

## МУНДАРИЖА

<b>I. ИШЧИ ДАСТУР.....</b>	<b>5</b>
<b>II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.....</b>	<b>12</b>
<b>III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР .....</b>	<b>21</b>
<b>IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ .....</b>	<b>37</b>
<b>V. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ.....</b>	<b>59</b>
<b>VI. ГЛОССАРИЙ.....</b>	<b>67</b>
<b>VII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ .....</b>	<b>71</b>

# I. ИШЧИ ДАСТУР

## Кириш

Дастур Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 278-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сон, 2016 йил 13 майдаги “Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида”ги ПФ-4797-сон, 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришга бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармонлари, 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ 2909-сон Қарори йўналишлари мазмунидан келиб чиққан ҳолда тузилган бўлиб, у замонавий талаблар асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг мазмунини такомиллаштириш ҳамда олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий компетентлигини мунтазам ошириб боришни мақсад қилади.

Бугунги одам маънавияти шаклланиши учун бадиий асарни ўқиш, тушуниш ва таҳлил қилиш ҳамда битикдан келиб чиқадиган ижтимоий-эстетик маънони англаш ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Бу ҳол таълим-тарбия тузилмаларида адабиёт ўқитиш самарадорлигини оширишни тақозо қилмоқда.

Шунинг учун ҳам ушбу модул олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчиларига адабиёт ўқув фанларини ўқитишда янгича ёндашувлардан фойдаланиш йўллари борасида тушунча беришга қаратилган.

## Модулнинг мақсад ва вазифалари

“Адабий таълим технологияси” модулининг **мақсади** тингловчиларни адабиётга доир турли фанлар, айниқса, “Адабиёт ўқитиш методикаси” фанини ўқитиш борасида янгича илмий ёндашувларни ўрганиш ва уларни амалда қўллаш кўникмаларини шакллантиришни кўзда тутади.

Ушбу модулнинг **вазифалари** қуйидагилардан иборатдир:

- олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчиларида ўзбек адабиёти йўналишидаги фанлардан маъруза ўқиш, амалий машғулотлар ўтиш малакасини шакллантириш;

- тингловчиларда “Адабиёт ўқитиш методикаси” курси бўйича самарали сабоқлар уюштириш кўникмасини шакллантириш;

- профессор-ўқитувчиларда “Адабиёт ўқитиш методикаси” курсини ўтишда турли инновация усуллардан фойдаланиш кўникмасини қарор топтириш;

- тингловчиларда адабиётга доир фанларни ўқитишда интерфаол усулларни қўллаш олиш малакасини шакллантириш.

### **Модул юзасидан тингловчилар билим, кўникма, малака ва компетентлиги даражасига қўйиладиган талаблар**

“Адабий таълим технологияси” модули юзасидан тингловчилар куйидаги билимларга эга бўлиши керак: адабиёт ўқитишнинг асослари нималардан иборат эканлигини; адабий таълимнинг мазмунини ташкил этадиган педагогик унсурларни; адабиёт ўқитиш самарадорлигига эришишда ўқитувчининг ўқувчилар билан, ўқувчиларнинг ўзаро шериклиги қандай ўрин тутишини; адабиёт ўқитишда ўқувчиларни мустақил фикрлашга ўргатишнинг ҳал қилувчи аҳамиятга эгаллигини; адабий таълим биринчи навбатда ўқувчиларнинг туйғуларига таъсир кўрсатиш орқали уларда эзгу маънавий сифатлар шакллантириш воситаси эканини.

Ушбу модул тингловчида тубандаги кўникмалар шакллантиришга хизмат қилади: адабиёт сабоқларини ўқувчиларда эзгу маънавий сифатлар қарор топдиришга йўналтириш; ҳар қандай бадиий асарни ўқув ёки илмий таҳлилга торта олиш; адабиёт сабоқларида кўркем битик борасидаги қарашларнинг бир хил бўлишига интилмаслик; ўрганилаётган кўркем асар юзасидан талабаларнинг фикр-мулоҳазаларини, уларга қўшилмаган тақдирда ҳам, хотиржам қабул қила билиш; бадиий асардаги муҳим унсурларни номуҳимларидан ажрата олиш.

Ушбу модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар тубандаги малакаларни эгаллашлари мўлжал қилинади: исталган билим даражасига эга аудитория аҳли билан алоқага кириша билиш; адабиёт сабоқларида ўқитишнинг интерфаол усулларидан фойдалана билиш; адабиёт бўйича ўтказиладиган машғулотларда муаммоли таълим усулини қўллаш олиш; адабиётга доир фанлар юзасидан талабалар билимини холис баҳолай билиш; адабиёт сабоқларини талабалар учун қизиқарли машғулотларга айлантира олиш.

### **Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар**

“Адабий таълим технологияси” модули маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади. Модулдаги илмий қарашлар моҳиятини тингловчиларга етказиш жараёнида ўқитишнинг замонавий усуллари, бадиий адабиёт ва эстетика илмидаги энг сўнгги ютуқлардан фойдаланиш кўзда тутилган:

- маъруза шаклидаги сабоқларда миллий ва чет эл адабиёт методикаси фанларидаги сўнгги ютуқлардан фойдаланиш;

- амалий машғулотларда таълимнинг фикрий ҳужум, кичик гуруҳлар билан ишлаш сингари интерфаол усулларини қўллаш кўзда тутилади.

### **Модулнинг ўқув режасидаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги**

“Адабий таълим технологияси” модули ўқув режасидаги инновatsion

таълим технологиялари ва педагогик компетентлик, ўзбек тили ва адабиётининг тараққиёт йўналишлари ва инновациялар, бадиий асарни таҳлил қилиш методикаси, нутқ санъати модуллари узвий боғланган.

### Модулнинг андрагогик таълимдаги ўрни

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар “Адабиёт ўқитиш методикаси” мутахассислик фанини ўқитишнинг энг илғор йўллари эгаллайдилар, уларда ҳар қандай илмий даражадаги аудитория аҳли билан адабий яратилар тўғрисида фикр билдириш кўникмаси шакллантирилади. Натижада, фанни ўқитиш самарадорлигини сезиларли оширади.

### Модул бўйича соатлар тақсимоти

№	Модул мавзулари	Ўқув юкلامаси (соат)					
		Ҳаммаси	Аудитория ўқув юкلامаси				Мустақил таълим
			Жами	жумладан			
				Назарий	Амалий машғулот	Кўчма машғулот	
1.	Адабий таълим асослари	2	2	2			
2.	Адабиёт сабоқларида инновация технологияларни қўллаш	2	2	2			
3.	Адабиётдан мустақил ишларни ташкил этиш йўллари	2	2	2			
4.	Ўзма ишларни ўтказиш, текшириш ва баҳолаш	2	2		2		
5.	Адабиёт сабоқларида педагогик ҳамкорликни йўлга қўйиш	2	2		2		
6.	Адабиёт ўқитувчисига қўйиладиган талаблар	2	2		2		
7.	Адабиёт сабоқларида қатнашчиларнинг ёш хусусиятлари ва тайёрлик даражасини ҳисобга олиш	2					2
8.	Адабиёт дарсларини кузатиш ва таҳлиллаш методикаси	2	2			2	
	Жами	<b>16</b>	<b>14</b>	<b>6</b>	<b>6</b>	<b>2</b>	<b>2</b>

## НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

**1-мавзу. Адабий таълим асослари.** Адабиётнинг қандай ўқитилиши, бинобарин, жамият аъзолари маънавиятининг қай йўсинда шакллантирилиши, биринчи навбатда, адабиёт ўқитишнинг асосларини тўғри белгилашга боғлиқ. Адабий таълимнинг **асослари мақсад, вазифалар ва мазмун** тушунчаларини ўз ичига олади.

Бирор ўқув фанининг бош мақсади таълим тизими олдида буюртмачи бўлмиш жамият томонидан қўйилади. Ҳозирги кунда олий мактабда адабиёт ўқитишнинг **бош мақсадини соғлом эътиқодли, бадиий адабиёт ҳақида атрофлича тушунчага эга, юксак дидли, бадиий асар савиясини аниқлай биладиган профессионал филолог тайёрлашдан иборат** дейиш мумкин. Таълим мақсади **бош, умумий** ва **хусусий** каби турларга бўлинади.

Кўркем асар ўқийдиган, уни таҳлил қила оладиган, бадиий матннинг жозибасини таъминлаган омилларни илмий асосда кўрсатиб бера оладиган, талабалар билан мулоқотга кириша биладиган, ўзгаларнинг эстетик қарашларига зуғум ўтказмайдиган мутахассис етиштириш “Адабиёт ўқитиш методикаси” фани олдида турган **вазифалар** саналади.

Олий адабий таълимнинг **мазмуни** ўқув режалари, ўқув дастурлари, дарсликлар, қўлланмалар, илмий тадқиқотлар ҳамда бадиий асарларни ўз ичига олади.

**2-мавзу. Адабиёт сабоқларида инноватсион технологияларни қўллаш.** Инсоният билим олиш ва бериш кечимининг шундай босқичига етдики, эндиликда неча минг йиллардан буён фойдаланиб келинаётган ўқитиш усуллари етарли бўлмай қолди. Эндиликда одам камроқ қийналиб, осонроқ ўзлаштиришга мойиллик билдирмоқда. Шу сабабли кейинги даврларда ўқитишнинг турли-туман инноватсион кўринишлари юзага келмоқда. Чунки ўзгарган замон ва янгиланган фанлар ўқитишнинг ҳам ислоҳ этилишини тақозо қилмоқда. Филологик таълим кечимида ҳам ахборот-коммуникатив воситалар кириб бормоқда. Шунингдек, таълимни ташкил этишда конструктив педагогик фалсафага таяниш етакчилик қилиб, талаба ва ўқувчиларнинг мустақил таълим олишига устуворлик берилмоқда.

Айни дамларда филологик таълимда ҳам катта самаралар келтираётган ёндашув йўсинларидан бири интерфаол ўқитиш усуллари дирки, адабиёт сабоқларини уюштиришда ҳам бу йўлдан фойдаланиш таълимнинг натижадорлигини сезиларли кўтаришга олиб келади.

**3-мавзу. Адабиётдан мустақил ишларни ташкил этиш йўллари.** Етук филолог мутахассис бўлиш учун сабоқ вақтларида олинган билимлар бугунги кунда мутлақо етарли бўлмай қолди. Компетентлилик таълими ўз ибилимининг тинимсиз ўстириб, янгиланган боришни бўлажак филологнинг табиий эҳтиёжига айлантирмай туриб, тузукроқ дидактик натижага эришиш мумкин эмаслигини кўрсатмоқда. Илло, илму фан тинимсиз ўзгариб бормоқда. Аудитория соатлари эса чекланган. Талаба аудиториядан чиқиб



кетгандан сўнг ҳам адабий таълимни давом эттирганда, ҳатто, олий мактабни тўлиқ битиргандан сўнг ҳам узлуксиз ўқимаса, давр талабига жавоб бера оладиган филолог бўлолмайди.

Талабаларнинг адабиётга доир илмларга қизиқишларини орттиришда *мустақил ўқиш, ўқирманлар конференцияси, адабий баҳслар, адабий учрашувлар, адабий кечалар* сингари иш турлари кутилган дидактик самарани беради.

## АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

**1-машғулот. Ёзма ишларни ўтказиш, текшириш ва баҳолаш.** Ёзма нутқ инсон тафаккури ўсишида ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Одамнинг интеллектуал даражаси асосан унинг ёзма нутқида намоён бўлади. Шунинг учун ҳам олий филологик таълимда ёзма нутқ ўстиришга алоҳида эътибор қаратилиши керак. Афсуски, олий филологик таълимда ўқувчиларда ёзма нутқни ўстиришга доир назарий тушунчалар ўргатилади-ю, аммо талабаларнинг ўзларининг бу борадаги ҳолатига тегинилмайди. Ҳолбуки, айниқса, кейинги йилларда талабаларнинг ёзма нутқ саводхонлиги ғоят пасайиб бормоқда.

Шуларни ҳисобга олиб, тингловчиларга ёзма нутқнинг иншо турини бўлажак филологларга ўргатиш йўллари борасида тушунча берилади. Иншо, унинг турлари, уни ёздириш, текшириш ва таҳлил қилиш йўлларига тўхталинадилар. Бутун дунё миқёсида тафаккурнинг эсселашув жараёни кетаётганини назарда тутиб, иншо ёздиришда ҳам ҳам шаклан ва ҳам мазмунан эркинлик берилиши кераклигига урғу берилади.

**2-машғулот. Адабиёт сабоқларида педагогик ҳамкорликни йўлга қўйиш.** Айни даврда педагогик ҳамкорлик тушунчаси олдинги вақтдагиларга нисбатан бир қадар кенгроқ маънода қўлланилишига тингловчилар диққати тортилади. Агар олдинлари таълим-тарбия жараёни учун ўқитувчи билан ўқувчи ёки талабаларнинг ҳамкорлиги етарли бўлса, эндиликда бу тушунча ўқувчи ва талабаларнинг бир-бири билан ўзаро ҳамкорлигини ҳам ўз ичига олмоқда. Олий филологик таълимда талабалар ўқув кечимининг объектларигина эмас, балки чинакам субъектлари мақомига юксалган пайтдагина таълим кутилган самарани беради.

Замонавий таълим шундай уюштирилиши керакки, бу кечимда ҳар бир талаба ҳам ўзи, ҳам бошқалар учун жавобгарлик ҳис қилсин. Индивиднинг ютуғи жамоанинг ютуғига, мағлубияти кўпчиликнинг мағлубиятига эврилсин. Амалий машғулот мобайнида тингловчилар бунга қандай эришилиши юзасидан машқ қилиб кўрадилар.

**3-машғулот. Адабиёт ўқитувчисига қўйиладиган талаблар.** Бугунги адабиёт ўқитувчиси кечаги кунда бўлгани каби бирор бадиий асарнинг мазмунини сўзлаб берадиган одам эмас, балки талабаларнинг туйғуларига таъсир кўрсатиш орқали уларда эзгу маънавий сифатлар шакллантиришга

хизмат қиладиган мутахассислардир.

Адабиёт бўйича ўқитувчи-профессор адабиёттанув илмининг исталган бир йўналиши бўйича пухта тайёргарликка эга, ўз устида тинимсиз ишлаб, билимини мунтазам равишда бойитиб борадиган мутахассисгина эмас, балки эзгу маънавий сифатларга эга шахс бўлган тақдирдагина адабий таълим самарадорлигига эришиш мумкин бўлади.

Адабиёт ўқитувчиси **педагоглик, тадқиқотчилик, ташкилотчилик, ижрочилик** сингари касбий сифатлардан ташқари, муомаласи ёқимли, киришимли, ўзгани ҳис этадиган ва унга ёрдам қўлини чўза биладиган шахс бўлиши керак.

## МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАЗМУНИ

Ушбу модул бўйича “Адабиёт сабоқларида қатнашчиларнинг ёш хусусиятлари ва тайёрлик даражасини ҳисобга олиш” мавзуси мустақил таълим учун ажратилган. Бу мавзу бадиий адабиёт ҳақидаги билимлар тингловчиларнинг ёш ва ақлий даражаларига мос йўсинда тақдим этилгандагина кутилган самарани беришини кўрсатишга бағишланади. Тингловчилар руҳшунослар, ёш педагогикаси мутахассислари ёзган асарларга таянган ҳолда турли аудиториядаги кишиларнинг интеллектуал савиясини қай йўсинда ҳисобга олиш кераклиги борасидаги қарашлар билан мустақил равишда танишадилар.

Мустақил таълим ушбу модулнинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қуйидагича амалга оширилиши мақсадга мувофиқ бўлади:

- илмий адабиётлардан фойдаланган ҳолда одам ёш хусусиятларига хос жиҳатлар аниқланади;

- аудиториянинг ёш ва тайёрлик даражаси ҳисобга олинган ҳолда анъанавий ва модерн йўналишда ёзилган асарлар таҳлили амалга оширилади.

## КЎЧМА МАШҒУЛОТ МАЗМУНИ

Модулнинг “Адабиёт дарсларини кузатиш ва таҳлиллаш методикаси” мавзуси кўчма машғулотда ўзлаштирилади. Бунда тингловчилар ўз тажрибаларидан келиб чиққан ҳолда ўзгаларнинг сабоқлари қандай кузатилиши, қайд этилиши ва таҳлил қилиниши юзасидан фикрлашадилар. Бунда маърузачи тингловчиларни дарс кузатиш ва таҳлиллаш бўйича муайян назарий тушунчалар билан қуроллантиради. Тингловчилар кўчма машғулотда ҳам ўз тажрибалари, ҳам назарий тушунчалар асосида кузатиш ва таҳлиллашни бевосита дарс жараёнида амалга ошириб кўрадилар.

## МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ

**Мавзу:** Адабиёт сабоқларида қатнашчиларнинг ёш хусусиятлари ва тайёрлик даражасини ҳисобга олиш.

### Мустақил ишни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни

Тингловчи мустақил ишни муайян модулнинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги шакллардан фойдаланиб, тайёрлаши тавсия этилади:

- меъёрий ҳужжатлардан, ўқув ва илмий адабиётлардан фойдаланиш асосида модул мавзуларини ўрганиш;
- замонавий техник воситалар орқали маъруза ва амалий машғулотларни ўзлаштириш;
- махсус адабиётлар бўйича модул бўлимлари ёки мавзулари устида ишлаш;
- тавсия этилган бадиий матннинг структурал таҳлилини мустақил ҳолда амалга ошириш;
- амалий машғулотларда берилган топшириқларни бажариш.

### ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ

Ушбу модул бўйича қуйидаги ўқитиш шаклларида фойдаланилади:

- маърузалар, амалий машғулотлар (таълим технологияларини англаб олиш, назарий билимларни амалиётга қўллаш);
- давра суҳбатлари орқали тингловчида муайян муаммога муносабат билдириш қобилиятини шакллантириш, унда адабий таълимга доир масалани эшитиш, идрок қилиш ва мантиқий хулосалар чиқариш хусусиятини қарор топдириш;
- тингловчиларда баҳс-мунозаралар пайтида муаммолар ечими бўйича далил ва асосли аргументлар тақдим қилиш, ўз фикрини асослаш қобилиятини ривожлантириш.

### БАҲОЛАШ МЕЗОНИ

№	Ўқув-топшириқ тури	Максимал балл	Баҳолаш мезони		
		0,5	“аъло”	“яхши”	“ўрта”
1.	Ўқув-лойиҳа ишини бажариш	0,5	0,5	0,4	0,3

## II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

**Айрим интерфаол усулларнинг моҳияти.** Интерфаол методлар орасида энг кўп қўлланиладиган ва катта самара бериши мумкин бўлгани “**фикрий хужум**” усулидир. “Фикрий хужум” бирор синф ёки ўқувчилар жамоаси олдига қўйилган муаммони ечишнинг энг самарали ва демократик йўлидир. Шунини алоҳида таъкиллаш ўринлики, ҳозир “Фикрий хужум” усулидан фойдаланиш амалиётида ўқитувчилар ўтган мавзулар юзасидан ўқувчиларга турли-туман саволлар билан “хужум” қилишади. Ҳолбуки, “Фикрий хужум”нинг бутун моҳияти ўқувчиларнинг ўзлари янги мавзунини ўзлаштириш ёки қўйилган бирор дидактик муаммони ҳал этиш учун фикрларини зўриқтириб, тинимсиз “хужум” қилиш ва шундай қизиқ ва кизгин фаолият натижасида ўқув топшириғини бажаришларидадир. Бу усулнинг диққатга лойиқ жиҳати шундаки, унда кичик гуруҳлардаги ўқувчилар ўзаро биргаликда ишлашга, яхши ёки ёмон ўқишидан қатъи назар ҳар бир боланинг фикрини эшитишга ўрганишади. Гуруҳ аъзоларига бир хил баҳо қўйилиши эса болаларда жамоатчилик руҳини шакллантиради.

“Фикрий хужум”да ўқитувчи бошқарувчи эмас, балки **фисилатор** (ёрдам берувчи) сифатида иш кўради. У ўқувчилар фаолиятини муаммога йўналтириб туради, уларнинг асосий мақсаддан чалғиб кетмасликларини таъминлайди. “Фикрий хужум” методини қўллаш қуйидаги тахминий босқичлардан иборат бўлиши каттароқ самара бериши мумкин:

1. **Тайёргарлик.** “Фикрий хужум” усулида ўтиладиган дарс бошланганга қадар унда ечилиши керак бўлган муаммо ёки бажарилиши лозим бўлган топшириқдан ўқувчилар хабардор қилинишлари лозим. Болалар бу муаммо ёхуд вазифа тўғрисида муайян вақт давомида бош қотиришлари, ўйлаб кўришлари керак. Шунингдек, синфдаги ўқувчилар муайян кичик гуруҳларга бўлиниб, гуруҳдаги ҳар бир бола аниқ вазифа билан таъминланиши зарур. Чунончи, ким гуруҳга етакчи бўлиши, кимлар айтилган фикрларни ёзиб олиш учун котиблик қилиши, кимлар ҳакамлар сафида бўлиши белгилаб қўйилиши лозим.

2. **Далиллар топиш.** Дарсда ўқувчилар ҳал этишлари керак бўлган муаммо аниқ ва тушунарли бўлиши керак. Берилаётган топшириқ бир неча кун олдин хаттахтага ёзиб қўйилиб, ўқувчилар билан муҳокама қилиниши керак. Муаммо юзасидан ўқувчиларнинг дастлабки фикрлари эшитиб кўрилса, улар мувозанатдан чиқиб, безовта бўлиб қолишади.

3. **Дастлабки машқ.** “Фикрий хужум” ёрдамида ҳал қилиниши зарур бўлган муаммони ечишга ўқувчиларни руҳан ва ақлан тайёрлаш учун дастлабки машқ ўтказиш фойдалидир. У қўйилаётган муаммога бевосита тегишли бўлмаслиги ҳам мумкин. Ўқувчиларда “Фикрий хужум” усули қандай бўлиши ҳақида тасаввур уйғотиш учун ҳам дастлабки машқни ўтказиш зарурдир.

**4. Фикрларни ҳисобга олиш.** Бу босқич ечилиши керак бўлган муаммо юзасидан ўқувчиларнинг фикрий ҳужуми билан бошланади. Истаган ўқувчи, истаган фикрини, истаган вақтда айтиши мумкин. Айтилган ҳар бир фикр котиблар томонидан ёзиб олинishi зарур. Ўқувчилар ҳар қандай тўғри-нотўғри, яхши-ёмон фикрларни билдиришдан чўчимасликлари учун қуйидаги қоидалар хаттахтага ёзиб қўйилиб, уларга ҳаммининг сўзсиз амал қилиши таъминланиши керак:

- Айтилаётган фикрлар қандайлигидан қатъи назар **ТАНҚИД ҚИЛМАСЛИК, БАҲОЛАМАСЛИК, МУНОСАБАТ БИЛДИРМАСЛИК;**

- “Фикрий ҳужум”да **НОТЎҒРИ ФИКР БЎЛМАЙДИ.** Эсга келган ҳар қандай фикр ўйлаб ўтирмай, айтилиши керак. Баъзан айнан бўлмағур, “аҳмоқона”, ақлга тўғри келмайдиган фикрлар фойдали ғояларнинг юзага келишига сабаб бўлиши мумкин;

- **ФИКРЛАРНИНГ МИҚДОРИ МУҲИМ.** Ўқувчилар имкон қадар кўп фикр билдиришлари керак. Чунки ортиқча фикрларни қисқартириш, етмай қолган фикрларни кўпайтиришдан осонроқ;

- **ФИКРЛАРНИ АЛМАШТИРИШ, ҚЎШИШ, ЯХШИЛАШ ЛОЗИМ.** Ҳаммининг фикри ёзиб олиниб, улар мақсадга мувофиқ тарзда жойлаштирилиши, сараланиши, таҳрир қилиниши, таҳлил этилиши керак;

- **БЕМАЛОЛ БЎЛИШ, ЗАВҚЛАНИШ КЕРАК.** “Фикрий ҳужум” кечимида ўқувчилар асабийлашмасликлари, жараён завқли ўйин руҳида ўтиши керак. “Фикрий ҳужум” қанча қизиқарли бўлса, шунча кўп самара келтиради. Ўйин руҳидаги қизиқарли фаолиятда гуруҳ ичида дўстона вазият юзага келиб, ўқувчилар бир-бирларига ёрдам кўрсатишади;

- **БАЪЗАН ЎЙЛАНИБ ЖИМ ТУРИШ ҲАМ ФОЙДАЛИ.** Айрим ўқувчиларнинг ўйланиб жим туришларини ёмон қабул қилмаслик, уларни фикрсизликда айбламаслик керак, ўйланиб жим турган одам бирор ноёб фикрни айтиб юбориши ҳам мумкин.

**5. Ечимни топиш.** Ўқувчилар “фикрий ҳужум”га киришганларидан кейин белгиланган вақт ўтгач, ўқитувчи “ҳужум”ни тўхтатиб, муаммони ечишга ўтиш кераклигини эсга солади. Бу вақтда гуруҳлардаги котиблар барча фикрларни ёзиб олган, ўқувчилар бу фикрларнинг қайсилари яроқли экани тўғрисида ўйлай бошлаган бўлади. Ўқувчилар ўзаро маслаҳатлашиб, айтилган фикрларни муҳокама қилиб, кераксизларини ўчириб, яроқли фикрлар миқдорини қисқартириб боради. Охирида бир неча жуда муҳим қарашларгина қолади. Гуруҳ ана шуларга таяниб, таълимий масаланинг ечилиши бўйича ўз хулосасини беради.

Машғулот сўнгида “Фикрий ҳужум” жараёни қандай ўтгани ва қайси гуруҳга нима сабабдан қандай баҳо қўйилиши хусусида ўқитувчи бир неча оғиз сўз айтади. Алоҳида таъкидлаш керакки, баҳо алоҳида болаларга эмас, балки кичик гуруҳлардаги барча ўқувчига қўйилади. Шундай қилинса, гуруҳ аъзолари бир-бирларини ўқитишади, дидактик материалнинг барча қатнашчилар томонидан тўла ўзлаштирилишига эришилади.

Интерфаол методлар технологиялашаётган педагогик амалиётнинг энг оддий кўринишидир. Ҳозирги кунда бутун жаҳон бўйича таълим жараёнини

технологиялаштириш, яъни худди битта технологияда ташкил этилган ишлаб чиқариш кечимида конвейердан бир хил товар чиққани каби ўқувчиларни таълим мазмунини тўла ўзлаштирадиган даражада тайёрлашга уриниш кетмоқда. Бунда педагогик технология шу қадар мукамал ишлаб чиқилиши ва шу қадар маҳорат билан ташкил этилиши лозимки, унда таълимнинг мазмунини ўзлаштириб ололмайдиган бирорта ўқувчи қолмасин, деган вазифа қўйилмоқда.

## **“ФИКРИЙ ХУЖУМ” МЕТОДИДАН ФОЙДАЛАНИШ ЙЎЛЛАРИ**

Интерфаол методлар орасида энг кўп қўлланиладиган ва катта самара бериши мумкин бўлган усул **“фикрий хужум”** дир. “Фикрий хужум” бирор синф ёки ўқувчилар жамоаси олдида қўйилган муаммони ечишнинг энг самарали ва демократик йўлидир. Шунини алоҳида таъкиллаш ўринлики, ҳозир “Фикрий хужум” усулидан фойдаланиш амалиётида ўқитувчилар ўтган мавзулар юзасидан ўқувчиларга турли-туман саволлар билан “хужум” қилишлари кенг тарқалган. Ҳолбуки, тамомила бунинг тескариси бўлиши керак.

“Фикрий хужум”нинг бутун моҳияти ўқувчиларнинг ўзлари янги мавзунини ўзлаштириш ёки қўйилган бирор дидактик муаммони ҳал этиш учун фикрларини зўриқтириб, тинимсиз “хужум” қилишлари ва шу тариқа кўрсатилган қизиқарли қизғин фаолият натижасида ўқув топшириғини бажаришлари керак. Бу усулнинг диққатга лойиқ жиҳати шундаки, унда ўқувчилар ўзаро биргаликда ишлашга, яхши ёки ёмон ўқишдан қатъи назар ҳар битта қатнашчининг фикрини эшитишга ўрганишади. Шунингдек, гуруҳ аъзоларининг бир хил баҳоланиши болаларда жамоатчилик руҳини шакллантиришга хизмат қилади.

“Фикрий хужум”да ўқитувчи бошқарувчи эмас, балки **фисилатор** (ёрдам берувчи) сифатида иш кўради. У ўқувчилар фаолиятини ташкил қилади, йўналтириб туради, уларнинг асосий мақсаддан чалғиб кетмасликларини таъминлайди. “Фикрий хужум” методини қўллаш куйидаги тахминий босқичлардан иборат бўлиши мумкин:

**6. Тайёргарлик.** “Фикрий хужум” усулида ўтиладиган дарс бошланганга қадар у дарсда ҳал қилиниши керак бўлган муаммо ёки бажарилиши лозим топшириқдан ўқувчилар хабардор қилинишлари лозим. Токи, болалар бу муаммо ёхуд вазифа тўғрисида муайян вақт давомида бош қотиришлари, ўйлаб кўришлари мумкин бўлсин. Шунингдек, синфдаги ўқувчилар муайян кичик гуруҳларга бўлинишлари ва уларнинг ҳар бири аниқ вазифа билан таъминланишлари зарур. Чунончи, ким гуруҳга етакчи бўлиши, кимлар айтилган турли-туман фикрларни ёзиб олиш учун котиблик қилиши белгилаб қўйилиши зарур. Шунингдек, ўқитувчи аълочи ва холис ўқувчилардан қайси гуруҳнинг жавоби энг тўғри эканини белгилаб берадиган ҳакамлар ҳайъатини ташкил этиши керак.

“Фикрий ҳужум” босқичлари		
1. Тайёргарлик	2. Ҳужум	3. Саралаш
а) “фикрий ҳужум” тартиб-қоидалари тушунтирилади; б) кичик гуруҳ олдига ўқув муаммоси қўйилади. в) тақдимчи (етакчи) тайинланади; г) аъзолар ўртасида вазифа тақсимланади.	а) фикр (ғоя)лар ўртага ташланади; б) барча фикрлар ёзиб борилади; в) ғоялар таҳрир қилинади.	а) фикрларни баҳолаш мезонлари тайёрланади; б) ўртага ташланган ғоялар таснифланади ва сараланади; в) фикрлар танланади ва таҳлил йўли билан ривожлантирилади; г) муаммонинг ечими топилади.

**7. Далиллар топиш.** Дарсда ўқувчилар ҳал этишлари керак бўлган муаммо аниқ ва тушунарли бўлиши зарур. Берилаётган топшириқни дарстахтага ёзиб қўйиш, бир неча кун олдин уни ўқувчилар билан муҳокама қилиш керак. Муаммо юзасидан ўқувчиларнинг дастлабки яхши-ёмон фикрлари эшитиб кўрилса, улар мувозанатдан чиқиб, безовта бўлиб қолишади.

**8. Дастлабки машқ.** “Фикрий ҳужум” ёрдамида ҳал қилиниши зарур бўлган муаммони ечишга ўқувчиларни руҳан ва ақлан тайёрлаш учун дастлабки машқ ўтказиш фойдалидир. Бу машқ қўйилаётган муаммога бевосита тегишли бўлмаслиги ҳам мумкин. Дастлабки машқ “Фикрий ҳужум” усули қандай бўлишини ўқувчилар тасаввур этишлари учун ҳам ғоят зарурдир.

**9. Фикрларни олиш.** Интерфаол усулдаги энг асосий ва қизиқарли бўлган бу босқич тавсия этилган муаммо юзасидан фикрий ҳужум билан бошланади. Истаган ўқувчи, истаган вақтида, истаган фикрини айтиши мумкин. Фақат фикрларнинг котиблар томонидан ёзиб олинishiга улгуриш зарур бўлади. Ўқувчилар ҳар қандай тўғри-ноғри, яхши-ёмон фикрларни билдиришдан чўчимасликлари учун қуйидаги қоидалар дарстахтага ёзиб қўйилиши ва унга ҳаммининг амал қилиши таъминланиши керак:

- **ТАНҚИД ҚИЛМАСЛИК ВА БАҲОЛАМАСЛИК** (айтилаётган фикрлар қандайлигидан қатъи назар ҳеч ким ҳеч кимни бирор йўсинда танқид қилмаслиги, дакки бермаслиги, муносабат билдирмаслиги керак);

- **НОТЎҒРИ ФИКР БЎЛМАЙДИ** (эсга келган ҳар қандай фикр ўйлаб ўтирмай, айтилиши керак. Бўлмағур, “аҳмоқона”, тўғри келмайдигандай кўринадиган фикрлар баъзан фойдали ғояларнинг юзага келишига сабаб бўлиши ҳам мумкин);

- **ФИКРЛАРНИНГ МИҚДОРИ МУҲИМ** (фикрлар қанча кўп бўлса, шунча яхши, чунки ортиқча ғояларни қисқартириш, етарлича бўлмай қолган фикрларни кўпайтиришдан осонроқ);

- ФИКРЛАРНИ АЛМАШТИРИШ, ҚЎШИШ, ЯХШИЛАШ ЛОЗИМ (хамманинг фикри олиниб, улар мақсадга мувофиқ тарзда ўринлаштирилиши, сараланиши, таҳрир қилиниши, таҳлил этилиши керак);

- БЕМАЛОЛ БЎЛИШ, ЎЙНАБ ЗАВҚ ОЛИШ КЕРАК (“фикрий ҳужум” жараёни ўйин ва завқланиш руҳида ўтиши керак. У қизиқарли бўлса, кўпроқ самара келтиради. “Фикрий ҳужум” ўйин руҳида, қизиқарли ўтказилса, гуруҳ ичида дўстона вазият юзага келиб, ўқувчилар бир-бирларига ўзаро ёрдам кўрсатишади);

- ЖИМ ТУРИШ ҲАМ ФОЙДАЛИ (айрим ўқувчиларнинг ўйланиб жим қолишларига хайрихоҳлик билан қараш керак, жим ўйланиб қолган одам ноёб бир фикрни айтиб юбориши ҳам мумкин).

Умуман, машғулот сўнигида “Фикрий ҳужум” жараёни қандай ўтгани ва қайси гуруҳга нима сабабдан қандай баҳо қўйилиши хусусида ўқитувчи бир неча оғиз сўз айтгани маъқул. Алоҳида таъкидлаш керакки, баҳо алоҳида ўқувчиларга эмас, балки кичик гуруҳларга қўйилади. Шундай қилинса, гуруҳ аъзолари бир-бирларини ўқитишади, дидактик материалнинг ҳамма томонидан ўзлаштирилишига интилишади.

Адабиёт ўқитувчиси “Фикрий ҳужум” асносида муаммонинг ечими сифатида тақдим этилаётган фикр ўрганилиши лозим бўлган бадий асар матнидан келтириб чиқарилган бўлишига алоҳида эътибор бериши керак.

## **“КЛАСТЕР” УСУЛИДАН ФОЙДАЛАНИШ ЙЎЛЛАРИ**

“Кластер” инглизча сўз бўлиб, “боғлам”, “тутам”, “тарам”, “даста” маъноларини англатади. Бу усулнинг “боғлам”, “тутам”, “тарам”, “даста” маъноларидаги сўз билан аталишининг сабаби шундаки, ушбу методда ҳар бир кичик гуруҳ бутун гуруҳ олдида турган **умумий муаммонинг бир жиҳатини ҳал этишга** йўналтирилади. Ҳар бир кичик гуруҳ олдида умумий ўқув муаммосининг бирор қиррасини ечиш топширилади ва барча кичик гуруҳларнинг фаолияти натижасида ўқув муаммоси тўла ҳал қилинади. Бунда кичик гуруҳ аъзолари муаммони ечишда қўл келадиган далилларни имкон борича кўпроқ тўплашга йўналтирилади.

Айрим жиҳатларига кўра “кластер” “фикрий ҳужум”га ўхшаб ҳам кетади. Фақат бунда ҳар бир кичик гуруҳ қўйилган умумий муаммонинг бир жиҳатини аниқлашга эътибор қаратади. Кластер усули ўқувчиларни тезкор фикрлашга, далилларни таҳлил қилиш, хусусий факт замиридаги умумийга хос жиҳатни кўриш ва улар асосида хулоса чиқарабилишга ўргатади.

Кластер усулидан фойдаланиш ҳам бир неча босқичли жараёндир. **Биринчи босқичда** ўқитувчи дарстахтага умумий муаммо ва уни ечишда қўл келиши мумкин бўлган калит сўзларни ёзиб қўяди. Масалан, Ўткир Ҳошимовнинг “Баҳор қайтмайди” қиссасини кластер усули асосида ўрганишда ўқувчилар олдида “Алимардоннинг маънавий таназзули сабаблари нимада?” муаммоси қўйилди. Муаммонинг ечими учун “дўстлик”, “хиёнат”, “худбинлик”, “манфаатпарастлик”, “бузуқлик”, “талант”, “эзгулик”, “жазо”, “мукофот”, “адолат”, “содаллик”, “тўғрилиқ”,



“истеъдод”, “манманлик” каби калит сўзлар берилди.

**Иккинчи босқичда** ўқув гуруҳи уч кичик гуруҳчага бўлинди ва 1- кичик гуруҳ “Алимардон ҳалокатининг ижтимоий сабаблари”, 2- кичик гуруҳ “Алимардон маънавий таназзулининг касбий омиллари”, 3- кичик гуруҳ “Алимардон табиатидаги уни ҳалокатга етаклаган жиҳатлар” хусусида кластер усулида изланиш олиб боришлари кераклиги айтилди.

**Учинчи босқичда** ҳар бир кичик гуруҳ ўз олдида турган ўқув муаммоси юзасидан асар матнига таяниб, имкон қадар кўпроқ калит сўзлар, кўчирмалар, фикрлар топади. Бунда фикр ва таклифларнинг чегараси белгиланмайди, фақат вақтгина чегараланади, холос.

**Тўртинчи босқичда** топилган калит сўзлар, кўчирмалар, муаммо ечимига доир фикрлар ўртасидаги боғлиқлик топишга уринилди. Ҳар бир кичик гуруҳ ўз кластери юзасидан кузатишларини охирига етказгач, олдиларига қўйилган муаммо бўйича топилган ечимларни ўқитувчи ва бошқа гуруҳдошларига тақдим этдилар.

Учта кичик гуруҳ томонидан қилинган кузатишлар, тўпланган омиллар ва берилган изоҳлар ўқувчиларга қисса бош қаҳрамони Алимардон Тўраев тимсолининг ҳалокати сабаблари юзасидан бир тўхтама келиш, асардаги образларни тавсифлаш имконини берди. Бу қарашлар дарслик муаллифлари айтганидай ёки ўқитувчи кутганидай бўлмаслиги ҳам мумкин.

### **“ГАЛЕРЕЯ” УСУЛИДАН ФОЙДАЛАНИШ**

Ҳар бир томошабин расмлар галереясидаги барча асарларни кўриши ва бу тўғрида истаган одам билан фикрлашиши мумкин бўлганидек, “галерея” усулидан фойдаланганда ҳам турли кичик гуруҳларнинг аъзолари ҳар бир муаммо бўйича ўзлари топган ечим юзасидан бошқа кичик гуруҳдагилар билан фикрлашишлари мумкин. Дейлик, “Баҳор қайтмайди” қиссаси юзасидан уч кичик гуруҳ ўз олдиларига қўйилган муаммо бўйича тайёрлаган жавоблари билан ёнидаги кичик гуруҳ аъзоларини таништирадилар ва, ўз навбатида, уларнинг ўз муаммолари бўйича бермоқчи бўлган жавоблари билан ҳам танишадилар. Шу аснода ҳар бир кичик гуруҳ кўшнисининг муаммоси моҳиятидан хабардор бўлади, улар таклиф қилаётган ечим маъқул келмаган ўринларда ўз мулоҳазаларини ёзиб қўяди. Шу тариқа, ўқув гуруҳидаги барча ўқувчилар бир-бирларининг муаммолари билан танишадилар ва уларни тўғри ечиш юзасидан ўз таклифларини беришади. Шундан сўнг ҳар бир кичик гуруҳ ўз муаммосига қайтади ва кўшни гуруҳчадагилар айтган таклифлар нуқтаи назаридан ўз жавобларини қайта кўриб чиқади. Ниҳоят, ҳар бир кичик гуруҳ ўз муаммоси бўйича тайёрлаган ечимларни ўқитувчига тақдим этиб, масаланинг нима сабабдан айнан шундай ҳал этилганини изоҳлайди. Бошқа кичик гуруҳдагилар кўшнилариининг жавобларидаги уларни қониқтирмаган ўринлар юзасидан тўлдиришлар қилиши, изоҳлар бериши мумкин. Бу ҳолат кичик гуруҳ аъзоларини баҳолашда ҳисобга олинади.

## “АЙЛАНА” УСУЛИДАН ФОЙДАЛАНИШ

Адабий таълимда етарлича самара билан қўллаш мумкин бўлган интерфаол усуллардан бири “айлана” деб аталади. Бу усул ёзма ёки оғзаки шаклда ўтказилиши мумкин. Ушбу усулда битта савол ёки бир гуруҳ саволларга ҳар бир ўқувчи томонидан алоҳида жавоб берилиши кўзда тутилади.

“Айлана” усулидан фойдаланганда ҳам ўқувчиларга бериладиган савол ёки муаммо бир неча тўғри жавобга эга бўлишига эътибор қаратилиши лозим. Демак, аниқ далиллар ўзлаштирилиши кўзда тутиладиган машғулотларда бу усулдан фойдаланиб бўлмайди. “Айлана” усули бирор адабий қаҳрамон ёки тимсоллар гуруҳининг хатти-ҳаракатларига баҳо бериш, муносабат билдириш, ҳар бир ўқувчининг нуқтаи назарини англатиш талаб этиладиган мавзуларни ўрганишда кутилган самарани бериши мумкин.

Америкалик адиб Жек Лондоннинг “Ҳаётга муҳаббат” ҳикояси берилган. Ушбу асарни ўрганишда гуруҳдаги ўқувчилар олти кишилик кичик гуруҳларга бўлинади, ҳар бир кичик гуруҳ олдига биттадан муаммо қўйилади ва муаммонинг ечими учун сарфланадиган вақт белгиланади. Кичик гуруҳдаги ҳар бир ўқувчи муаммога ўз ечимини таклиф қилади. Тушунарлироқ бўлиши учун бу жараённи қўйидагича ифодалаш мумкин:

**1- қадам.** 1- кичик гуруҳ олдига “Ҳикоя қаҳрамони билан унинг шериги Биллнинг хатти-ҳаракатларини изоҳланг” топшириғи берилади.

**2- қадам.** Кичик гуруҳга шу топшириқ ёзилган битта катта қоғоз ва битта ручка берилади.

**3- қадам.** 1- ўқувчи фамилияси ва ўз жавобини ёзади.

**4- қадам.** 1- ўқувчи қоғозни ўнг томонида ўтирган гуруҳдошига узатади. 2- ўқувчи ўз фамилияси ва жавобини ёзади.

**5- қадам.** 2- ўқувчи ҳам қоғозни ўнг томонидаги шеригига узатади. У ҳам фамилияси ва ҳаёлида тайёрлаб турган жавобини ёзади. Шу тариқа, қоғоз айланаверади, муаммога берилган жавоблар сони кўпаяверади. Вақт етишига қараб, кичик гуруҳ аъзолари муаммога бир неча мартадан жавоб ёзишлари ҳам мумкин.


**6- қадам.** Белгиланган вақт тугагач, гуруҳ ўз ишини якунлайди.

“Айлана”ни қўллашда ўқитувчи кичик гуруҳлардан олинган жавоблардан қандай фойдаланишни олдиндан ўйлаб қўйиши керак бўлади. Негаки, агар олинган жавоблардан муайян ўқув мақсадларида фойдаланилмаса, кейинчалик ўқувчилар бу усулга жиддий қарамай қўяди ва астойдил ўйлаб ўтирмай, жавобларни шунчаки ёзиб қўйишга одатланишади. Ўқитувчи ҳам, ўқувчилар ҳам берилган жавоблар ўқув жараёнининг тугаши эмас, балки бошланиши эканини кўзда тутиб, улардан ягона таълимий мақсадга эришишда фойдаланиши лозим бўлади.

Шу ҳикояни ўрганиш юзасидан 2- кичик гуруҳга “Касал бўри билан оч одам тасвиридаги ўхшаш ва фарқли жиҳатларни кўрсатинг”, 3- кичик гуруҳга “Ночор ва касал одамнинг очлик ҳамда кимсасизлик синовидан омон ўтгани сабабини изоҳланг”, 4- гуруҳга “Ҳикоя матнидан одамга қудрат

бахш этадиган асосий омил нима эканини аниқланг” тарзида топшириқлар берилади. Бу кичик гуруҳлар ҳам 1- кичик гуруҳ қўллаган тартибда иш олиб боришади.

“Айлана” усулида барча кичик гуруҳдаги ўқувчилар бир-бирларининг жавобларидан хабардор бўлишади ва ўзлари берадиган жавобда олдингиларни такрорламасликка, муаммонинг янги қирраларини очиб беришга интилишади. Шунингдек, бу усул ўқувчиларга ўзларини ўзлари тўғрилаш имконини ҳам беради. “Айлана” усулида ишлашни график йўсинда қуйидагича ифодалаш мумкин:



### **“ЧУВАЛЧАНГ” УСУЛИДАН ФОЙДАЛАНИШ**

Адабий таълимда самарали ишлатиш мумкин бўлган интерфаол усуллардан бири “чувалчанг” (зигзаг) усулидир. Интерфаол методнинг бундай номланиши сабаби шундаки, унда турли кичик гуруҳдаги ўқувчилар вақти-вақти билан ўрин алмашиб, бир-бирларига ўтиб турадилар, материални ўзлаштириш ва жавобни тақдим этиш хусусида ўзаро келишиб оладилар. “Чувалчанг” усулида кичик гуруҳнинг ҳар бир аъзоси рақамланади. Агар бирор кичик гуруҳда бирорта аъзо кўп ёки кам бўлса, рақам ҳам шунга яраша битта ортиқ ёхуд кам бўлади. Ўқувчиларнинг рақамланиши сабаби шундаки, ўқитувчи кичик гуруҳларнинг ҳар бири олдига бажарилиши лозим бўлган ўқув вазифасини қўйгач, рақамлар асосида маслаҳат гуруҳлари ташкил этади. Чунончи, 1- рақамлилар алоҳида, 2- рақамлилар ўз бошларига, 3- рақамлилар ўз олдиларига ва ҳақозо тарзида вақтинчалик маслаҳат гуруҳи ташкил этилади. Маслаҳат гуруҳи олдига ўқув муаммосини тўғри ечиш ва эсда қоладиган йўсинда тақдим этиш йўлларини белгилаш вазифаси қўйилади. Маслаҳатчилар ўзаро фикрлашиб олишгач, ўз

гуруҳларига қайтадилар.

“Чувалчанг” усули моҳиятини қуйидаги йўсинда эса қоларлироқ ифодалаш мумкин:

**1- босқич.** Гуруҳ ўқувчилари ўзлаштиришлари лозим бўлган ўқув материали ўқитувчи томонидан мантиқий қисмларга ажратилади.

**2- босқич.** Гуруҳ ўқувчилари кичик гуруҳларга бўлинишади ва ҳар бир аъзо рақамланади.

**3- босқич.** Ўқувчилар ўзлаштиришлари лозим бўлган материаллар бўлиб берилади.

**4- босқич.** Кичик гуруҳларнинг бир хил рақамли ўқувчиларидан маслаҳат гуруҳи тузилади. Масалаҳат гуруҳи аъзолари материални чуқурроқ ўрганиш ва яхшироқ тақдим қилиш йўллари хусусида келишиб олишади.

**5- босқич.** Маслаҳат гуруҳидаги ўқувчилар ўзларининг асл кичик гуруҳларига қайтишади. Улар ўқув материали ҳар бир ўқувчи томонидан тўла ўзлаштирилишини ташкил этади ва назорат қилади.

**6- босқич.** Ўқувчиларнинг ўзлаштирганлик даражаси ўқитувчи томонидан текширилади ва баҳоланади.

5- синфда ўқувчилар буюк муҳаддис имом Муҳаммад ал-Бухорийнинг “Ал-адаб ал-муфрад” асаридан берилган намуналар билан танишишлари кераклиги кўзда тутилган. “Чувалчанг” усулининг самарадорлигини таъминлайдиган омил шундан иборатки, унда ўрганилиши лозим бўлган адабий материал ўқитувчи томонидан муайян қисмларга ажратилади. Жумладан, ал-Бухорий ҳадислари мазмун йўналишига қараб, “Ота-она ҳақини адо этиш тўғрисидаги ҳадислар”, “Кишилар ўртасидаги ўзаро муносабатларга доир ҳадислар”, “Кўнгил ҳолатлари ҳақидаги ҳадислар”, “Эзгу инсоний хулқ тўғрисидаги ҳадислар” каби тўрт туркумга бўлинди. 57- гуруҳдаги 28 ўқувчи етти кишилик тўртта кичик гуруҳга ажратилди. Ҳар бир кичик гуруҳга юқоридаги ўқув топшириқларидан бири берилди. Кичик гуруҳлар материал билан бир сидра танишиб бўлишгач, барча кичик гуруҳларнинг 1-, 2-, 3-, 4-, 5-, 6-, 7- рақамли ўқувчилари маслаҳат гуруҳлари сифатида етти жойга тўпланиб, масалани қандай ҳал этиш ва қай тартибда тақдим қилиш юзасидан ўзаро келишиб олишди. Сўнг маслаҳатчилар яна ўз асл кичик гуруҳларига қайтишди. Ҳар бир ўқувчи бошқа кичик гуруҳларда иш қай йўсинда кетаётганини билгани учун ўз гуруҳчасидаги ишни имкон қадар самарали ташкил қилишга уринади. Бунинг учун ҳар бир ўқувчининг белгиланган йўналишдаги ҳадислар билан тўла танишиб, уни шарҳлашига эътибор қилинади. Маслаҳатчининг ўзи ҳам ҳадислар юзасидан ўз кузатишларини билдиришга уринади. Тақдимчи кичик гуруҳ аъзолари томонидан тайёрланган жавобни муайян тартибда бошқа кичик гуруҳлар ва ўқитувчи эътиборига тақдим этади. Бир кичик гуруҳнинг жавобига бошқа кичик гуруҳ аъзолари ҳам муносабат билдириши, лозим топилса, жавоблар тўлдирилиши мумкин.

### III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

#### 1-мавзу. АДАБИЙ ТАЪЛИМ АСОСЛАРИ

Режа:

- 1.1. Шахс маънавиятининг шаклланишида адабиёт ўқитишнинг ўрни.
- 1.2. Адабиёт ўқитишнинг мақсади.
- 1.3. Адабий таълимнинг вазифалари.
- 1.4. Адабиёт ўқитишнинг мазмуни.

#### **Таянч тушунчалар:**

*Адабиёт ўқитиш мақсади, маънавий баркамол шахс, адабиёт ўқитишнинг вазифалари, китоб ўқийдиган ўқувчи, ўқиганини тушунадиган ўқувчи, асарни таҳлил қиладиган ўқувчи, фикрини айта оладиган ўқувчи, ўқув режаси, ўқув дастури, таълим стандарти, ўқувликлар, ўқув қўлланмалари, методик қўлланмалар, кўрсатмали қуроллар.*

Халқнинг маданий-интеллектуал савияси ўсиб бориши билан, санъатнинг, хусусан, адабиётнинг шахс маънавияти ва у орқали жамият ҳаётига, унинг маънавий-психологик иқлимига таъсири орта боради. Шунинг учун ҳам жамият ҳаётининг бурилиш даври бўлган ҳозирги кунларда адабиёт ёш авлод маънавиятини шакллантиришда беқиёс ўрин тутади. Бадиий адабиёт нафақат халқ маънавий қиёфасини шакллантиришда, балки мамлакат иқтисодий тараққиётни тезлаштиришда, социал ривожлантиришни яхшилашда ҳам катта ўрин тутади. Чунки жамият тараққиёти тезлиги унда яшаётган одамларнинг интеллектуал ва руҳий имкониятлари даражасига боғлиқдир. Бинобарин, жамият аъзолари тафаккури ва маънавиятининг қандайлиги жамият тараққиётининг суръатини белгилайди. Миллат ёшларининг маънавияти қарор топишида адабиёт ўқитиш муҳим ўрин тутади. Ёшларнинг муайян ҳаётий вазиятларда қайси йўлни тутиши, қандай тўхтамга келиши, кўзда тутган ишларни қай савияда бажаришлари, кўп жиҳатдан, узлуксиз таълим тизими босқичларида бадиий асарларнинг қандай ўргатилишига боғлиқдир.

Шунинг учун ҳам адабиёт методикаси илми учун адабий таълимнинг асосларини белгилаш ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир. Шўрогача бўлган даврда адабиёт ислом ақидаларига амал қиладиган, шариат талабларини бажарадиган, илоҳий маърифатга интилиб, Аллоҳнинг жамолидан баҳраманд бўлишга уринадиган шахсларнинг маънавиятини тарбиялаш мақсадида ўқитилар эди. Бу, албатта, умумий мўлжал, интилинадиган олий марра эди-ю, лекин у ҳар бир мактабдор ва ундаги ўқитувчи учун ягона мўлжал эди деб айтиш мушкул. Чунки мактаб хусусий, ўқитиш ихтиёрий бўлгани учун бу борада ҳар хилликлар бўлиши табиий эди.

Шўро даврида эса адабий таълим ўқувчиларда коммунизм ишига садоқат, Ленин ғояларига ишонч ҳамда ғоявий-сиёсий етуклик шакллантириш мақсадида ўқитилар эди. Бу мақсад, айниқса, ўзбек

мактабларида яланғоч кўриниш олган эди. Шунинг учун ҳам бизда бадиий асарлар, асосан, ижтимоий нуқтаи назардан талқин этилиши авж олганди.

Замонавий маънодаги миллий адабиёт ўқитиш методикаси илмини шакллантиришда карвонбоши бўлган, бу соҳа билан илкинчи бўлиб профессионал даражада шуғулланган олим С. Долимов ушбу фан томонидан ҳал қилиниши зарур бўлган муаммоларни илмий асосда кўрсатиб беради: **“Методика бир-бири билан боғланган қўйидаги масалаларни ҳал қилади: кимни ўқитиш ва нима учун уни ўқитиш керак (бу – таълимнинг мақсади), нимани ўқитиш лозим (бу – таълимнинг мазмуни ва системаси), қандай қилиб ўргатиш керак (бу – таълимнинг формаси ва методи)”**<sup>1</sup>. Маълумки, илмда масаланинг тўғри қўйилиши муҳим саналади. Чунки тўғри қўйилган масала эрта бўлмаса, кечроқ, қачондир ўзининг ҳаққоний ечимини топади. Нотўғри қўйилган масала эса, кишини чалғитиб ҳақ йўлдан узоқлаштиради. Келтирилган кўчирмадан олимнинг адабиёт ўқитишнинг асосларини тўғри белгилаб олиш мактаб адабий таълимини йўлга қўйиш учун ҳал қилувчи аҳамиятга эгаллигини беҳато билгани англашилади.

Мактаб адабий таълимини шўро даврида кўнирилган тарзда амалга ошириш ёшлар маънавиятини шакллантириш учун етарли эмаслиги ўша вақтдаёқ маълум бўлиб қолганди. Шу сабабдан шўро тузумининг охириги йилларида Ўзбекистондаги ўрта, ўрта махсус ва олий мактабда адабиёт ўқитишни яхшилаш масаласи турли даражаларда қайта-қайта кўрилгани, ўқув дастур ва дарсликларининг керагидан кўпроқ ўзгартирилди. “Шарк юлдузи” журналида 1987 йил июн сонида “Мактаб ва адабиёт” мавзусида баҳс уюштирилиб, адабий таълимни қайта қуришнинг долзарб масалалари илк бор кўтарилганди. Мазкур баҳс бошланганига ўттиз йил бўляпти ҳамки, кўтарилган муаммо ўз долзарблигини йўқотгани йўқ. Бу орада адабий таълим (1988-1991), (1991-1997), (1998), (2006), (2010) йилларда беш марта янгиланди.

Адабиётнинг қандай ўқитилиши, бинобарин, жамият аъзолари маънавиятининг қай йўсинда шакллантирилиши, биринчи навбатда, адабиёт ўқитишнинг асосларини тўғри белгилашга боғлиқ. Адабий таълимнинг **асослари мақсад, вазифалар ва мазмун** тушунчаларини ўз ичига олади.

Мактабда адабиёт ўқитишнинг мақсади тўғри белгиланмаса, таълим жараёни қанчалик маҳорат билан уюштирилмасин, арзийдиган самарага эришиб бўлмайди. Афсуски, адабиёт ўқитиш амалиётида на бош, на умумий ва на хусусий мақсадларни аниқлаб олмай туриб иш кўриш ҳолати оммавий тус олган. Шунинг учун ҳам жуда кўпчилик ҳолларда ўқувчилар нима учун адабиёт ўрганишлари кераклигини билмагани каби, ўқитувчилар ҳам айна мавзуни нега ўргатаётганлари ҳақида тузукроқ тасаввурга эга бўлмаган ҳолда иш юритаверадилар.

Шунинг учун ҳам домла С. Долимов ўз давридаги ҳукмрон мафкура

---

<sup>1</sup> Долимов ва бқ. Адабиёт ўқитиш методикаси. –Т.: “Ўқитувчи”, 1967. 4-бет.

талабидан келиб чикиб, бадий адабиётни идеологиянинг бир тури деб санаган, адабиёт предметини ўқувчиларга ғоявий-сиёсий тарбия беришнинг воситаси деб қараган бўлсада, ҳамиша мактаб адабий таълими ўз олдидаги мақсадни аниқ белгилаб олиши кераклигини таъкидлаган. Методист олим адабиёт предметининг биринчи навбатдаги вазифаси ўқувчиларни эстетик завққа эга, бадий жозибани туядиган шахслар сифатида тарбиялаш эканини назарда тутиб иш кўрарди. Бу ҳол олимнинг қуйидаги фикрларида яққол намоён бўлган: *“...ўқитувчилар, методик қўлланмаларнинг авторлари адабиётни фақат ўқув материали деб ҳисоблаб, адабиёт дарслари болаларга фақат план тузишни, қаҳрамонга характеристика бериш йўллари, унинг оғзаки ва ёзма нутқини ўстиришни ўргатади деб талқин қиладилар. Улар адабиётнинг эстетик таъсирини, шахснинг ҳар томонлама камол топишига ёрдам беришини иккинчи ўринга қўйдилар, баъзан адабиётнинг бу хусусиятини батамом унутиб қўйдилар”*<sup>2</sup>.

Чиндан ҳам ўқувчиларга бирор адабий асар бўйича режа тузиш, бирор мавзуда иншо ёздириш, бирор асарнинг мазмунини айтиб беришга ўргатишнинг ўзи мақсад бўлолмайди. Чунки саналганлар бирор фаолият учун мақсад бўлишга арзийдиган миқёсдаги юмушлар эмасдир.

Кўпчилик ўқитувчилар назарида адабий таълимдан **мақсад** ёзувчилар ва уларнинг айрим асарлари ҳақида ўқувчиларга маълумот беришдан иборатдир. Қизиғи шундаки, шўро давридаги шу хил ҳужжатларда адабиёт ўқитишнинг вазифалари кўрсатилар эди-ю, унинг мақсади назардан четда қоларди. Ҳолбуки, у ёки бу ўқув фанининг бош мақсади таълим тизими олдида буюртмачи бўлмиш жамият томонидан қўйилади ва тегишли ҳужжатларда акс этган бўлади. Ҳозирги кунда мактабда адабиёт ўқитишнинг **бош мақсади соғлом эътиқодли, ўткир ҳиссийатли, юксак дидли, ахлоқан баркамол, ақлан етук, ўзга инсоннинг туйғуларини англайдиган, ўз хатти-ҳаракатлари учун жавоб бера оладиган шахснинг маънавий дунёсини шакллантиришдан иборат** деб белгиланади. Бу мақсадга ўқувчида бадий адабиётга меҳр уйғотиш, уларга адабиётнинг сеҳрли олами тилсимини топиб бериш орқали эришилади. Дарсликдаги ва хрестоматиялардаги асарларни ўз талабаларига тўлиқ ўқитган, аммо уларни дастурда бўлмаган бошқа бадий асарларни ўқишга ўргата олмаган ўқитувчи меҳнатқаш, фидойи бўлса-да, мақсадига эришган муаллим саналмайди.

Жамият тараққиётининг бугунги босқичи мустақил фикрлайдиган шакллантиришни тақозо этади. Бундай шахссиз мустақиллик – пуч гап. Чунки мамлакатнинг мустақиллиги унда яшаётган кишиларнинг мустақиллигидан бошланади. Эстетик ва ахлоқий жиҳатдан етарли тарбия олмаган кимса мустақил фикрлайдиган баркамол шахс у ёқда турсин, умуман, шахс бўлолмайди.

Жамият томонидан белгиланган ана шу бош мақсаддан келиб чиққан

---

<sup>2</sup> Долимов ва бқ. Адабиёт ўқитиш методикаси. –Т.: “Ўқитувчи”, 1967. 52-бет

холда, ҳар бир дарсда синфдаги ўқувчилар олдига ҳар бир ўқитувчининг ўзи ҳам мақсад қўяди. Бу мақсадни **умумий** мақсад деб аташ тўғри бўлади. Унинг шундай аталиши сабаби шундаки, бу мақсадлар синфдаги барча ўқувчиларга қаратилган ва уларни ўз атрофига бирлаштирадиган бўлади. Умумий мақсад а) **тарбиявий** мақсад; б) **таълимий** мақсад; в) **ривожлантириш** мақсади каби учга бўлинади. Яъни ўқитувчи ҳар бир дарс мобайнида маълум даражада тарбия, маълум даражада таълим бериш орқали ўқувчини муайян даражада ривожлантиришга эришиши лозим бўлади.

Ҳозирги кунда педагогика илми ва амалиётида мақсадни натижа билан мувофиқлаштиришга уриниш, **идентификациялаш** ҳаракати кетмоқда. Яъниким, ўқитувчи ўзи ва ўқувчилари олдига шу қадар аниқ, кўзга кўринадиган **мақсад қўйиши керакки, у ўқувчи дарс давомида эришадиган натижага теппа-тенг бўлиши лозим**. Ўқитувчи қўйган мақсад билан ўқувчи эришган натижанинг бир хиллигига эришиш идентификациялашган (бир хиллаштирилган) мақсадга етишиш демакдир. Бунинг учун умумий мақсад ўта конкрет бўлиб, ҳар бир унсури аниқ кўриниш касб этадиган даражада майдалаштирилиши, машғулоти ташкил этган ички унсурларга, ҳозирги тил билан айтганда, ўқитиш модулларига мувофиқ келиши лозим бўлади.

Маълумки, ҳар бир ўқувчи ёки талаба ўқув муассасасига ўзигагина маълум бўлган **шахсий** ёки индивидуал бир мақсад билан келади. Шахсий мақсад ҳамиша ҳам таълим олиш, тарбияланиш ёки ривожланишни кўзда тутган бўлади дейиш қийин. Чунки ўқувчи кўпчилик ҳолатларда бирор дарсга кирар экан, ўз мақсадини аниқ белгилаб олмаган бўлади. Адабиёт ўқитувчиси бир синфдаги турли-туман шахсий мақсадга эга бўлган болаларни битта умумий мақсадга бирлаштира олиши керак. Бунинг устига, умумий мақсад бош мақсадда белгилаб қўйилган педагогик марраларга мувофиқ келиши ва унга йўналтирилиши лозим.

Мақсад тайин этилгач, унга эришишнинг йўллари қидирлади ва у илмда **вазифалар** тушунчаси билан умумлаштирилади. Адабиёт ўқув предмети олдида ўқувчиларни бадиий асар ўқийдиган қилиш, табиий ва бадиий гўзалликдан ҳайратланиш, лол қолиш, ёмонлик ва қабоҳатдан нафратланишга ўргатиш каби **вазифалар** бор. Негаки, ана шундай сифатларга эга бўлмаган одамда эзу маънавий фазилатлар шаклланмайди. Маълумки, инсоний қадриятларга бефарқ, яхши билан ёмон, гўзал билан хунук, ҳалол билан ҳаромни фарқламайдиган кишилардан иборат жамият таназзулга, инқирозга маҳкумдир.

Мактаб адабиёти ҳар қандай одам учун ўзини таниш воситаси, ўзини таниш эса, ўзгани тушунишдан бошланади. Ўзгани тушуниш машқи бадиий асарлардаги қаҳрамонларни ҳис этишдан ибтидо олади. Шундан келиб чиққан ҳолда мактабда адабиёт ўқитишнинг **вазифаларини ўқувчиларда бадиий адабиётга меҳр уйғотиши, уларни кўркем асарларни ўқийдиган, ўқиганларини тушунадиган ва таҳлил қила биладиган, бадиий матн тўғрисидаги фикрларини оғзаки ёки ёзма тарзда тўғри**



*ҳамда эркин ифодалай оладиган қилиб шакллантиришдан иборатдир* деб белгилаш мумкин. Адабиёт ўз олдидаги вазифаларни муваффақиятли ўташи учун жамият томонидан педагогик тизим олдида қўйилган бугунги талаблардан яхши хабардор бўлиши лозим.

Адабиёт предметини ўрганиш туфайли ўқувчиларда ҳосил қилинган туйғу, билим, кўникма ва малакалар уларнинг турмушига, жамият ҳаётидаги иштирокларига хизмат этиши, ўқувчиларда соғлом дунёқараш, эзгу ҳаётий позиция ҳосил қилиши зарур.

Адабиёт бошқа предметлардан фарқи ўлароқ, одам учун фақат мактабдаги ўқиш давридагина эмас, балки умри мобайнида ўргатилиши зарурдир. Адабиёт яхши ўқитилиши асносида, мактабга келганида эплаб жумла тузаолмайдиган бола тилнинг маъно нозикликларини пухта эгаллаб олади. Ёзма ва оғзаки тарзда равон фикр ифодалашни ўрганади. Энг муҳими, уни эзгу маънавиятли одам сифатида шакллантириш имконияти пайдо бўлади. Хуллас, ўқувчиларнинг ахлоқий-эстетик жиҳатдан комил бўлиб тарбияланиши адабиёт предметининг қандай ўқитилишига кўп жиҳатдан боғлиқ ва уларни шундай маънавий сифатлар эгаси қилиб тарбиялаш адабиётнинг вазифасидир.

Билим ўз ҳолича ҳали эътиқод эмас. Эътиқодга айланмаган билим фойдаланилмай турган имкониятдир холос. Агар ўз вақтида тўғри тарбия кўрмаган бўлса, жуда билимдон одам ҳам эътиқодсиз кимса бўлиб қолавериши мумкин. Эътиқод одамнинг ўз фикри, тутуми ва қилган хатти-ҳаракатларига маънавий-ахлоқий асос борлигига қатъий ишониши демакдир. Шу маънода адабиёт эътиқодни тарбиялаш қуроли ҳамдир.

Адабиёт ўқитиш эзгу эътиқодни шакллантирадиган даражада бўлиши учун унинг мазмуни соғлом ва юксак бўлиши керак. Ҳисобга олиш керакки, адабий таълимнинг мақсад ва вазифалари, табиий равишда, адабиёт предметининг **мазмунини** белгилайди. *Ўзбек ва жаҳон адабиётининг бадиий юксак намуналари ҳамда ўқилган асарларни тушуниш ва таҳлил қилиш малакаларини шакллантириш учун зарур бўлган миқдордаги назарий маълумотлар адабиёт ўқув фанининг мазмунини ташкил этади.*

Адабиёт ўқитишнинг мазмуни, биринчи навбатда, дастурда ифода этилади. Бундан ташқари, дарслик, ўқув ва методик қўлланмалар, кўрсатмали қуроллар, ёрдамчи воситалар ҳам таълим мазмунини ташкил этадиган унсурлардир.

Адабиёт дастурида қайси синфда қайси асарлар қанча вақт давомида ўрганилиши, қандай асарлар ўқувчилар томонидан мустақил ўқилиши белгилаб берилади. Шунингдек, адабиёт назарияси бўйича ўқувчи ўзлаштирадиган билим, кўникма ва малакаларнинг ҳажми, боғланишли нутқни ўстиришга оид машғулотларга ажратилган соатлар ҳам кўрсатилади. Ўқитувчи дастурга ижодий муносабатда бўлиши лозим. Дастур расмий педагогик ҳужжат, тегишли муассасалар томонидан тасдиқланган ҳуқуқий асос бўлса-да, ҳеч қандай ўзгаришларни тан олмайдиган ақида эмас. Шу боисдан ўқитувчи ўқувчиларнинг характер

хусусиятларини, билим савияларини ҳисобга олиб, унга айрим ўзгаришлар киритиши мумкин. Ўқитувчи мавзули режа тузишда дастур талабларини имкон қадар тўлиқ бажариш йўлини ўйлаши керак.

Дастурда учта асосий нарса бор: а) дастур материали; б) материални ўрганиш тартиби; в) машғулот миқдори.

Дастур материали, **биринчидан**, тарбиянинг талабига мувофиқ бўлиши, **иккинчидан**, талабаларнинг ёш хусусиятларига мос бўлиши, **учинидан**, бадиий жиҳатдан юксак бўлиши керак. Шу шартларга амал қилинса, тақдим этилган бадиий материал ўқувчилар томонидан тез ўзлаштирилади ва уларнинг маънавиятига кучлироқ таъсир ўтказди.

Адабий таълим мазмунини ифода этадиган тушунчалар орасида **адабиёт дарсликлари** алоҳида ўрин тутди. Адабиёт дарсликлари ўқувчиларга ҳамма нарсани айтиб берадиган йўсинда эмас, балки уларни ўйлашга мажбур этадиган, муайян ақлий ва маънавий зўриқишни талаб қиладиган тарзда ёзилиши зарур. Шундагина улар ўқувчиларни ўзига ром этиб, уларнинг ишчи китобларига айланади. Ўзбек мактабларида дарсликлар кўп вақтлар мобайнида ўқитувчилар учун ҳам ягона манба бўлиб келди. Эндиликда ўқитувчилар савиясининг пасайишига олиб келадиган бундай ҳолга чек қўйиш вақти келди. Шу боис ўқитувчилар учун алоҳида дидактик ашёларнинг турли кўринишларини тайёрлаш йўлга қўйилиши жоиз.

Айтилганлардан келиб чиқиб умумий тўхтамга келинса, адабиёт ўқитишнинг мақсади, вазифалари ва мазмуни **адабий таълимнинг асосларини** ташкил этади.

### **Адабиётлар:**

1. Богданова О. Ю., Леонов С. А., Чертов В. Ф. Методика преподавания литературы (учебник). -М.: "Academa", 2004.
2. Долимов С., Убайдуллаев Ҳ., Аҳмедов Қ., Адабиёт ўқитиш методикаси, -Т.: "Ўқитувчи", 1967.
3. Резь З. Я. и др., Методика преподавания литературы. -М.: "Просвещение", 1977. стр.10-17.
4. Зуннунов А., Хотамов Н., Иброҳимов А., Эсонов Ж. Адабиёт ўқитиш методикаси. -Т.: "Ўқитувчи", 1992.
5. Йўлдошев Қ., Мадаев О., Абдураззоқов А. Адабиёт ўқитиш методикаси. -Т.: "Университет", 1994.
6. Йўлдошев Қ. Адабиёт ўқитишнинг илмий-назарий асослари. -Т.: "Ўқитувчи", 1996.
7. Тўхлиев Б. Адабиёт ўқитиш методикаси. -Т.: «Янги аср авлоди», 2010.

## 2-мавзу. АДАБИЁТ САБОҚЛАРИДА ИННОВАТСИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ҚЎЛЛАШ

### РЕЖА:

- 2.1. Педагогик таълимнинг фалсафий йўналишлари
- 2.2. Адабиёт таълимида интерфаол методлар
- 2.3. Инноватсион технологиялар ва уларни қўллаш

**Таянч тушунчалар:** *трансмиссия, трансформация, трансакция, инновация, технология, интерфаол, метод.*

Инсоният тарихи билан тенг бўлган педагогик амалиёт, умумлаштириб олганда, уч асосий фалсафий йўналиш асосида уюштирилиб келинаётир. Бу фалсафий йўналишлар педагогика илмида **трансмиссия, трансформация, трансакция** тарзида номланади. Қўшма сўзлардан иборат бу атамалардаги дастлабки *trans* сўзи лотинча бўлиб, “орқали”, “орқали ўтиш”, “воситасида ўтиш” маъноларини англатади.

Таълимни **трансмиссия** фалсафаси асосида ташкил этиш ғоят узоқ давом этиб, инсоният тажрибаси ва фаннинг тараққиёти кўпроқ эмпирик характерда бўлган даврларни ўз ичига олади. Бу фалсафий ёндашув асосида ташкил этилган таълимда ўқувчилар ўқитувчи берган билимларнигина ўзлаштирадilar. Бу даврда инсоният ўзлаштириган билимларнинг ўзи анча примитив бўлганлиги сабаби ўқитувчи уларни ўзига сингдирган кам сонли одамлардан бири сифатида билганларини ўқувчиларига тушунарли йўсинда узатганлар.

Инсоният эгаллаган билимлар миқдори нисбатан кўпайиб, уларни ёш авлодга ўзгаришсиз ўргатиш кўп вақтни оладиган бўлиб қолгач, таълим кечими (жараёни) **трансформация** фалсафий йўналиши асосида ташкил этиладиган бўлди. Бунда ўқитувчи у ёки бу фаннинг ўзини эмас, балки унинг асосларини ўргатишга йўналтирилди. Чунки бу босқичда фан анчагина ривожланганлиги учун ҳам ўқувчиларнинг уни тўлиқ эгаллашлари мумкин эмас эди. Шундан келиб чиқиб, ўқитувчи трансформатор вазифасини ўтар, яъни муайян фаннинг асосий моҳиятини ўқувчиларга сингдиришга уринади. Эътибор қилинган бўлса, ҳар икки ҳолатда ҳам ўқитувчи таълим жараёнининг субъекти бўлиб, билим бош қадрият хисобланади. Бу фалсафий ёндашувлар асосида ташкил этилган таълимда асосан хотирани мустаҳкамлашга зўр берилиб, ўқувчи миясининг чап ярим шарини ривожлантириш кўзда тутилади.

Ҳозирги ўқитиш кечими учун ўқитувчининг айтганларинигина эслаб қоладиган ўқувчиларни тайёрлаш етарли бўлмай қолди. Чунки ҳар қандай кучли хотира ҳам чексиз очундаги беадад ходисаларнинг барчасини қамраб ололмайди. Бунинг устига, хотира ёрдамида ўзлаштирилган билимлар фақат стандарт вазиятлардагина фойдаланишга мўлжалланган бўлади. Нотаниш вазиятга дуч келинса, машаққат билан ўзлаштирилган бу билимлар ҳеч нарсага ярамай қолади. Маълумки, тириклик ҳеч қандай стандарту қолипга

тушмайдиган даражада ранг-барангдир. Шунинг учун ёш авлодни мустақил изланадиган, ностандарт вазиятларда энг мақбул ва оригинал қарорлар қабул эта оладиган қилиб тарбиялаш кун тартибига чиқди.

Фан ва техника тараққиётининг замонавий даражаси ва инсон руҳиятининг ҳозирги ҳолати ўқитиш кечимининг ўзгача фалсафий йўналиш асосида ташкил этилишини тақозо этди. Ана шу заруриятнинг натижаси ўлароқ **трансакция** фалсафаси пайдо бўлди. Бунга кўра, таълимнинг мазмуни ўқувчиларнинг ўз хатти-ҳаракатлари, интилишлари натижасида ўзлаштирилиши кўзда тутилади. Яъни бу фалсафий йўналишда ўқувчи таълим кечимининг **бош қадрияти** ва ўқитиш жараёнини ўқитувчи билан биргаликда амалга оширадиган **субъект** мақомида бўлиши лозим деб ҳисобланади. Негаки, бу даврга келиб илм шу қадар ривожланиб кетдики, энди ўқувчиларга уларнинг асосларини ўргатиш ҳам мумкин бўлмай қолди. Илму фаннинг тезкор тараққиёти олдинлари хаёлга ҳам келмаган бир қатор муаммоларни пайдо қилди. Чунончи, ўқувчиларга қайси фан асосларини, қанча миқдорда, қачон ва қай тартибда ўргатиш кераклиги масаласини ҳал этиш мушкул бўлиб қолди. Мабодо, бу муаммо ҳал этилгудай бўлса ҳам ҳар бир ўқувчининг буларни ўзлаштирилиши зарурми деган инсон ҳуқуқи билан боғлиқ савол кўндаланг қўйиладиган бўлди.

Трансакция фалсафаси оламни ҳар бир одам ўзи мустақил, ўз назари билан кўргани каби уни ўз кучи билан ўрганиши ҳам керак деб ҳисоблайди. Бу фалсафий йўналиш оламга ўқув предмети нуқтаи назари билан қарашни рад этади. У олам ҳодисаларини бутунича, яхлит ўзлаштириш мумкин деб қарайди ва бунинг учун ўша ҳодисаларни англатадиган илмий қонуниятларни дидактик жиҳатдан ҳазм қилиш мумкин бўлган ҳолатда тақдим этиш лозим деб билади.

Ана шундай фалсафий ёндашув туфайли бугунга келиб бутун дунё миқёсида таълим тизимини тубдан ўзгартириш жараёни кечмоқда. Америка олимларининг билимларни ўзлаштириш борасида олиб борган кейинги тадқиқотлари шуни кўрсатдики, бугунга кунда дунёни билдириши жиҳатидан ўқитувчи, яъни мактаб **оила**, **ахборот воситалари** ва **муҳитдан** кейинги **тўртинчи ўринга** тушиб қолган. Оламдаги ҳар бир илмнинг бўйига чуқурлашиб, энига кенгайиши шу даражага етдики, бир киши фаннинг кичик бир соҳасини ҳам тўлиқ ўзлаштириб олиши мумкин бўлмай қолди.

Жамият аъзолари маърифат даражасининг ўсиши натижасида оиланинг ички имкониятлари ортиб кетди. Деярли ҳар бир ўтбоши (оила) ўз болаларига мустақил равишда маълум даражада билим бера оладиган даражага етди. Ахборотлар оқими миқёсининг беҳад кенгайиши ахборот воситаларининг кўпайишига олиб келди. Тараққиёт эса, бу тийиқсиз ахборотлар оқимидан кераклиларини ўзлаштириб олишнинг ғоят қулай техник воситаларини яратди. Одамларнинг умумий интеллектуал савияси очун миқёсида сезиларли юксалди. Бу исонларнинг бир-бирларига кўрсатадиган ўзаро маърифий таъсири даражасини ортирди. Натижада, ўқитувчи олдингидай маърифат осмонида чакнаган ёлғиз ёруғ юлдуз бўлолмай қолди.

Агар олдинлари бутун таълим тизими ўқувчи миясининг чап ярим шарини, яъни хотирасини кучайтиришга йўналтирилган ва бу шахс ҳамда жамият тараққиёти учун кифоя қилган бўлса, бугунги кунда хотира учун ишлаш шахс шаклланиши учун ҳам, жамиятнинг ўсиши учун ҳам етарли бўлмай қолди. Инсон хотирасининг ўрнини боса оладиган шундай техник воситалар яратилдики, одам истаган пайтда ўзини зўрлаб ўтирмай, жуда кўп нарсаларни эсига тушириш имконига эга бўлди. Энди мавжуд имкониятлардан эзгу мақсадлар йўлида тўғри фойдалана оладиган, ҳамisha ниманидир ўрганишга ички эҳтиёж сезадиган ва бунинг самарали йўллариини излайдиган кишиларни шакллантириш зарурияти юзага келди. Давр билим бериш, болаларда муайян кўникма ва малакалар шакллантиришнинг ўзгачароқ йўллариини топишни талаб этмоқда.

Таълим тизими ва уни йўлга қўйиш борасидаги шу хил янгиланишлар кейинги вақтларда очун миқийёсида кенг ёйилиб бораётган **интерфаол методлар**нинг юзага келишини тақозо этди. Интерфаол усуллар мустақил фикрлайдиган, изланадиган ўқувчиларни шакллантириш имконига эгаллиги билан эътиборга лойиқдир. Таълимнинг бу усуллари ўқитиш жараёнининг асосий оғирлиги ўқувчиларнинг зиммасига ортилишини, ўқувчилар таълимнинг объекти эмас, балки субъекти, яъни ижрочиси бўлишини тақозо қилади. Интерфаол методларнинг негизида ўқитувчи билан ўқувчиларнинг, ҳамда ўқувчилар билан ўқувчиларнинг ўзаро шерикликдаги фаолият кўрсатиши ётади. “Интерфаол” атамаси лотинча “*интер акт*” сўз бирикмасидан олинган бўлиб, “**интер**” – ўзаро ва “**акт**” – фаолият маъноларини англатади<sup>3</sup>. Яъни интерфаол методлар таълим мазмунининг тўлиқ ўзлаштирилишида ўқувчиларнинг ўзаро бир-бирлари ва ўқитувчилари билан биргаликда фаолият кўрсатишларини ташкил этишга қаратилади. Бу методлар ўқувчиларнинг фаоллиги, мустақил изланиши, ўзлаштириладиган маълумотларга ижодий ёндашишини кўзда туттади.

Интерфаол методлар таълим кечимида қатнашаётган ҳар бир ўқувчининг фаоллигига таянади. Бунда ўқиш ўқувчи учун қизиқарли ва зарур фаолиятга айланади. Интерфаол усуллардан фойдаланилганда, ўқувчилар ўқитилмайди, балки ўқитувчи билан биргаликда муайян йўналиш ва миқдордаги билимларни уларнинг ўзлари эгаллашади. Бу ҳол болаларда мустақил изланишга рағбат пайдо қилади. Бундай йўсинда уюштирилган таълим кечимининг қатнашчилари ўзаро бемалол баҳслашадилар, материални ўзлаштиришни ўзлари хоҳлаганидай эркин амалга оширишади. Ўқув топшириқларининг алоҳида ўқувчига эмас, балки кичик гуруҳлардаги барча болаларга берилиши уларда жамоа туйғусини шакллантириб, ташаббускорлиги ортувига олиб келади.

Интерфаол методлардан фойдаланиш ўқув машғулотларини қизиқарли қилади. Лекин таълим кечими учун қизиқарлиликнинг ўзи мақсад бўлолмайди. У – восита, холос. Интерфаол усуллар, барча илғор методлар каби камроқ куч ва ресурс сарфлаб, каттароқ дидактик натижага эришишга

<sup>3</sup> Словарь иностранных слов. –М.: «Русский язык», 1979. С-23; С-198.

қаратилади.

Интерфаол методлар негизда трансакция педагогик фалсафасининг **конструктивизм** йўналиши ётади. Конструктивизм кейинги 40 йил давомида очун педагогика илмида ҳам назарий қараш, ҳам амалий йўналиш сифатида кенг ёйилди. Бу илмий дунёқараш ўз номини лотинча “**constructio**”– “қурилма”, “қурилиш” сўзларидан олган бўлиб, унга кўра ўқиш ўқувчиларнинг ақлий фаолиятлари натижасида билимлар конструкция қилинадиган, яъни муайян ақлий қурилма ҳолига келтириладиган жараёндир. Минглаб йиллик педагогик амалиёт ҳеч ким ҳеч кимни ўқитолмаслигини кўрсатди. Таълим жараёнида қатнашаётган ҳар бир шахснинг ўзи ўқишга интилади ва эришиладиган таълимий натижа унинг интилиш даражасига мутаносиб бўлади.

Конструктивистик қарашларнинг юзага келишига швецариялик машҳур файласуф ва педагог Жан Пиеже билан биргаликда замонавий америка педагогикасининг отаси Джон Дьюи, таниқли рус психологи Л. С. Виготский, америкалик психолог Бенжамин Блум каби олимлар жиддий таъсир кўрсатганлар. Бу ёндашувнинг ўзагида **Жан Пиаженинг**: “*...бола ўз интеллектининг меъморидир*”,- деган қараш ётади. Бу қарашга кўра ўқитиш фаол кечим бўлиб, ҳар бир киши янги билимларни олдин орттирган тажрибалари устига ўзи “қуради”. Чиндан ҳам ҳаётда ҳар бир одам ҳеч кимдан тайёр ғояни олмайди, балки ҳамини ўз ғоясини яратади. Шунинг учун ҳам дунёдаги ҳар бир одам айнаи бир нарсани турлича қабул қилади. Ҳар бир одам умри давомида атроф олам ҳақидаги тасаввурларини ўзига хос йўсинда “қуради” ва дунёни ўзи қурганидай англайди. Айнан шу боис ҳар бир одам ўзига хос дунёқарашга, эътиқодга эга бўлади ва шуниси билан бетакрор ҳамда қимматли саналади. Бошқаларникига ўхшамайдиган қарашларнинг эътиборга сазоворлиги, ўз киёфаси ва услубига эга одамнинг кадр топиши сабаби шундадир.

Конструктивизм одамга билим тайёр ҳолда берилмайди деган ўзак қарашга таянади. Кишига ҳеч ким билим бермайди, балки у билимларни эгаллаш учун ўзи ҳаракат қилади, интилади. Таълим муҳити эса, фақат одамларга билимларни мустақил равишда эгаллаш ва кўпайтириш учун зарур *шароит яратиб бериши* керак.

Конструктивизм ўрганувчининг нуқтаи назари, қарашлари қанчалик “хом” ва ибтидоий бўлишига қарамай, ўқитиш кечимига асос қилиб олинишини талаб этади. Ж. Пиаженинг фикрига кўра, одамда олдин шаклланган мавжуд ички билимлар билан ташқи дунё номаълумлиги орасидаги зиддиятнинг бартараф этилиши янги билимлар “қурилмасини” юзага келтиради.

Конструктивизм *ҳақиқатга эришиш кечимини ҳақиқатнинг ўзидан кўра қимматроқ деб биладиган* педагогик фалсафадир. Шунинг учун ҳам интерфаол методларда *эришилган дидактик натижадан кўра, унга келиш йўли, ўқувчиларнинг бу кечимдаги изланишлари, ташаббус кўрсатишлари муҳим* саналади. “*Илмий билим турғун ҳодиса бўлмай, тинимсиз қуриш ва қайта қуришдан иборат кечимдир*”,- дейди Жан

Пиаже. Чиндан ҳам таълимнинг бирор йўналиши маълум нуқтага етгач, тўхтаб қолмайди, балки узлуксиз равишда янги марралар сари интилишлар тизимидан иборат бўлади.

Интерфаол методларни қўллаш натижасида домланинг вазифа ва мақоми бир қадар ўзгаради. Интерфаол методлардан фойдаланилганда домла шунчаки дарс берувчи эмас, балки тингловчи учун маслаҳатчи, ташкилотчи ва мувофиқлаштирувчидир. У ўрганувчининг мустақил ақлий фаолият кўрсатишига шароит яратиб, унинг ташаббускорлигини ҳар томонлама қўллайди. Ўрганувчи таълим кечими ва унда эришиладиган натижа учун жавобгар бўлган тўлақонли “шерик”ка айланади.

Интерфаол методлардан фойдаланиш таълимни фақат фанлар асосида эмас, балки объектив очуннинг ўзидаги каби синкретик йўсинда ташкил этишни кўзда тутди. Бунда ўрганувчи ва ўргатувчи ўқув фани тушунчасидан баланд туриши талаб этилади. Ўқитувчи болалар олдида уларни ўраб турган реал борлиқдаги ҳақиқий муаммоларни қўйиши, бунинг учун ҳаётда кўп учрайдиган ва манбалардан топиш мумкин бўлган масалаларни дидактик топшириқ сифатида бериши керак. Агар бу хилдаги муаммоларни ўқувчиларнинг ўзлари тавсия этсалар, янада яхши бўлади. Ўқувчиларнинг олдида қўйилаётган муаммо ўйлаб топилган сунъий ёки изланишга арзимайдиган даражада кичик бўлмаслиги керак.

Интерфаол методларни қўллаётган ўқитувчи бирор дарс юзасидан ўқувчиларга топшириқ бераётганда болани фаолиятга ундовчи **таснифланг, асосланг, тадқиқ этинг, умумлаштиринг, таҳлил қилинг, андаза беринг (моделлаштиринг), ташхис қўйинг, баҳо беринг** каби сўзларни қўллагани мақсадга мувофиқ. Таълим кечимида бу хилда аниқ вазифалар қўйиш ўқувчиларни изланишга, фаолият кўрсатишга йўналтиради.

Ўз тажрибасида интерфаол усулларни қўллаётган ўқитувчи қарама-қарши нуқтаи назарларни бир-бирига тўқнаштириш орқали ўқувчиларда танқидий тафаккур шаклланишига шароит яратишни кўзда тутиши керак. Шунда ўқувчиларда ўз қарашларини ҳимоя қилиш кўникмаси пайдо бўлади ва ўзгаларнинг фикрига тезлик билан қарши далиллар келтириш, бировнинг хулосасидаги ожиз жойларни дарҳол топа олиш каби сифатлар шаклланади. Интерфаол методлардан фойдаланиш ўқитувчидан ўринли берилган ақлий саволларни кадрлашни, битта ақлий саволни ўнлаб тўғри, аммо жўн жавоблардан устун қўйишни талаб қилади. Шундай қилинса, ўқувчиларда чуқур ва керакли саволлар беришга ички эҳтиёж, интилиш пайдо бўлади. Интерфаол методлардан фойдаланаётган ўқитувчи ўқувчилар олдида муаммо қўйганидан кейин ўқувчиларга муаммо устида чуқурроқ ўйлаш имконини бера билиши лозим.

Ўқувчиларнинг бир-бирлари билан биргаликда иш кўришига таяниб таълим бермоқчи бўлган ўқитувчи болалар табиатидаги ўта қизиқувчанликдан ўринли фойдаланиб, таълим кечимида эвристик ва тадқиқот усулларини кўпроқ қўллаши мақсадга мувофиқдир. Хуллас, интерфаол усулларда дарс ўтилганда **“изланиш – фараз – ечим – изоҳ – янги изланиш”** тарзидаги таълимий цикл юзага келса, ўқувчиларнинг

билимларни ўзлаштиришлари ва шахс сифатида шаклланишлари таъминланади. Бу циклда ўқувчилар муаммо юзасидан изланишлари, изланишнинг фаразни юзага чиқаргани, фараз ва уни асослашга уриниш муайян ечимга олиб келгани, ўқувчилар томонидан тавсия этилган ечим ўқитувчи томонидан изоҳлангани, бу эса кейинги изланишларни келтириб чиқаргани акс этади.

### **3-мавзу. АДАБИЁТДАН МУСТАҚИЛ ИШЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЙЎЛЛАРИ**

#### **Режа:**

- 3.1. Адабиёт бўйича мустақил ишларнинг педагогик асослари.
- 3.2. Мустақил ишларнинг адабиёт дарслари билан ўзаро алоқадорлиги.
- 3.3. Мустақил ўқиш тушунчасининг моҳияти.
- 3.4. Китобхонлар конференцияси ва уни ўтказиш.
- 3.5. Адабий учрашувлар уюштириш.
- 3.6. Адабий баҳслар ўтказиш.
- 3.7. Адабий кечалар ўтказиш.
- 3.8. Адабий кўргазмалар ташкил этиш.
- 3.9. Адабий қуроқ тайёрлаш.

#### ***Таянч тушунчалар:***

*Мустақил ишлар — ўқувчиларда адабий дид ва фаоллик шакллантириши омили, мустақил ўқиш ва синфдан ташқари ишлар, китобхонлар анжумани, адабий учрашувлар, адабий баҳслар, адабий кечалар, адабий кўргазмалар, адабий қуроқлар, адабиёт бўйича синфдан ташқари ишларни режасалатириши, синфдан ташқари ишларни уюштириши ва ўтказишда ўқувчиларнинг иштироки.*

Маънавияти бой ва гўзал ахлоқли шахсни тарбиялаш учун адабиёт сабоқларида амалга ошириладиган ишларнинг ўзи етарли эмас. Адабиёт ўқитувчиси бадий асарни ўқишни ўз ўқувчиларининг табиий эҳтиёжига айлантира олган тақдирдагина адабий таълимнинг бош мақсадига эришиши мумкин. Мажбурий таълим босқичларидаги ўқувчи-ёшларнинг бадий адабиётни ҳис этиш ва тушуниш даражасини кўтариш, эстетик тараққиётини тезлатиш, бадий дидини ўстириш, улардаги ижодкорликни ривожлантириш ва шу йўл билан уларни юксак маънавиятли кишилар қилиб тарбиялаш борасида адабиёт бўйича синфдан ташқари ишлар катта ўрин тутади.

Синфдан ташқари ишларнинг ўзига хослиги шундаки, улар ўқувчида ижодкорлик майлларини уйғотади, уларда ўзининг нималарга қодир эканини синаб кўриш, бошқалардан фарқли жиҳатларини намойиш этиш, ниманидир яратиш иштиёқини туғдиради. Синфдан ташқари ишлар ўқувчига ижоднинг яширин азоб ва лаззатларини тоттириш орқали уларга ўзининг шахс эканини тўлиқроқ ҳис этиш имконини беради. Адабиёт



бўйича синфдан ташқари ишлар ўқувчи хаёлотига парвоз бағишлайди ва рухий эркинлик беради. Инсон руҳиятидаги эрк туйғуси ҳамиша яратиш хиссини уйғотади. Ўзида эрк ва яратувчанлик сезимларини омукта қила олган одамнигина тўлақонли шахс дейиш мумкин бўлади. Синфдан ташқари ишлар натижасида ўқувчида бадиий дид шаклланиши тезлашади, китоб ўқишга, изланишга меҳр уйғонадики, бу сифатлар чинакам шахсга хос хислатлардир.

Таълим кечимининг мутлақо бошқа шакли бўлган синфдан ташқари ишлар адабиёт дарслари билан ўзаро чамбарчас алоқа ўрната олгандагина самара келтиради. Адабиёт бўйича синфдан ташқарида амалга ошириладиган ишлар адабиёт сабоқларининг мантиқий давоми бўлиши, улардан келиб чиқиши керак. Айни вақтда, улар адабиёт сабоқларини янги мазмун, янги материал билан бойитади, ўқувчилар маънавиятида янги ахлоқий сифатлар шаклланишига хизмат қилади. Бу хил машғулотларни назарий фикрларнинг амалиётда қўлланиши натижаси дейиш ҳам мумкин. Сабоқлар ўқувчининг синфдан ташқарида орттирган билимлар заҳирасига, шакллантирган инсоний сифатлар йиғиндисига таяниб олиб борилгандагина самарали бўлади. Шунингдек, дарсда ўзлаштирилган билимлар ва маълумотлар ўқувчини янада кўпроқ мустақил ўқишга ундаши, синфдан ташқари юмушларда ҳеч бир қийинчиликсиз қатнашишга одатлантириши керак.

Адабиёт дастурларида баъзан синфдан ташқарида ўқилиши керак бўлган бадиий асарлар рўйхати берилдики, улар ўқувчиларнинг эстетик эҳтиёжини қондирибгина қолмай, сабоқ давомида мажбурий равишда ўзлаштирилиши лозим бўлган материалларни идрок этишга ҳам ижобий таъсир кўрсатади. Ўзбек тилида чиқадиган педагогик ва методик адабиётларда кўпинча “синфдан ташқари ўқиш” ва “мустақил ўқиш” тушунчалари аралаштириб, бир-бирининг муқобили сифатида ишлатилади. Аслида бу икки тушунча тамомила бошқа-бошқа педагогик ҳодисаларни англатади. **“Мустақил ўқиш”** тушунчаси дастурда кўзда тутилган ва дарсликдан ўрин олган адабий материалнинг дарс вақтида, синфхонада ўқувчиларнинг ўзлари томонидан мустақил ўқилиб, таҳлил қилинишини англатади. Бу юмушнинг ўзига хослиги ва аҳамияти танишилган бадиий асар ўқувчиларнинг ҳар бири томонидан индивидуал идрок этилиб, таҳлил қилинишида намоён бўлади.

**“Синфдан ташқари ўқиш”** тушунчаси эса ўқувчиларнинг ўзлари ёқтирган ва топган бадиий асарлар билан ўзларининг вақтлари ҳисобига танишишини англатади. Бу кечимда ўқитувчининг раҳбарлиги минимал даражада бўлади. У ҳар бир синфдаги ўқувчиларнинг ёш ва рухий хусусиятлари ҳамда адабий жараённинг ҳолатидан келиб чиқиб, ўқувчиларга маслаҳат йўналишидаги кўрсатмаларни бериши мумкин. Айрим синфларнинг адабиёт бўйича ўқув дастурларида синфдан ташқари ўқилган асарлар юзасидан суҳбат ўтказиш учун муайян миқдорда вақт ажратилади. Лекин ўқувчиларнинг бу фаолиятига баҳо қўйилмагани маъқул. Негаки, ўқувчилар ТДСда кўрсатилган миқдордаги адабий

материал ва адабий-назарий тушунчаларни ўзлаштиришгагина мажбурдирлар. Ўқитувчи мажбурий таълимнинг 5- синфидан эътиборан барча босқичларида ўқув йили бошида синфдан ташқарида ўқилиши лозим деб ҳисоблаган асарлар рўйхатини ўқувчиларга бериши ва ярим йил ёки ўқув йили якунида булар юзасидан ўқувчилар билан суҳбатлашиши мумкин. Аммо суҳбат натижасида, олдин айтилганидек, ўқувчиларга баҳо қўйиш тавсия этилмайди, ўқимаганларни салбий баҳолаш эса мутлақо мумкин эмас. Шунингдек, адабиёт ўқитувчиси ўзи тавсия қилаётган асарлар рўйхатининг ҳам бор-йўғи тавсия мақомида бўлиб, ўқувчилар айнан шу асарлар билан танишишга мажбур эмасликларини кўзда тутиши зарур. Ўқувчи муаллим тавсия қилган рўйхатдаги асарларнинг бирортасини ҳам ўқимаган ҳолда ўзи истаган бошқа бадиий битиклар билан танишиш ҳуқуқига эга. Ўқувчиларни синфдан ташқари ўқишга қизиқтириш даражаси адабиёт ўқитувчисининг педагогик маҳорати ва талантини, адабиёт сабоқларининг самарадорлигини кўрсатувчи энг ишончли ўлчовдир.

Адабиёт бўйича синфдан ташқарида амалга ошириладиган ишларнинг синфдан ташқарида ўқишдан бошқа а) адабий конференция; б) адабий учрашув; в) адабий баҳслар; г) адабий кўргазмалар; д) адабий кеча; е) адабий курок сингари турлари мавжуд.

**Адабий конференция** бир ёзувчининг бир ёхуд бир туркум асарлари бўйича алоҳида тайёргарлик билан ўтказиладиган жиддий илмий-адабий тадбир ҳисобланади. Унда ўқитувчи ва бир неча ўқувчи *маъруза* қилишлари керак бўлади. Бу хил иш тури учун катта бадиий салмоққа эга асарлар танланиши керак. Конференцияга объект бўлган адабий асар савиясига кўра у тўғрида жиддий ва хилма хил фикрлар айтишга ярайдиган бўлсагина, турлича қарашларни юзага келтира олади.

Дастлабки адабий анжуманларда бир ёки икки ўқувчи ва бир ўқитувчи маърузачи қилиб белгиланишлари, қолган иштирокчилар эса муҳокама қилинажак асар билан яқиндан таниш бўлиши мақсадга мувофиқ. Кейинчалик маърузачилар фақат ўқувчиларнинг ўзларидан иборат бўлиши мақсадга мувофиқ бўлади. Бунда, албатта, фикрларнинг қарама-қаршилигига эришиш, баҳс юзага келишни таъминлаш орқали асарнинг кўпроқ қирраларини тадқиқ этишга уриниш зарур. Бунинг учун ўқувчининг маърузаси олдин тингланиши, сўнг ўқитувчи ўз чиқишини ўқувчи илгари сурган фикрларга терс йўсинда қўйиши мақбулдир. Шундай қилинса, фикрлар хилма-хиллиги юзага келади. Ҳамма гап шундаки, қарашларнинг қарама-қаршилиги бошқача қаровчи кишини танқид ва инкор этиш йўли билан ифода этилмаслиги керак. Ҳар бир чиқувчи фақат ўз қарашларини асослашга эътибор қаратиши, ўзгача фикрни инкор этишга ортиқча уринмаслиги мақсадга мувофиқ бўлади.

**Адабий учрашувни** ташкил этишда асосий оғирлик адабиёт ўқитувчиси зиммасига тушади. Чунки ижодий маҳсулот билан айна ёшдаги ўқувчиларга бир қадар дахлдор бўлган ижодкорлар билан учрашувни мажбурий таълимнинг бирор босқичидаги ўқувчи ташкил қила олмайди. Бу юмушни фақат адабиёт ўқитувчисигина эплаши мумкин.

Бунга ҳам махсус ҳозирлик кўрилиши зарур. Адабий учрашувларда адабиёт ўқитувчилари, албатта, ҳисобга олишлари зарур бўлган икки жиҳат бор. Биринчиси, ижодкорни учрашувга шунчаки чақириб қўймай, катнашчилар унинг ёзганлари билан бир қадар танишган бўлишини таъминлаш кўзда тутилиши лозим. Иккинчидан, учрашувга таклиф қилинган адибнинг ижодидан хабардорликни кўрсатаман деб, ўқувчиларнинг чиқишларига керагидан ортиқ вақт сарфлаб, ижодкорнинг ўзидан фойдаланиш ёддан кўтарилиб кетмаслиги керак. Баъзи адабиёт ўқитувчилари учрашувга чақирилган ижодкорнинг бир қанча асарларини ўқувчиларга ёдлатади, сахна кўринишлари тайёрлайди ва меҳмонга шуларни тўлиқ кўрсатишга интилади. Натижада, белгиланган вақт ўтиб кетади ва чақирилган ижодкордан керагича фойдаланилмай қолади.

Синфдан ташқари ишларнинг бу турини ўтказиш бадиий ижод билан профессионал даражада шуғулланадиган кишилар яшайдиган шаҳар ва шаҳарлашган манзиллардаги ўқув юртлари учун бир қадар қулайдир.

**Адабий баҳслар** синфдан ташқари ишнинг бир асар билан танишиш туфайли пайдо бўлган турлича қарашларни назардан ўтказиб олишга қаратилган туридир. Унда ҳозирги адабий жараёнда кўпчиликнинг эътиборига тушган бирор асар юзасидан ўқувчилар ўзларининг турлича қарашлари билан ўртоқлашиши кўзда тутилади. Шу йўл билан ўқувчиларда эстетик дид ва адабий баҳс маданияти шаклланади. Баҳсни уюштиришда катнашчиларнинг ёш ва билим даражалари ўзаро яқин бўлишига эътибор қаратиш керак. Бунинг учун бир асарга турлича ёндашадиган икки ёки уч ўқувчи маърузачи қилиб белгиланиши, уларнинг ҳар бирининг фикрини ёқлайдиган тарафдорлари ҳам бўлиши ва уларнинг адабий баҳсда ўз нуқтаи назарларини ўртага ташлаб, асар матни асосида уларни ҳимоя қилишларини ташкил этиш мақсадга мувофиқ бўлади.

**Адабий кечалар** бирор адибнинг таваллуди ёхуд танланган мавзу бўйича уюштириладиган адабий-бадиий тадбир бўлиб, махсус тайёргарлик ва пухта режани талаб этади. Унда ташкилий кўмита иш кўради. Махсус маърузачилар тайин этилади. Режа тузилади. Адабий кечалар шеър айтиш, кўшиқ куйлаш, рақсга тушиш сингари кўнгилочар иш турлари билан бирга олиб борилиши унинг қизиқарли ва самарали бўлишини таъминлайди.

**Адабий кўргазмалар.** Адабиёт бўйича синфдан ташқари тадбирларнинг бу тури кўпинча бошқа тадбирларнинг ичига сингдириб юборилган бўлади. Аммо алоҳида бир тадбир сифатида ҳам уюштириш мумкин. Бунда бирор муносабат билан бирор ижодкорнинг ҳаёти ва ижодига дахлдор материаллар махсус жойга кўргазма учун қўйилади. Бунда асарларнинг турли даврлардаги нашрлари, альбомлар, сувратлар, газета ва журнал йиғмалари, айни ижодкорга тегишли турли сана ва қайдлар акс этган чизмалар кўргазмадан жой олиши мумкин. Кўргазмадан мақсад муайян ёзувчининг ижоди кўлами ва шахсияти қирраларига хос жиҳатларни кўрсатиш орқали ўқувчиларда унинг асарларига қизиқиш уйғотишдан иборатдир.

**Адабий қуроқ ёки бадиий композициялар** асосан турли байрамлар

муносабати билан амалга ошириладиган тадбирлар сирасига кириб, бирор мавзуга бағишланган асарларни оғзаки тарзда ёддан айтиш ёки бирор мавзуга тегишли асарлардан қуроқ тарзида газета чиқариш йўли билан юзага келади. Тил, наврўз, мустақиллик, аёллар куни сингари байрамларга бағишланган адабий композиция ёки газета ва фотоқуроқлар шулар жумласидандир.

#### **Адабиётлар:**

1. Долимов С., Убайдуллаев Х., Аҳмедов Қ., Адабиёт ўқитиш методикаси, -Т.: Ўқитувчи, 1967. 412-417-бетлар.

2. Резь З. Я. и др., Методика преподавания литературы, -Москва: Просвещение, 1977. стр. 366.

3. Зуннунов А., Ҳотамов Н., Иброҳимов А., Эсонов Ж. Адабиёт ўқитиш методикаси. -Т.: Ўқитувчи, 1992.

4. Йўлдошев Қ., Мадаев О., Абдураззоқов А. Адабиёт ўқитиш методикаси. -Т.: Университет, 1994.

5. Йўлдошев Қ. Адабиёт ўқитишнинг илмий-назарий асослари. -Т.: Ўқитувчи, 1996.

6. Бадриев Ф. Юқори синфларда адабиётдан синфдан ташқари ишлар, -Т.: Ўқитувчи, 1969.

7. Мусурмонова О. Адабиёт ва ахлоқий тарбия. -Т.: Ўқитувчи, 1988.

## IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

### 1-мавзу. ЁЗМА ИШЛАРНИ ЎТКАЗИШ, ТЕКШИРИШ ВА БАҲОЛАШ.

#### Режа:

- 1.1. Нутқнинг ўқувчи маънавий-интеллектуал ўсишидаги ўрни.
- 1.2. Адабиёт сабоқларида нутқ ўстириш ишлари.
- 1.3. Ўқувчиларнинг ёзма нутқини ўстириш йўллари.
- 1.4. Ёзма иш турлари ва уларни ўтказиш методикаси.
- 1.5. Иншога режа тузиш.

#### Таянч тушунчалар:

*Нутқ, нутқ ўстириш, нутқ ўстиришнинг оғзаки ва ёзма усуллари, нутқ ўстиришида ёзма ишларнинг ўрни, ёзма ишларнинг турлари, иншо, баён, тақриз, мақола, иншонинг шаклига кўра турлари, иншонинг педагогик мақсадига кўра турлари, оғзаки ва ёзма иншо, таълимий ва назорат иншо, адабий иншо, адабий-ижодий иншо, эркин иншо, ривоя иншо, ҳикоя иншо, тақриз иншо, иншо режаси, содда ва мураккаб режа, режанинг қисмлари, эпиграф, тезис, далил, хулоса.*

Шахснинг камолотида унинг нутқий ривожланганлик даражаси улкан аҳамият касб этади. Чунки нутқ инсондаги интеллектуал, эмоционал ва руҳоний имкониятларни юзага чиқаришнинг асосий воситасидир. Ҳазрат Навоий бежизга: “*Кўнғил ҳолати сўз дегач билгирур*”, - демаганлар. Тафаккур ва ҳиссиёт сўз дейилгач, яъни нутққа айлангачгина моддийлашади.

Адабиёт машғулотларида ўқувилар нутқи икки йўл билан ўстирилади: 1. Оғзаки. 2. Ёзма. Демак, адабиёт бўйича нутқ ўстиришга доир дидактик тадбирлар ҳам шу икки шаклда ўтказилади.

Оғзаки нутқ ўстириш ишлари турли-туман шаклу шамойилларда амалга оширилиши мумкин. Айрим адабий-маданий тадбирлар, табиат ходисалари, йил мавсумлари, уларни ўраб турган атроф-муҳитга доир ходисалар ҳақида ўқувчиларнинг кузатишлари бўйича фикрларини билиш, муайян матн юзасидан дарсликдаги ёки ўқитувчи томонидан берилган саволларга жавоб топиш, айрим дидактик топшириқларни оғзаки йўсинда бажариш каби дидактик тадбирлар нутқ ўстиришнинг ошулар жумласидандир.

Шунингдек, дарсда ўтилган, ўқувчилар томонидан мустақил ўзлаштирилган ёхуд синфдан ташқарида ўқилган асарлар юзасидан **оғзаки иншо** ўтказилиши мумкин.

Ўртоғи ёки яқинларига оғзаки тавсиф бериш, партадоши ёхуд оиласидагиларнинг оғзаки портретини яратиш ҳам нутқ ўстиришнинг оғзаки турига киради.

Нутқ ўстиришга доир оғзаки шаклда ўтказиладиган ишларда ўқувчидан ташқари ўқитувчининг ҳам бевосита фаол иштирок этиши талаб қилиниши сабабли бу хил ишлар кўп вақт ва куч сарфлашни тақозо этади, ҳамда кутилган педагогик самарани бериши қийин бўлади. Бу дидактик тадбирлар ҳар бир ўқувчининг имконияти борасида аниқ тасаввур эга бўлингандагина самарали уюштирилиши мумкин бўлади. Адабиёт ўқитувчисида эса ҳаммиша ҳам синфдаги ҳар бир ўқувчига алоҳида вақт сарфлаш имкони бўлавермайди.

Нутқ ўстиришга доир оғзаки тадбирларда берилган мавзу юзасидан ўқувчи қисқа тайёргарликдан сўнг ўз мулоҳазаларини ўртага ташлайди. Кўпинча ўқувчиларнинг фикрлари пухта ва асосли бўлмаслиги ҳам мумкин. Чунки унга тайёргарлик кўришга берилган вақт ҳеч қачон етарли бўлмайди. Демак, нутқ ўстиришга доир оғзаки ишларда сифатдан кўра миқдор етакчилик қилишини кўзда тутиш лозим бўлади.

Адабиёт сабоқларида ўтказиладиган нутқ ўстиришга доир ўқув тадбирларида ёзма ишларнинг ўрни катта. Нутқ ўстиришга доир ёзма ишлар ўтказиш ўқувчиларда бадиий матн устида ишлаш малакасини шакллантириш, билдирилмоқчи бўлган ҳар бир фикрни ўйлаб кўриш ҳамда унинг таъсирчан ва тушунарли бўлишини таъминлаш борасида катта имкониятларга эгадир. Ёзма ишлар олинганда, ўқитувчи синфдаги ҳар бир ўқувчи билан алоҳида шуғулланиб ўтириши шарт эмас. Бунинг устига, ёзма ишлар фақат синфда бажариладиган тадбир бўлмай, уларни уйга вазифа ёхуд мустақил иш сифатида ҳам бериш мумкинлиги, бу ҳол ҳам унинг улкан самара бериш имконияти борлигини кўрсатади.

Ёзма нутқ баркамоллиги инсон шахси такомилида алоҳида мавқега эга. Чунки ёзма нутқ ақлий фаолиятнинг мураккаб шакли бўлиб, одам камолотининг юксаклигидан далолатдир. Австралиялик олима Б. Линкенинг аниқлашича, саккиз яшар боланинг ўз фикрини ёзма равишда ифодалаш савияси тўрт ёшдаги болақайнинг оғзаки нутқи даражасидан ҳам пастроқ бўлади. Чунки оғзаки нутқ фикр ва унинг тил воситасида моддийлашишидан иборат икки босқичда амалга оширилса, ёзма нутқ фикр, унинг тилга эврилиши, тилга эврилган фикрнинг ёзувга айлантирилиши тарзида уч босқичли мураккаб ақлий фаолият кўринишини олади. Аён бўладики, оғзаки нутқдан кейин шаклланган ёзма нутқ одам тафаккур даражасининг анча юқори босқичини англатади.

Ўқув амалиётидан маълум бўлишича, ёзма нутқ адабий таълимда кўпроқ иншо ўтказиш йўли билан ривожлантирилгани мақсадга мувофиқдир. Негаки, ёзма ишларнинг бу турида ўқувчида эркин фикрлаш, нарсаларга муносабат билдириш имкони кенгроқ бўлади. Бошқа ёзма иш турларида бу имконият бир қадар чекланган бўлади. Масалан, баён асосан матнни эслаб қолиш ва қайта ёзма ҳикоялашга йўналтирилган бўлади. Баён ёздирилганда, ўқувчиларнинг матнга муносабат билдириш ва ижодий ёндашувига ўрин қолмайди. Нутқ эса муносабат жараёнидагина ўзига хослик, ижодийлик ва таъсирчанлик касб этади.

Шу маънода адабиёт ўқитишда иншонинг аҳамияти беқиёсдир. У ўқувчиларнинг боғланишли нуқт малакаларини оширишда энг муҳим дидактик восита ҳисобланади. Айни шу ҳолат адабиёт сабоқлар тизимида иншо ёзишга катта эътибор берилишини тақозо этади.

**Иншо** сўзи арабча бўлиб, "*ёзиш*", "*белгилаб қўйиш*", "*ижод қилиш*" маъноларини билдиради. **Иншо** – *ўқувчининг муайян мавзу юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини тилнинг грамматик қоидаларига мувофиқ тарзда мустақил ёзма баён қилиш усули.*

Адабиёт ўқитиш методикаси илмида иншо қўйидагича тасниф қилинса, мақсадга мувофиқ бўлади:

#### **I. Шаклига кўра:**

а) оғзаки иншо; б) ёзма иншо.

#### **II. Педагогик мақсадига кўра:**

а) таълимий иншо; б) назорат иншо.

#### **III. Йўналишига кўра:**

а) адабий иншо; б) эркин иншо; в) адабий-ижодий иншо.

#### **IV. Жанрига кўра:**

а) ривоя иншо; б) тасвирий иншо; в) муҳокама иншо; г) тақриз иншо; д) мунозара иншо; е) тадқиқий иншо ва бқ.

Иншонинг муваффақиятли ёзилиши тўлиғича унга яхши тайёргарлик кўришга боғлиқ. Ўқувчи иншода ёритилиши лозим бўлган мавзуни атрофлича билиши керак. Бунинг учун у мавзуга тегишли материалларни тўплаб, саралаб, энг кераклиларидан фойдаланган ҳолда ўз қарашларини ёзма шаклда ифодалашни уддалай олиши зарур.

Миллий методика илмида иншо ёзиш қонун-қоидаларига доир бир қатор илмий изланишлар қилинган. Жумладан, машҳур методист олим С. Долимовнинг: "*Синфда ўқитувчи раҳбарлигида анализ этилган асар муҳокама тарзида иншо ёзиш учун ўқувчиларга тайёр материал беради. Бу тайёр материал тезис шаклида бўлиб, буни ўқувчи мустақил равишда кегайтириши, фактлар билан ўз фикрини исботлаши ва ...мустақил равишда цитаталар киритиши лозим*"<sup>4</sup>, - шаклидаги тўхтама таълимий иншо ёзиш босқичларини тайин этиши, унда ўқитувчи ва ўқувчилар амалга оширадиган ишлар кўламини кўрсатиши нуқтаи назаридан ғоят муҳимдир.

Иншони мазмунли яхши ёзиш ва берилган мавзуни чуқур ёритишга эришиш учун ўқувчи олдин иншога тегишли бўлган **мавзу, эпиграф, режа, тезис, далил, кириш, асосий қисм, хулоса** каби тушунчаларни пухта ўзлаштириб олиши зарур.

**Мавзу** - иншонинг нима ҳақда ёзилишини белгилайди ва у умумлашма характерда, ўқувчи фикрига аниқ йўналиш беришни кўзда туттади.

**Эпиграф** – ижодий ишнинг асосий йўналишини белгилаб беришга хизмат қиладиган сўз, ибора, жумла, мақол ёки парча. У бирор машҳур шахснинг асаридан келтирилиши ҳам, ўқувчининг ўз фикри бўлиши ҳам

<sup>4</sup> Долимов С. Таълимий баён ва иншо. –Т.: "Ўқитувчи", 1968. 48-бет.

мумкин.

**Режа** иншо ёзишда ўқувчининг мавзу юзасидан билганларини муайян тартибга солиш, ифодани чегаралаш ва таъсирчанлигини ошириш, фикрни тизим ҳолига келтириш, муҳимни номуҳимдан ажратиш воситасидир. Ҳар қандай иншо режа асосида ёзилиши шарт. Негаки, режасиз ёзилган иншонинг боши-кети бўлмайди. Иншо режасининг ҳозир ўқитиш амалиётида бўлгани каби содда ёки мураккаб каби икки турдан қайси бирида бўлиши ҳеч ким томонидан мажбурий тарзда белгиланмаслиги лозим. Режанинг қайси туридан фойдаланилганлик иншонинг савиясига қўйиладиган баҳога таъсир кўрсатмаслиги керак. Ўқувчи ушбу иншода билдирмоқчи бўлган фикрларини тартибли равишда ифодалаш учун, қандай бўлсада, албатта, режа тузиши керак. Режа ўқувчини иншо ёзиш давомида мақсадли фикрлашга йўналтирса, ўқитувчига ўқувчининг фикрлаш йўсини қандай кечганини билиш ва холис баҳолаш учун ҳам зарурдир.

**Тезис** ижодий иш мобайнида илгари сурилиши кўзда тутилган асосий фикр ва фикрлар йиғиндиси бўлиб, ўқувчи уни олдиндан тасаввур қилиши ва иложи бўлса, қоралама қоғозга ёзиб қўйиши мақсадга мувофиқ бўлади.

**Далил** – ўқувчининг ўз қарашларини асослаш ва баён этилажак асосий фикрнинг тўғрилигини исботлашга хизмат қиладиган маълумот ва воситалар йиғиндиси. Ўқувчи иншода ўзи билдирган ҳар бир фикрга ўрганилган асар ёки мавзуда талаб этилган ҳаётий ҳодисадан далил топишга ўрганиши керак.

**Кириш** – ёзма ишнинг зарурлиги, мавзунинг долзарблиги ва зарурлиги нимадан иборат эканлиги кўрсатилиши кўзда тутилган, иншода гап нима ҳақда бориши изоҳлаб бериладиган ижодий унсур. “Кириш” қисмининг миқдори кўпи билан иншо умумий ҳажмининг 10 фоизидан ошмаслиги мақсадга мувофиқдир.

**Асосий қисм** – мавзу тўлиқ ёритиб берилиши, режадаги асосий бандлар ифода этилиши лозим бўлган қисмлар. Асосий қисм иншо умумий миқдорининг 80 фоизидан кам бўлмаслиги мақсадга мувофиқдир. Шунга эришилганда, мавзунинг моҳияти тўлароқ очилади.

**Хулоса** – ижодий иш мавзуси юзасидан чиқарилган умумлашма тўхтама. Хулоса иншодаги асосий умумлаштирувчи фикр бўлиб, ўқувчининг мавзу юзасидан ёзма иш фаолияти якунини кўрсатади. Иншонинг хулосаси умумий мавзудан бевосита келиб чиқиши, шу вақтга қадар келтирилган далилларга таяниб билдирилиши зарур фикрдир. “Хулоса” қисмининг миқдори иншо умумий ҳажмининг 10 фоизидан ошмаслиги мақсадга мувофиқ. Алоҳида таъкидлаш керакки, иншо режасида “Кириш”, “Асосий қисм”, “Хулоса” сингари унсурлар алоҳида кўрсатилмагани маъқул. Бу унсурлар иншо ёзиш кечимида кўзда тутилишининг ўзи етарли бўлади.

Ўқувчилар юқорида айтилган талабларга тўлиқ амал қилган ҳолда иншо ёзишга ўргансалар ва ушбу машғулот билан мунтазам шуғулланиб борсалар, уларнинг ёзма нутқи кўзда тутилганидай ривожланишига эришиш мумкин бўлади.



Иншоларни текшириш адабиёт ўқитиш методикаси илми ва ўқитиш амалиётидаги энг муҳим муаммолардан ҳисобланади. Чунки иншолар нисбатан катта ҳажмда ва қисқа муддат ичида ёзилганлиги ҳамда ўқувчиларнинг грамматика борасидаги билимлари етарли бўлмагани учун кўпинча хатолар миқдори ортиб кетади. Адабиёт ўқитиш амалиётида энг кўп тарқалган ёзма иш тури иншо бўлгани учун қуйида, асосан, ёзма ишнинг шу турини ўтказиш, текшириш ва баҳолаш тўғрисида фикр юритилади.

***Иншо ёздиришдан мақсад ўқувчиларнинг ёзув саводхонлигини ошириш, уларни ҳар қандай мураккаб фикр-мулоҳаза ва ҳис-туйғуларни тушунарли, саводли ҳамда таъсирли қилиб ифодалаб беришга ўргатишдан иборат***дир. Шу боисдан иншо ёзиш тилнинг грамматик қоидаларига узвий боғланган. Ҳозирга келиб ўқувчилар орасида саводхонлик даражасининг кескин пасайиб кетишига асосий сабаблардан бири шуки, тилимизнинг имло қоидалари, грамматик нормаларини ишлаб чиқишда ҳамisha ҳам чуқур илмий асосларга таянилмаган.

Кўпгина грамматик қоидалар миллий тилнинг хусусиятларига тўла мувофиқ эмас. Булар рус ёки инглиз тиллари грамматикасидан кўр-кўрона нусха кўчириш туфайли пайдо бўлган. Янги ёзув ва имло қоидаларидаги бир қатор сунъийликлар ҳам ўқувчиларнинг ёзма ишларда хатога йўл қўйиш хавфини кучайтирди. Чунончи, “-к“, “-ғ” товушлари билан тугаган сўзлардан кейин, албатта, фақат “-га” қўшимчасини қўйиш кераклиги, “у” юклама ҳолида келса ҳам, боғловчи вазифасида қўлланса ҳам чизикча (-) билан ёзилиши кераклиги каби қоидалар ўқувчиларнинг саводхонлигини кўтариш йўлидаги тўсиқлардир.

Ўзбек тилининг грамматик қоидалари жонли сўзлашув тилидан жуда ҳам узоқлашиб кетган. Ўқувчиларга амалий кўникма ва малакалар бериш ўрнига мурракаб илмийнамо қоидалар ва лингвистик янгиликлар тикиштирилгани учун ўқувчиларнинг ёзма нутқи сусайиб, саводхонлик даражаси пасайиб бормоқда. Она тилига доир дарсликларда тил таълимининг амалий жиҳатларини эмас, балки унинг назарий қирраларини ўргатишга кўпроқ эътибор қаратилади.

Она тилини ўрганиш зарурияти унча тушунарли бўлмаган, чакирик характеридаги мавҳум асослар билан изоҳлангани сабабли машғулотлар ўқувчиларни ўзига жалб қила олмайди. Бунинг устига, она тилига доир атамаларнинг ҳар бир дарсликда ўзгартирилаётгани ҳам ўқувчилар саводхонлиги ошишига салбий таъсир кўрсатмоқда. Чунки усиз ҳам назарий тайёргарлиги чуқур бўлмаган она тили ва адабиёт ўқитувчилари тил таълимига кириб келаётган “нау-хау”ларни ўзлаштириб ололмаптилар. Бинобарин, бу борада ўқувчиларига тўғри йўл кўрсата олмаётганликлари ҳам аён ҳақиқатдир.

Бунинг устига, олий ва ўрта махсус таълим тизимида тестнинг бир ёқлама йўсинда киритилиши, унга жавоб топишга эътиборни ошириб, ёзма ишлар ва унга зарур бўлган грамматик қоидалар бобида нописандликни келтириб чиқармоқда. Ҳозирги мактабларда иншо ёздириш нафақат савия,

балки миқдор жиҳатдан ҳам олдингига нисбатан кескин камайиб кетган.

Бугунги ўқувчиларнинг ёзма саводхонлиги паст даражада эканлигига, ўқитувчилардан айбни соқит қилмаган ҳолда, ўзбек тили норматив грамматикаси ва дарсликларининг қониқарли илмий-методик аҳволда эмаслиги, ёзма ишлар ўтказишнинг ташкилий-методик жиҳатдан талаблар даражасида бўлмаётганлиги каби сабаблар бориғини таъкидлаш ўринли бўлади. Шунинг учун ҳам биз эътиборни иншоларни самаралироқ ўтказиш ва уларни ўқувчиларнинг ёзма иш бажариш кўникмаларини мустаҳкамлашга хизмат қиладиган, уларни ижодга ундайдиган йўсинда текшириш йўллари хусусида фикр юритишга қаратамиз.

Адабиёт ўқувчиси ўтиб бўлинган бирор мавзу юзасидан ёки бирор эркин, ёхуд адабий-ижодий иншо ёздирар экан, ёзма ишнинг она тилидан ўрганилган бирор муҳим грамматик қоида мустаҳкамлашга қанчалик хизмат қилишини ҳам ҳисобга олиши мақсадга мувофиқдир. Иншо ёрдамида мустаҳкамланган грамматик қоида ўқувчи хотирасида чуқур из қолдиради, унинг саводхонлигини яхшилашга хизмат қилади.

Шунингдек, ўқувчиларда грамматик қоидалар шунчаки ёдлаб олинадиган нарсалар эмас, балки тилнинг мавжудлигини таъминлайдиган ва тушуниб олиш мумкин бўлган, такрорланиб турадиган илмий хулосалар эканлигини англаб олиш кўникмасини шакллантиради.

Айтиш керакки, **таълимий иншолар** ўқитувчи ўз олдига қўйган педагогик мақсадга кўра турфа кўринишларда ўтказилиши мумкин. Чунончи, у ёзма кўринишда бўлганидек, оғзаки йўсинда ҳам ўтказилиши мумкин. Бир соат давомида олинганидек, бир дарснинг қандайдир бир қисмида ёздирилиши ҳам мумкин. Қисқа вақтда олишга мўлжалланган иншолар олдига ўзига яраша мақсад қўйилади. Яъни ўқувчиларнинг кичик бир ҳаётий ёхуд адабий ҳодиса бўйича кузатишлари қандайлигини яқинда ўрганилган бирор грамматик қоида ўзлаштирганлик даражасини аниқлаш билан қўшиб юбориш мумкин.

Мисол учун, она тилидан ундалма мавзуси ўтилган бўлса, ўқувчиларга шу мавзу ўтилган вақтдаги фасл юзасидан ўн минутлик қисқа таълимий иншо ёздирилиб, унда камида 4 ундалма қатнашиши талаб этилса, ўқувчилар ҳам фасл бўйича мулоҳазаларини баён қилишади, ҳам ёзма ишларида керакли миқдордаги ундалмани қоидага мувофиқ қўллашга уринишади.

**Назорат** (контрол) **иншо**лар барча синфларда камида тўлиқ бир соат, 8-9-синфларда эса, эҳтиёжга қараб, қаторасига икки соат давомида олиниши мақсадга мувофиқдир. Негаки, ўқувчиларнинг чорак, ўқув йилининг ярми ёхуд тўла ўқув йили давомида олган билимларини текширишга қаратилган назорат иншоларнинг мавзулари ўқувчиларнинг қамровли фикрлашига қаратилган бўлиб, уларнинг адабиёт ва она тили бўйича муайян вақт мобайнида қанчалик ўсишга эришганликларини кўрсатади.

Иншоларни текшириш фақат ўқувчилар меҳнатини баҳолашдангина иборат бўлиб қолмай, дидактик жиҳатдан самарали бўлиши учун улардаги хатоларнинг табиатини тўғри белгилаш муҳим аҳамият касб этади.

Иншоларда учрайдиган хатолар уларнинг **табиатига** кўра а) **услубий**; б) **имло**; в) **тиниш** хатолар тарзида учга бўлинади.

**Услубий** хато иншо ёзиш жараёнида ўқувчилар томонидан йўл қўйиладиган энг жиддий хато ҳисобланади. Негаки, услубда ўқувчи шахсининг интеллектуал даражаси, фикрлаш йўсини қандайлиги акс этади. Фикрлашида чалкашлик бўлган шахс грамматик қоидаларни ўзлаштиргани билан тўла саводли бўла олмайди. Чунки бундай ўқувчи сўзларни тўғри ёзгани билан тилга доир қоидани амалиётга татбиқ этиш йўлларини билмаган, мавзуга доир фикрларининг ўзини муайян тизимга солмаган бўлади. Дидактик нуқтаи назардан услубий хато қўпол хатолар сирасига киради. Услубий хатога йўл қўйилган иншонинг мазмуни чуқур бўлиши мумкин эмас. Шунинг учун ҳам иншода бирорта услубий хатога йўл қўйилган бўлса ҳам унга “5” (беш) баҳо қўйилмайди.

**Имло** хатолари ўқувчининг грамматик саводхонлик даражасини англатади. Бу хил хатонинг кўпайиб кетиши ўқувчининг морфология ва синтаксисга доир грамматик қоидаларни яхши ўзлаштирмагани ва сўзларнинг ёзилиш ҳолатини билмаслигидан далолат беради. Бу хил хатоларга йўл қўймаслик учун ўқувчи сўз, қўшимча, сўз бирикмалари ва қўшма гапларнинг ёзилишига доир қоидаларни пухта ўзлаштириб, уларни исталган вазиятда қўллай билладиган бўлиши керак.

**Тиниш** хатолари ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлиб, ҳамма вақт фақат пунктуацияни англашиб қолмай, баъзан грамматик қоидаларни ҳам билдиради. Чунончи, эргашган қўшма гаплар, кўчирма гаплар, қўшоқ сўзлар ёзилишига доир ҳолатларда қўлланилиши керак бўлган қўштирноқ (“”) ва чизиқча (–) тинишнинг эмас, балки грамматиканинг тадқиқот манбаи ҳисобланади.

Адабиёт бўйича ўтказиладиган ҳар қандай ёзма ишда, жумладан, иншода ҳам ўқувчилар йўл қўядиган хатолар **дидактик** характериغا кўра, икки турли бўлади: а) *қўпол хатолар*; б) *қўпол бўлмаган хатолар*.

**Қўпол хатолар** ўқувчининг муайян грамматик қоидаларни билмаслиги, у ёки бу сўзнинг қандай ёзилиши зарурлигидан хабарсизлиги сабабли йўл қўйиладиган хатолар бўлиб, **иншонинг баҳосига салбий таъсир кўрсатади**.

**Қўпол бўлмаган хатолар** ўқувчининг шошганлиги, эътиборсизлиги, чарчаганлиги ва бқ. сабаблар туфайли грамматик талабларга тўлиқ ва қатъий риоя қилолмаганлигидан юзага келган хатолар бўлиб, **баҳога салбий таъсир кўрсатмайди**. Қўпол бўлмаган хатоларга ҳарфларни босма шаклда ёзиш, бош ҳарф ўрнига кичик ҳарфнинг каттароқ кўринишини қўллаш, сўзларнинг қисқартма шаклидан фойдаланиш кабилар киради.

Шунингдек, иншода йўл қўйиладиган хатолар қайтарилиш частотасига кўра типик (кўп учрайдиган) ва нотипик (кам учрайдиган) тарзида ҳам икки турга бўлинади. **Типик хатоларга** а) сўзларни адабий нормага мувофиқ эмас, балки шевадагидай қўллаш; б) қаратқич келишиги қўшимчаси “-нинг” билан тушум келишиги қўшимчаси “-ни”нинг фарқига бормаслик; в) “х” ва “ҳ” ҳарфларини фарқлай олмаслик; г) сўзлашув нутқида қўллаш мумкин

бўлган, лекин адабий тилда ишлатилмайдиган оборотларни қўллаш кабилар киради. Типик хато ўқувчиларнинг кўпчилиги томонидан мунтазам равишда йўл қўйиладиган хатодир.

**Нотипик хато** эса, ҳар бир ўқувчининг умумий саводхонлик ва у ёки бу грамматик қонидани ўзлаштирганлик даражасига боғлиқ тарзда йўл қўйиладиган хатолардан иборат бўлади.

Адабиёт ўқитиш методикаси учун ўқувчилар йўл қўйган хатоларни тўғри топиш ва жўяли белгилаш катта дидактик аҳамият касб этади. Хатоларнинг қандай табиатга эга экани ёзма ишга қўйилган белгиданок кўриниб туриши ўқувчиларни кейинги хатолардан бир қадар асрайди.

Машҳур методист олим Субутоёй Долимовнинг қуйидаги фикрлари бу жиҳатдан диққатга сазовордир: *“Ўқувчиларнинг баён ва иншосидаги хатолар асосан қуйидаги белги билан кўрсатилади: орфографик хато бир тўғри қисқа чизик (–) ва дафтарнинг ҳошиясига бир тик чизик (|) билан; пунктуацион хато икки тўғри қисқа чизик (=) ва дафтар ҳошиясига бир тўғри чизик (|) билан; гапнинг нотўғри тузилиши илон изи (~~~) чизик ва ҳошияда ус. (услуг) билан кўрсатилади. Сўз нотўғри ишлатилган бўлса, катта чизик билан ўчирилади ва дафтарнинг ҳошиясига мн (мазмунан нотўғри) деб ёзиб қўйилади, бир сўз ҳадеб такрорланаверса, қавс ( ) ичига олиб қўйилади, гап бўлақларидан бири тушиб қолган бўлса, шу сўз ўрнида V белгиси ва ҳошияда уч нуқта (... ) қўйилади, тушуниб бўлмайдиган ёки шубҳа туғдирадиган сўзлар бўлса, остига чизилади ва ҳошияда сўроқ (?) билан кўрсатилади. Бу белгилардан ташқари, ўқитувчи баён ва иншога қисқача мулоҳаза ҳам ёзади. Бунда ёзма ишнинг ютуқ ва камчиликлари кўрсатилади”<sup>5</sup>*. Бевосита амалий қимматга эга бу хил фикрлар миллий таълим тизими тамомила янгиланиб кетган бугунги кунда ҳам қўлланилаётир.

Таниқли олим таъкидлаганидек, методика илми ва ўқитиш амалиётида иншода йўл қўйилган хатоларни белгилашнинг ўзига хос усуллари бордир. Аввало, ҳар қандай иншо қизил рангли ёзғичда текширилиши ва йўл қўйилган хатолар ўқувчиларга яққол кўриниб туриши керак. Чунончи, иншонинг **услубий хатога** йўл қўйилган ўрнига **тўлқинли чизик** чизилиб, ҳошияга **“усл.”** белгиси қўйилади. **Имло хатоси** тўғриланади, тўғриланган сўз ёки ҳарф тагига бир **кўндаланг** чизик, ҳошияга бир **тик чизик** тортилади. Тиниш хатолари ҳам тўғриланиб, тўғриланган белги тагига икки **кўндаланг** чизикча тортилиб, ҳошия четига бир **кўндаланг чизик** қўйилади. Нотўғри қўлланган сўз тагига чизилиб, ҳошияга **“мн”** (мазмунан нотўғри) белгиси қўйилади. Шунда ҳар бир ўқувчининг иншода қайси турдаги хатога қанча миқдорда йўл қўйганлиги аниқ бўлиб туради.

Адабиёт ўқитувчиси иншоларни текширишда ўқувчиларнинг хатоларини кўпайтириш ёки камайтириш йўлидан эмас, балки уларнинг ижодий ишини холис баҳолаш йўлидан бориши керак. Бунинг учун ўқитувчи қўпол бўлмаган хатоларга йўл қўйган ўқувчининг иншосини

<sup>5</sup> Долимов С. Таълимий баён ва иншо. –Т.: “Ўқитувчи”, 1968. 101-бет.

текширганда, қилинган хаторларни белгилаган ва тўғрилаган ҳолда ёзма ишнинг баҳосини пасайтирмаслиги керак.

Шунингдек, иншо ёзаётган вақтда хаторларни камайтиришга хизмат қиладиган ўқув воситаларининг олиб кирилиб, улардан фойдаланилишига имкон бериш керак. Чунончи, таълимий иншоларни ёздиришда мавзуга тегишли справочниклар, луғатлар, имло қоидаларидан фойдаланиш ўқувчиларнинг саводхонлигини кўтаришга хизмат қилади. Шунинг учун ҳам болаларга булардан фойдаланиш имконини бериш лозим.

Айтиш керакки, ҳозирги адабий таълим амалиётида иншоларни баҳолаш диктантга қўйиладиган талаблар асосида олиб борилаётганлиги учун ҳам педагогик жиҳатдан адолатли эмас. Негаки, иншо катта фикрий зўриқиш ва атрофлича саводхонликни талаб этадиган юмушдир. Иншо ёзиш учун ўқувчи диктант ёзгандагидан бир неча баробар кўп ақлий-жисмоний куч сарфлайди.

Шунинг учун ҳам иншоларни баҳолашни бир қадар либераллаштириш зарурдир. Бизнингча, **бир-икки имло, бир-икки тиниш** хаторларга йўл қўйилган, услуби раво, мазмуни теран очилган иншога **беш** баҳо қўйиш мумкин. **Битта услубий, икки-уч имло, икки-уч тиниш** хаторга йўл қўйилган, мавзу яхши очилган иншога **тўрт** баҳо қўйилади. **Икки-уч услубий, тўрт-беш имло, тўрт-беш тиниш** хаторга йўл қўйилган иншоларга **уч** баҳо қўйиш мумкин. Хаторлар миқдори бундан ошиб кетган, мавзунинг очилиш даражаси талабга жавоб бермайдиган иншога **икки** баҳо қўйилади. Атай интизомсизлик қилиб ёки мавзудан хабарсизлиги сабабли ёхуд дангасалик туфайли мавзу чала-ярим ёзилган иншоларга **бир баҳо** қўйилади.

Алоҳида таъкидлаш керакки, ўқувчиларнинг саводхонлик даражасини атай кўтариш учун иншога иккита баҳо қўйиш тажрибасидан воз кечиш мақсадга мувофиқдир. Шундагина ўқувчиларнинг ёзма саводхонлик даражаси қандай экани аниқ маълум бўлади.

#### **Адабиётлар:**

1. Богданова О. Ю., Леонов С. А., Чертов В. Ф. Методика преподавания литературы. –Москва: «Academa», 2004.
2. Долимов С. Таълимий баён ва иншо. –Т.: «Ўқитувчи», 1968.
3. Долимов С, ва бошқалар. Адабиёт ўқитиш методикаси, -Т.: «Ўқитувчи», 1967. 215-бет.
4. Йўлдошев Қ., Мадаев О., Абдураззоқов А. Адабиёт ўқитиш методикаси. –Т.: «Университет», 1994.

## **2-мавзу. АДАБИЁТ САБОҚЛАРИДА ПЕДАГОГИК ҲАМКОРЛИКНИ ЙЎЛГА ҚЎЙИШ**

Ҳозирги даврда педагогик ҳамкорлик деган тушунча олдинги вақтдагиларга нисбатан бир қадар кенгроқ маънода қўлланилишига тингловчилар диққати тортилади. Агар олдинлари таълим-тарбия жараёни

учун ўқитувчи билан ўқувчи ёки талабаларнинг ҳамкорлиги етарли бўлса, эндиликда бу тушунча ўқувчи ва талабаларнинг бир-бири билан ўзаро ҳамкорлигини ҳам ўз ичига олмақда. Олий филологик таълимда талабалар ўқув кечимининг объектларигина эмас, балки чинакам субъектлари мақомига юксалган пайтдагина таълим кутилган самарани беради.

Замонавий таълим шундай уюштирилиши керакки, бу кечимда ҳар бир талаба ҳам ўзи, ҳам бошқалар учун жавобгарлик ҳис қилсин. Индивиднинг ютуғи жамоанинг ютуғига, мағлубияти кўпчиликнинг мағлубиятига эврилсин. Амалий машғулот мобайнида тингловчилар бунга қандай эришилиши юзасидан машқ қилиб кўрадилар.

Ҳар қандай ўқитиш жараёни ҳамиша таълимни бошқариш йўсини, ўқитиш тизими ва ўқувчиларнинг ахборот (билим) ўзлаштириш тарзидан юзага келади. Ахборот алмашиниш (педагогикада билим бериш ва олиш) йўсинини, шартли равишда ахборотлар оқими тарзида тасаввур қилинса, унинг қаёқдан қаёққа қараб йўналтирилганлиги таълимнинг табиатини белгилайди, деб айтиш мумкин. Яъни ўзлаштирилиши лозим бўлган билимларнинг ўқитувчидан ўқувчига ё ўқитувчи билан ўқувчилардан ўқувчиларга ёки ўқувчиларнинг ўзларидан уларнинг ўзларига қараб йўналтирилиши таълимни амалга оширишнинг йўл ва усулларини белгилайдиган омиллардир. Ҳозирги педагогика илми ўқувчиларнинг ахборот (билим)ларни ўзлаштиришдаги иштирокига кўра ўқитиш кечимининг уч тури мавжудлигини кўрсатади.

**Экстроактив усул** – (*extra* – ташқи, *act* – ҳаракат, фаолият, тадбир) ахборотлар оқими таълим олувчилардан ташқарида бўлиб, уларга йўналтирилади. Ўқувчи том маънода “ўқувчи” мақомида бўлади ва ташқаридан юборилаётган ахборотларни қабул этиш билангина шуғулланади. Бу усул анъанавий йўсиндаги ўқитиш тарзи учун характерлидир. Бу усулни *пассив таълим* деб ҳам номлаш мумкин. Негаки, унда ўқувчи эмас, балки ўқитиш тизими фаоллик кўрсатади.

**Интерактив усул** – (*inter* - аро, ўзаро, биргаликда) бунда ахборотлар оқимини вужудга келтириш ҳам, йўналтириш ҳам ва ўзлаштириш ҳам барча катнашчиларнинг биргаликдаги фаолияти натижасида юзага келади. Бу усулда ўқувчи ўқувчи билан, бир ўқувчилар гуруҳи бошқа гуруҳ билан, буларнинг ҳар бири алоҳида ёки биргаликда ўқитувчи билан ўзаро муносабатда бўлади. Мана шу муносабатлар кечимида ахборотлар ўзлаштирилади.

**Интрофаол усул** – (*intro* – ички) ахборотлар оқими ўзлаштириш асосан ўқувчилар ичида содир бўлади ва натижа ташқарига йўналтирилади. Бунда ўқувчилар ўқитишнинг субъекти сифатида намоён бўладилар. Бу усул ўқувчиларнинг муваққил ўқув фаолиятларига хосдир.

Ўқитиш кечимида қўлланиладиган ана шу уч усул а) *трансмиссия*; б) *трансформация*; в) *транзакция* янглиғ уч фалсафий асосга таянади. Лотинчадан олинган *trans* сўзи *орқали, ёрдамида, воситасида* маъноларини англатади. Акция эса, айтилганидек, фаолият, хатти-ҳаракат маъноларини билдиради. Шунга кўра *трансмиссия* фалсафаси асосида ташкил этилган

таълимда ўқитувчи субъект, ўқувчи ўқитиш кечимининг объекти ҳисобланади. Билим ўқитувчидан ўқувчига қараб йўналтирилади. Ўқитиш кечимида *трансформация* педагогик фалсафаси асосида ташкил этилганда, фан эмас, балки фан асослари ўргатилиб, билимлар ўқувчиларнинг савиясига мувофиқлаштирилиши, яъни трансформация қилиниши кўзда тутилади. *Трансакция* педагогик фалсафасига таянилган ўқитишда эса, ўқувчи таълим кечимининг субъектига айланади ва билим олиш йўлида унинг ўзи мустақил фаолият кўрсата бошлайди.

Неча асрлардан буён фойдаланиб келинаётган анъанавий усулда таълим бериш ва ўқиш бугунга келиб, ахборот техникалари даври талабига тўлиқ жавоб беролмай қолаётганлиги кўриниб турибди. Агар олдинлари ўқувчилар томонидан ўзлаштирилиши лозим бўлган билимларни берувчи ягона манба сифатида ўқитувчи саналган бўлса, бугунга келиб у билим беришнинг бирдан бир воситачиси эмаслиги маълум бўлди. Билимнинг миқёси кенгайиб, ахборотлар оқими шу қадар кўпайдики, бир киши унинг арзимас бир бўлагини ҳам ўзлаштириб ололмайдиган бўлиб қолди.

Жамият аъзоларининг савияси юксалиши туфайли оиланинг имкониятлари ҳам ортиб, ўз болаларига яхшигина билим бера оладиган даражага етди. Шунингдек, ахборот воситаларининг кўпайганлиги, ахборотларни эслаб қолиш ва қўллашнинг ғоят қулай техник воситалари юксак даражада ривожланганлиги натижасида ўқитувчи маърифат осмонидаги ёлғиз ва порлоқ юлдуз саналмайдиган бўлиб қолди. Эндиликда билимларни ўзлаштириш, кўникма ва малакалар ҳосил этишнинг ўзгачароқ йўллари топиш зарурияти ва имконияти пайдо бўлди.

Энди, олдинлари бўлганидек, миянинг чап ярим шари, яъни хотирани кучайтиришгагина интилиш таълим кечими учун етарли бўлмай қолди. Инсон хотирасининг ўрнини босадиган техник воситалар яратилди ва одам, истаган вақтда, ўзини қийнаб ўтирмай, жуда кўп нарсаларни эсига тушириши мумкин бўлиб қолди. Энди ҳамма гап вужудга келтирилган шунча техник имкониятлардан самарали фойдалана оладиган, фан ривожига ўзгаришларга мослаша билладиган, тинимсиз изланишга ички эҳтиёж сезганидан тараққиётни янада олға силжитадиган шахсларни шакллантиришда бўлиб қолди.

Бу ҳол маориф ва таълим тизимини ҳам тубдан ўзгартириш эҳтиёжини юзага келтирди. Эндиликда ўқувчилардан ўқитувчисининг айтганларини эслаб қолишнигина талаб қилиш етарли бўлмай қолди. Шунинг учун болаларни мустақил изладиган, оригинал қарорлар қабул қиладиган, ноштандрт вазиятларда энг мақбул ечимни тополадиган йўсинда тарбиялаш муҳим аҳамият касб этди.

### **Адабиётлар:**

1. Долимов С., Убайдуллаев Ҳ., Аҳмедов Қ. Адабиёт ўқитиш методикаси. -Т.: «Ўқитувчи», 1967.
2. Резь З. Я. Методика преподавания литературы. -Москва: «Просвещение», 1977.

3. Йўлдошев Қ. Адабиёт ўқитишнинг илмий-назарий асослари. -Т.: “Ўқитувчи”, 1996.

4. Келдиёров Р. Таълим самарадорлигини оширишда ўқитувчи касбий-маънавий сифатларининг ўрни ва уни такомиллаштиришнинг илмий-педагогик асослари (адабий таълим мисолида). 13.00.01 - педагогика назарияси ва тарихи ихтисослиги бўйича педагогика фанлари номзоди илмий даражаси учун ёзилган диссертация –Т.: 2000.

5. Сафин Д. Мусина Р. Интерактивные методы преподавания и учения. –Т.: 2007.

### **3-мавзу. АДАБИЁТ ЎҚИТУВЧИСИГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР**

#### **Режа:**

- 3.1. Ўқувчи шахсининг шаклланишида адабиёт ўқитувчисининг ўрни.
- 3.2. Адабиёт ўқитувчисига қўйиладиган касбий талаблар.
- 3.3. Адабиёт ўқитувчисига қўйиладиган маънавий талаблар.
- 3.4. Адабиёт ўқитувчиси ва ўқитиш усуллари.

#### ***Таянч тушунчалар:***

*Адабиёт ўқитувчисига қўйиладиган касбий талаблар, педагогик ижодкорлик, педагогик ташкilotчилик, педагогик ижрочилик, бадиий воситачилик, педагогик шериклик, педагогик амалиётчилик, таълимнинг ички ва ташқи моҳияти, таълим кечимини ташкил этишида таълим мазмуни ва ўқитишни амалга оширувчи кучлар нисбати, адабиёт ўқитувчисига қўйиладиган маънавий талаблар, адабиёт бўйича билимли мутахассис ва ўқувчиларни яхши кўрадиган педагог тушунчаларининг фарқи, адабиётчининг болажонлиги, адабиётчининг нотиклиги, адабиётчининг хушмуомалалиги, интерфаол усуллар даврида ўқитувчининг ташкilotчилик ўрни ошуви.*

Адабиёт ўқитишнинг мактаб таълим тизимидаги бошқа ўқув фанларини ўқитишдан жиддий фарқладиган бир жиҳати унинг ўқитувчи шахсиятига қаттиқ даражада боғлиқ эканлигидир. Бошқа ўқув предметлари муаллимларининг яхши фаолият кўрсатиши учун унинг ўз соҳасини чуқур билиши ва ўқитиш методикасини эгаллаб олиши сифатларига эгаллиги етарли ҳисобланади. Адабиёт ўқитувчисига эса, адабиётшуносликни пухта ўзлаштириш ва адабиёт ўқитиш методикасига доир янгиликларни эгаллаб олиш кифоя қилмайди. Адабиёт дарслари ўқувчиларнинг кўнгли, сезимлари билан иш кўргани ва уларда эзгу маънавий туйғулар шакллантиришга қаратилгани учун адабиётчи шахси ўқувчи ахлоқий дунёси таркиб топишида ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади.

Адабиёт ўқитувчиси ҳам билими, ҳам шахсияти билан ўқувчиларни ўзига ром эта олсагина адабий таълимдан кўзда тутилган мақсадга эришиши мумкин. Чунки яхши дарслик, пухта дастур, мукамал ўқув воситалари таълимнинг **ташқи** жиҳати бўлса, ўқувчи билан ўқитувчи ҳамда таълим мазмуни бу кечимнинг **ички** моҳиятини ташкил этади. Ҳар қандай



ходисанинг асл қиймати, чин моҳияти ички жиҳатда намоён бўлгани каби адабий таълимда ҳам ўқитувчи билан ўқувчи муносабати ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Адабиёт ўқитишда фанга муҳаббат ўқитувчига бўлган муҳаббатдан бошланади. Ўқувчи кўнглидаги эзгу хислатларни уйғотиш, бадиий асар таҳлили орқали унда эзгу маънавий фазилатларни қарор топдириш йўли билан бола шахсининг бир поғона юксалишига эришиш адабиёт ўқитувчисининг олдида турган асосий вазифадир.

Адабиёт ўқитиш ўқувчининг ҳиссиёти ва маънавиятига таъсир кўрсатиши ҳамда унинг ахлоқини шакллантиришга хизмат қилишга қаратилган кечим экани адабиёт ўқитувчиси шахсига катта масъулият юклайди. Адабиёт муаллими, биринчи навбатда, баркамол шахс бўлиши лозим. Чунки маънавияти қашшоқ шахс баркамол ўқувчини шакллантира олмайди. Маълумки, ҳеч қандай оғоч ўзидан ортиқ мева беролмайди.

Ўрта мактабда ишлашни ният қилган ўқитувчи бир қатор касбий ва маънавий сифатларга эга бўлиши керак. Адабиёт ўқитувчисигагина хос бир қатор касб сифатлари борки, бу хусусиятлар муаллим фаолиятида ўз ифодасини топиб, машғулот жараёнида намоён бўлмаса, дарслар самарасиз бўлиб қолаверади. Чунки адабиёт ўқитувчисининг касбий сифатидаги ҳар бир қирра унинг фаолияти самарадорлигини белгилайди.

**Бадиий ижодкорлик.** Адабиёт муаллимига хос фаолият қирраларидан бири илҳомий ҳолат, бадиий дид ва тафаккурга асосланадиган хусусият бўлмиш ижодкорликдир. Адабиёт ўқитувчиси ёлғиз илмий ҳақиқатлар билан эмас, бадиий яратиклар билан иш кўрадиган мутахассис экани учун ҳам унинг табиатида ижодкорларга хос белгилар бўлиши шарт. Олий мактабда бўлажак ўқитувчи ижодга, яъни оламни фақат ўз кўзи билан кўриб, ўзига хос изоҳлай олишга ўргатиши керак. Педагогик ижодкорлик адабиёт дарсларининг эстетик яхлитлигини таъминлашга хизмат қилади. Адабиёт муаллимининг ўзи бадиий кашфиёт қилишни билмаса, ўнлаб методик китобу кўрсатмалар фойда бермайди. Чунки ҳар бир адабиёт сабоғи ўқитувчи ижодининг намунаси, унинг ўзига хос кашфиёти, фаолиятининг қайта такрорланмас кўринишидир.

Ўқитувчининг бадиий ижодкорлиги ўқувчининг ижодий фикрлаш қобилиятини ўстириш, унинг бадиий дидини таркиб топтириш, дунёқарашини шакллантириш, оғзаки ва ёзма нутқ малакаларини оширишда муҳим аҳамият касб этади. Машғулотларни ташкил қилишда ўзига хослик, бошқаларга ўхшамаслик, ҳар бир сабоқда методик кашфиёт қила билиш адабиёт ўқитувчисининг табиий эҳтиёжига айлангандагина, унинг дарслари бетакрор ва самарали бўлади. Ўқитувчининг муайян бадиий асарни ўзига хос идрок этиши, ўз тушунганича тафаккурида қайта ишлаб, бадиий жозибасини ўқувчиларга етказа олиши унинг ижодкорлигини кўрсатувчи белгидир.

Ўқитувчининг ижодкорлик фаолиятини шакллантириш касбий тайёргарликнинг узвий бир бўлагидир. Адабиёт ўқитувчисининг бадиий-ижодкорлик малакаси нозик руҳий, жисмоний жараёнлар натижаси бўлиб, у

кўп жиҳатдан кишининг табиий-биологик имкониятларига боғлиқдир. Муаллимнинг ижодкорлиги асар таҳлилида, унинг қисмларига сарлавҳалар белгилашда, бадиий кечаларнинг сценарийсини тузиш ва ўтказишда яққол сезилади. *"Ижодкор бўлмаган ўқитувчида нусхабозлик, сийқалик кўриниб туради"*<sup>6</sup>.

Ижодкор ўқитувчигина асардаги бадиият жилоларини тўғри англаб, ўқувчилар қалбига муҳрлай билади. Ижодкор ўқитувчи дарснинг ранг-баранглигига эриша олади. Сабокларнинг хилма-хиллиги ўқувчиларни зерикаш, ва кераксиз зўриқишдан сақлайди. Яхши ташкил этилган ҳар бир адабиёт дарси нимаси биландир янги ва такрорланмас бир асардир.

Ижодкорлик ўқувчиларни ҳам ижодий ишлашга одатлантириш, бадиий асарга мустақил ёндашишга рағбат уйғота олиш демакдир. Мустақиллик - ижодкорлик, ижодкорлик эса яратувчиликдир.

Ижодкор ўқитувчи бошқалардан ҳамиша янги фикри, теран ҳиссиёти, оригинал мушоҳадаси билан ажралиб туради. Ўқитувчида мазкур сифатнинг бўлиши адабий таълим самарадорлигига кафолатдир. *"Бугунги дарсни кечагидан, эртангисини бугунгидан яхшироқ ва самаралироқ ташкил қилиш ижодкор ўқитувчининг доимий белгисидир"*<sup>7</sup>.

Адабиёт ўқитувчисига хос бўлган касб сифатларидан яна бири **бадиий ижрочилик**дир. Бу хусусиятда ўқитувчининг ўрганилаётган бадиий асарларни ифодали ўқиш маҳорати, бадиий сўзга усталлиги намоён бўлади. Бадиий ижро турли таълим методларидан фойдаланиш маҳорати ва тажриба ҳисобига сайқал топиб боради. Бўлажак ўқитувчининг бадиий ижрочилик маҳорати олий мактабда шакллантирилиши ва ривожлантирилиши керак. Талабаларнинг ижро маҳоратини синаш учун кўриклар, мусобақалар ташкил қилиниб, бундай тадбирларга бадиий сўз усталари таклиф қилинади. Улар талабаларнинг ижросини кузатиб боришади ва баҳолашади. Айрим санъаткорлар билан бадиий ижронинг сир-асрорлари ҳақида давра суҳбатлари, амалий машғулотлар ташкил қилинади. Бадиий сўз усталарининг видео ва аудиотасмаларга ёзиб олинган ижро намуналари таҳлил этилади. Шу тариқа талабанинг ижро маҳорати ошириб борилади. Бунинг учун филология факултетлари талабалари учун махсус курс сифатида. "Бадиий ижро маҳорати", "Бадиий ўқиш санъати" каби машғулотлар ташкил қилиниши, ифодали ўқиш бўйича тўгараклар фаолияти йўлга қўйилиши мумкин. Шундагина талабаларда бадиий ижро маҳоратини шакллантириш имкониятлари яратилади.

Бадиий ижро ўқитувчи томонидан ўрганилаётган асардаги муаллиф туйғулари, руҳий ҳолатини илғаш ва ўқувчиларга етказа билишдир. У асарни шунчаки ифодали ўқиб бериш эмас, балки муаллиф ва ўқитувчи бирлашган руҳиятининг яхлит воқе бўлиши жараёнидир. Ўқитувчининг бадиий ижродан асосий мақсади ўқувчини ўрганилаётган асар мазмуни ва ғояси билан таништиришигина эмас, балки матнга сингдирилган ҳиссиётни, туйғуни унинг қалбига жойлаш ҳисобланади. Ўқитувчи бадиий ижроси

<sup>6</sup> Йўлдошев Қ., Мадаев О., Абдураззоқов А. Адабиёт ўқитиш методикаси. -Т.: "Университет", 1994. -92 б.

<sup>7</sup> Занков А. Беседы с учителями. -М.: «Просвещение», -С. 139.

билан асардаги қаҳрамонлар ва муаллифнинг туйғуларини болаларнинг кечинмаларига айлантиради. Яхши ижро асарга янги умр бахш этади, унинг англамаган сирларини очади, сезилмаган жозибаларни намоён этади. Маҳоратли ижро туйғули ўқувчиларнинг эътибори, диққати забт этилсагина, асарнинг бадиийлиги, асар тимсолларининг ҳислари болаларнинг қалб мулкига айланади. Шундагина ўқувчилар ўқитувчи кулса, кулиб, хўрсинса, кўзларига ёш олади. Бадиий ижроси пухта ўқитувчининг дарслари ижодийлиги, қувноқлиги, ҳазил-мутойибага бойлиги билан ажралиб туради. Бадиий ижро қанчалик кучли бўлса, дарс шунчалик кизиқарли бўлади, унда ўқувчилар фаол иштирок этадилар. Ҳиссиёт билан қабул этилган дарс ўқувчида “ҳиссий тафаккур”ни уйғотади ва бир умр қалбига муҳрланиб қолади. Ўқитувчининг ижрочилик маҳорати ўқувчиларнинг ижрочилик истеъдодларини шакллантиришда муҳим омил ҳисобланади. Ўқитувчи асар ижросида зўракиликка, сохталикка йўл қўйса, кўзда тутилган мақсадга эришиб бўлмайди.

Бадиий ижрочиликнинг муҳим қирраларидан бири бадиий ўқиш маҳоратидир. *"Бадиий ўқиш - ҳолатга кириб ўқиш, ...қаҳрамонни ҳис қилиш деган маънони билдиради"*<sup>8</sup>. Бадиий ўқиш маҳорати ўқитувчининг бирор асардаги муаллиф ва тимсолларнинг туйғуларини моҳирона, таъсирли етказиб беришида намоён бўлади. Муаллиф ва тимсоллар нутқи ҳамда руҳий ҳолатини бутун жозибаси билан ўқувчилар маънавий дунёсига кўчира олиш мураккаб дидактик юмушдир. Ўқувчиларнинг руҳий, ҳиссий дунёсини "забт" этиш, ҳар бир ўқувчининг қалбига йўл топа билиш ўқитувчи бадиий ўқиш маҳоратининг самарали натижасидир.

Лирик асарларнинг бадиий ижроси анча мураккаб. Чунки лирик асар мазмунини айтиб бериб ҳам, тушунтириб ҳам бўлмайди. У фақат ҳис қилинади. Лирик асарлар маҳорат билан ижро этилгандагина унда акс этган туйғулар ўқувчилар қалбига кўчади. Бадиий ўқишда туйғулар юқумлилигига алоҳида эътибор берилиши зарур. Асар қаҳрамонлари ички кечинмаларининг ўқувчилар томонидан тўлиқ ҳис қилинишига эришиш бадиий ўқиш олдида турган муҳим вазифадир.

Ҳис қилиш шунчаки билиб қўйиш эмас. Ҳис қилинганда фикр ҳам, вужуд ҳам, кўнгил ҳам таъсирлар оғушида бўлади. Ачиниш ёки завқланиш, ўзгалар ғами, қувончи, мусибати ёки шодлигига шериклик ўқувчиларда ўзганинг ҳолатини ҳис қилиш, руҳиятини туйиш, бошқалар ўрнига ўзини қўя билиш каби сифатларни шакллантиради. Тоза ҳиссиёт ёшларни маънавий комиллик сари бошловчи воситадир.

Адабиёт ўқитувчиси бадиий асар билан ўқувчилар орасида **бадиий воситачи** вазифасини бажариши керак. Адабий таълимда бадиий матнни, унинг замирига яширин сирли тасвирий ифодалардан келиб чиқадиган мантиқий ва эстетик маъноларни англаб етиш ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Бу иш ўқитувчи учун ҳам, ҳали ҳаёт тажрибаси кам, бадиият оламининг сир-синоатларини эндигина бир қадар тушуниб ва туйиб бораётган ўқувчи учун

---

<sup>8</sup> Иномхўжаев С., Зунунов А. Ифодали ўқиш асослари. -Т.: "Ўқитувчи", 1973. -223 б.

хам оғирдир. Шу боис ўқитувчида ўргатиладиган асарларни ўқувчиларнинг ёши, руҳий дунёси, ўзлаштириш имкониятига мослаб уларнинг кўнгил мулкига айлантиришдек бадиий воситачилик, яъни дидактик таҳлилчилик сифатининг бўлиши зарур ҳисобланади. Бу сифат ўқитувчининг ўқувчиларни бадиий асар матнидаги жозибани пайқашга ўргатиши ва уларда эстетик дидни ўстиришида муҳим ўрин тутди.

Адабиёт ўқитувчиси фаолиятининг чуқур эмоционал хусусиятга эга бўлиши кераклиги ҳам зарур талаблардан биридир. Ўқитувчи асар ва ўқувчилар орасида боғловчилик вазифасини бажарар экан, машғулотларни ўқувчининг руҳий тараққиётини таъминлайдиган тарзда уюштириши муҳимдир.

Адабиёт ўқитишда бадиий асарнинг мантиғини билишнинг ўзи етарли эмас. Матн замиридаги бадииймаънони илғаш, турли бадиий ифодалар остида "яшириниб ётган" жозибани пайқаш муҳим саналади. Бу эса ўқитувчининг бадиий воситачилигида амалга оширилади. Ўқувчиларнинг асарни тўғри англаб тўла ўзлаштиришлари бадиий матнни тўғри баҳолаши ва таҳлил қила олишларига яратилган замин ҳисобланади. Ўқитувчининг бадиий воситачилик маҳорати матнни ўқувчиларга етказиш, унинг бадииятига хос эстетик жозибани болаларга англаштириш жараёнида намоён бўлади.

Ўқувчиларнинг бадиий матнни ўз маънавий мулкига айлантириши, уни бор сеҳру жозибаси билан ўзлаштириши ўқитувчининг воситачилик маҳоратига боғлиқдир. Ўқувчилар устозга эргашиб асарни кашф этадилар, матн жозибасини англаган сари унга қизиқиб борадилар. Бу ўқувчиларнинг китобхонлик даражасини ошириб, китоб ўқиш маданиятини юксалтиради. Китоб ўқиш давомида бадиий сўз устида ишлашга одатлантирилади.

Ўқитувчининг бадиий воситачилиги адабиёт дарсларида ўрганилаётган асар юзасидан синфдаги ўқувчиларнинг бир хил фикрга келмаслигида кўринади. Унинг бу хусусияти ўрганилаётган асарнинг ҳар бир ўқувчи томонидан ўзига хос тушунилиш ва баҳолалишини таъминлашга қаратилади.

Адабиёт дарсларида ўқувчи билан ўқитувчи орасидаги муносабат **педагогик шериклик** даражасида бўлиши лозим. Шериклар бир мақсад йўлида ҳаракат қилишлари зарур, лекин бир хил фикрлашлари асло шарт эмас. Синфдаги барча ўқувчиларнинг бирор асар юзасидан бир хил хулосага келиши ўйламасликнинг оқибатидир. Бирор нарса юзасидан мустақил фикрламаслик эса, ўқувчиларни интеллектуал қарамликка олиб боради. Маълумки, ақлий ва эстетик қарамлик сиёсий ва ҳуқуқий қарамликдан кўра хавфлироқ ҳолатдир.

Бўлажак адабиёт муаллимидаги бу хусусиятни шакллантириш олий ўқув юртида амалга оширилиши зарур. Олий мактаб талабаси педагогик амалиёт даврида ўқувчилар билан ҳамкорликда бадиий кечалар, адабий учрашувлар, саёхатлар, давра суҳбатлари уюштиришга одатланиши лозим. Шундагина синф ўқувчилари билан иш олиб борадиган ўқитувчи уларни бир жамоа сифатида уюштириб, турли тадбирларни ташкил қилишнинг

уддасидан чиқа олади.

Адабиёт ўқитувчиси **ташкilotчилик** сифатига ҳам эга бўлиши керакки, бусиз у ўқувчиларни ўзига жалб қила олмайди. Чунки ҳар қандай синфда ҳам турли табиатга эга ўқувчилар бўлади. Ўқитувчи ана шу ҳар хил табиатли ўқувчилар билан умумий тил топиши лозим бўлади. Бир бутун жамоа ҳисобланган синф билан олиб бориладиган машғулотларни самарали бўлиши учун ўқитувчи ижтимоий ташкilotчи бўлиши шарт.

Синфдаги турли табиатли, ҳар хил мақсадли ўқувчиларни бир хилдаги тартиб-интизомга риоя қиладиган жамоага айлантириш, уларни дарсга кизиқтириб, ўзлаштириш даражасини ошириш ва энг муҳими, уларда шахслик сифатларини шакллантириш ўқитувчидан ташкilotчиликни талаб этади.

Дарс умумий характердаги ташкилий жараён. Шунга кўра, адабиёт ўқитувчиси фаолияти ҳам умумга қаратилган бўлиши керак. Ўтилаётган сабоқ эса ҳар бир алоҳида ўқувчига бевосита тегишли бўлгандагина яхши ўзлаштирилади. Бинобарин, **адабиёт ўқитувчиси бир вақтнинг ўзида ҳам ҳамма билан, ҳам ҳар бир ўқувчи билан ишлай олиши лозим** бўлади. Ўқитувчининг ижтимоий ташкilotчилиги туфайлигина ҳар битта ўқувчи кайфияти, ҳиссиёти ва туйғулари билан кўпчиликнинг кайфияти уйғунлашиши мумкин бўлади.

Ўқувчилар орасида қарор топган инсоний муносабатлар ёшлардаги маънавий сифатларни таркиб топдиришда ҳам муҳим аҳамият касб этади. Ўқувчининг ўз фикру мулоҳазаларини умум билан баҳам кўришга интилиб, бошқаларнинг фикрини эшитишга одатланиши, шахсий мулоҳазаларини асосли ифодалашга ўрганиши адабий таълимнинг самарадорлигини кескин оширади. Ўқувчининг жамоадан қочиши, ёлғизликка интилиши, дўстларидан узоклашиши, дарс ва дарсдан ташқари тадбирларда фаол қатнашмаслиги адабиёт ўқитувчисида ижтимоий ташкilotчилик қобилияти етарли эмаслигининг белгисидир.

Синфдаги болалар дўстона жамоага уюшган жойда дарслар кизиқарли, мазмунли ташкил қилинади. Ўқувчиларни жалб қилолмаган, ўзининг ташкilotчилик фазилати билан уларга намуна бўлолмайдиган ўқитувчи болаларни бирлаштира олмайди. Чунки унга ўқувчилар эргашмайди. Устоз болаларни севадиган, уларнинг қизиқишларини биладиган ва ўқувчилардан вақтини аямайдиган, улар билан тенгдошдай муомала қила олгандагина, синф жамоасини бирлаштириши мумкин. Бунинг учун адабиёт ўқитувчиси синфдаги ўқувчилар орасида кимлар етакчи эканликларини беҳато аниқлай билиши лозим.

Адабиёт ўқитувчиси фаолиятининг яна бир муҳим қирраси **илмий тадқиқотчилик**дир. Адабиёт муаллими бадиий матнни адабиётшунос олим даражасида тадқиқ эта олиши, ҳар бир асарнинг ўзига хос бадиий хусусиятларини илмий асослай билиши муҳим саналади.

Адабиёт ўқитувчисининг бу касб хусусияти машғулотларга тайёрланиш ва илмий изланишлари жараёнида намоён бўлади. Илмий тадқиқотчилик ўқитувчининг аниқ илмий қарашларга эгаллиги ва мустақил

фикрлайдиган мутахассис эканини кўрсатиш билан бирга унга кучли ҳамда ўзига хос тарбиявий имконият ҳам беради. Негаки, бадий асарни теран илмий тадқиқ қила билиш матннинг нозик, муҳим, таъсирчан, жозибали, сирли жиҳатларини аниқлаш, ўзига хос янги қирраларини топиш орқали ўқувчиларда юксак маънавий фазилатлар шакллантиришга йўл очади.

Бадий асар таҳлили ўқитувчи илмий тадқиқотчилигининг асосидир. Таҳлил бадий асарларга таяниб амалга ошириладиган ўзига хос ижодий жараён дир. Бадий ижоднинг асл жозибаси унинг инжа сирлари, ички жиҳатлари тадқиқ этилгандагина намоён бўлади. Бадий асарда тасвирланган тимсолларнинг туйғуларини ўқувчилар қалбига жойлаш, асарнинг шаклу мазмунига шикаст етказмасдан уларни болаларнинг кўнглига кўчириш катта билим ва маҳорат талаб этади. Матннинг ранг-баранг бадий кенгликларига кириб бориш фақат тадқиқотчилик сирларини пухта эгаллаган ўқитувчининг қўлидан келади.

Адабиёт дарсларида, одатда, асар тимсолларини санаш, сюжетини аниқлаш, воқеалар мазмунини баён қилишга кўп эътибор берилади. Натижада, ўқувчилар томонидан асарнинг чин бадий жозибаси англамай қолади, дарснинг самараси ҳам шунга яраша бўлади. Агар ўқитувчи шох асарни ҳам ўқувчиларнинг ички сезимларига сингдирмаса, дил ҳамроҳига айлантормаса, илмий мушоҳадалар асосида унинг энг муҳим қирраларини очиб беролмаса, асар ўқувчи назарида ҳеч қандай қимматга эга бўлмай қолавериши мумкин.

Бадий матндаги тимсолларнинг руҳияти, ходисалар, тафсилотлар ҳамда табиат тасвирларига сингдирилган эстетик, ахлоқий, руҳий хусусиятларни ўқувчиларнинг ботиний мулкига айланттириш ўқитувчи тадқиқотчилигининг натижаси бўлиши лозим. Шунинг учун ўқитувчидан бадий матндаги ҳар бир сўз ва ифодага синчковлик билан ёндашув талаб этилади. Асар матнига юзаки қараб, у билан шунчаки танишиб чиқилган, сюжет ва ғоягагина эътибор қилинган машғулотлардан самара кутиб бўлмайди. Адабиёт ўқитувчиси асарнинг бадииятига чуқурроқ кириб бориши ва ёшларни ҳам шунга одатлантириши керак.

Инсон кўнгли билан гўзал бўлгани каби адабий асар бадиияти билан қимматлидир. Ана шу бадииятни, тимсолларнинг кечинмаларини, тасвирнинг сирли лавҳаларини очиб беролмаслик асарнинг қимматини белгилай олмасликдир.

Асарнинг таҳлили муҳим педагогик тадбирдир. Муаллиф ва асардаги тимсолларнинг туйғулари, руҳиятини ўқувчилар билан бирга англашга қаратилган фаолиятдир. Ўқитувчи асар матнини чуқур бадий таҳлил қила билмас экан, асар мазмунини қайта баён қилувчи, у ҳақда ахборот берувчи кимса бўлиб қолаверади. Ўрганилаётган адабий матннинг чуқур бадий таҳлил этилиши, нафақат асар мазмунини пухта ўзлаштириш, балки ўтиллаётган машғулотнинг мазмунли бўлишини ҳам таъминлайди. Шунинг учун икки ўқитувчининг битта мавзудаги дарси ўқувчилар руҳиятига ҳар хил таъсир қилади.

Адабиёт дарсларининг сифати ва самарадорлиги ўқитувчи

тадқиқотчилигининг доимий ва узлуксизлигига боғлиқдир. Адабиёт ўқитувчиси учун зарурий бу жиҳат олий ўқув юртлари талабаларида шакллантирилишига эътибор қаратилиши жуда зарур. Бу сифатни эгаллаган устоз ўқувчиларда матн билан ишлашга иштиёқ пайдо қилиш, китобга муҳаббат уйғотиш, китобхонлик маданиятини камол топдириш имкониятига эга бўлади. Адабиёт ўқитувчисининг асосий фаолият манбаси бадиий асар ва бадиий сўз бўлганлиги учун у исталган бадиий ҳодиса тўғрисида адабиётшунос олим сингари ўз фикрини айта олиши, айтганларини назарий асослай билиши лозим.

Адабиёт ўқитувчисининг **педагогик амалиётчилик** фаолияти унинг илмий тадқиқотчилигига бир мунча яқин. Ўқитувчи олий мактабда ва мустақил тарзда ўзлаштирган назарий ва методик билимларини амалда қўллай олгандагина адабиёт ўқитиш муайян самара келтиради.

Ўрганилаётган бадиий асарнинг ўзига хослигини сақлаган ҳолда уни ўқув адабиётига айлантириш, ўқув таҳлилини амалга ошириш, бадиий матнни ўқувчиларнинг ёш хусусиятлари, тайёргарлик даражалари, муайян вақтдаги руҳий ҳолатларига мос равишда тақдим этиш чораларини кўриш адабиёт ўқитувчисидан фақат билимдон мутахассисликнигина эмас, балки керакли дидактик тадбирни ўз вақтида кўра оладиган тадбиркор амалиётчи-методист бўлишини ҳам талаб этади.

Муайян синфдаги ўқувчиларга мутлақо боғлиқ бўлмаган ҳолда яратилган соф бадиий асарни маҳорат билан шу синфдаги болалар ўзлаштирадиган ўқув материалига айлантириш адабиёт муаллими фаолиятининг муҳим қирраларидан биридир. Чунки дунёдаги бирорта чин бадиий асар муайян синфдаги ўқувчиларга ўргатиш учун ёзилмайди. Яъни бадиий асар ўз-ўзича муайян педагогик йўналишга эга бўлмайди. Ўқитувчи шу хил асарни педагогик йўналишга солиши лозим бўлади. Бунинг учун у ўқувчилар руҳияти ва адабиёт назариясини чуқур биладиган, бадиий асарлар билан қийналмай иш кўрадиган, адабий жараёндан хабардор, адабиётшунослик янгиликларни кузатиб борадиган билимдон мутахассис бўлиши керак.

Адабиёт ўқитувчиси бадиий асарнинг жозибасини, таъсирчанлиги сабабларини очаётганда, ўзининг педагог эканлигини, зиммасида залворли тарбиявий вазифа турганлигини бир зум ҳам унутмаслиги, ҳар доим ўқув таҳлили тушунарли бўлишига интилиши лозим. Ўқитувчининг иқтидор, билим ва малакаси педагогик амалиётдагина намоён бўлади.

Педагогик амалиётчилик ўқув материални танлаш ва яхлит тизимга келтириш, дарс давомида ўқувчи ва ўзининг фаолияти йўналишини белгилаш, машғулот учун нималардан фойдаланиш, қандай хулосага келиш, бадиий асарнинг ўқув таҳлилини қай йўсин амалга ошириш кераклигини белгилашда ҳам кўринади. Ўқитувчидан ўрганиладиган асарнинг табиати ва ўқувчиларнинг руҳий ва билим даражасига мувофиқ дидактик йўл тутиш талаб этилади. Илм амали билан гўзал бўлгани каби адабиёт ўқитувчисининг педагогик амалиётчилиги тинимсиз ривожланиб боровчи динамик жараёнга айлангандагина катта самара келтиради.

Юқорида саналган касбий сифатлардан ташқари адабиёт ўқитувчиси фаолиятининг самарадорлиги унинг нутқ маданияти даражасига, нотиклик маҳоратига ҳам боғлиқдир. Ўқитувчи нутқида унинг билими, маълумотлилиқ даражаси, ишонтириш санъати, тарбиячилик маҳорати намоён бўлади. Адабиёт ўқитувчисининг нутқи ўқувчи учун ҳамisha намуна бўлиб хизмат қилади. Ўқувчи унга эргашади, ундан ибрат олишга интилади. Адабиёт муаллими нутқи нуқсонсиз бўлиши шарт. Адабиёт дарсларининг муваффақияти, таълим-тарбия ишларининг самарадорлиги кўп жиҳатдан ўқитувчининг нотиклик маҳоратига боғлиқ бўлади. Ўқитувчи сўз билан ўқувчининг рухий ҳолатини ўзгартиришга қодир шахс бўлгандагина ўқувчилари эътибори ва эътирофини қозонади.

Юксак туйғулар фақат шахсдан шахсга, қалбдан қалбга ўтади. Маънавий сифатларни синф ўқувчиларининг барчасига оммавий тарзда етказиш мушкул, шу боис адабиёт ўқитувчиси ўз тарбияланувчиси билан имкон қадар юзма-юз, ёлғиз қола билишни уддалаши керак. Ўқитувчининг юксак маънавий фазилатларга эгаллиги, устоз билан шогирд ўртасида чин инсоний муносабатлар борлиги дарс самарадорлигининг муҳим асосидир.

Болаларга муҳаббат адабиёт ўқитувчисининг зарур маънавий сифатларидан биридир. Бошқаларга муҳаббат ҳар қандай кишини фидойиликка чорлайди. Фидойиликнинг маҳсули эзгуликдир. Эзгулик – ўзгалар муҳаббатига сазовор бўлишнинг ҳам асоси. Адабиёт ўқитувчиси - ўқувчилари томонидан севилиши шарт. Чунки бадиий адабиётга муҳаббат адабиёт ўқитувчисига муҳаббатдан бошланади. Ўқувчилар муҳаббатига сазовор бўлишнинг бирдан-бири йўли уларга меҳр билан ёндашув, уларни тушуниш ва кечиримли бўлишдир. Қалблар ҳиссиёт ва туйғулар воситасидагина боғланади. Таълим жараёнидаги ҳамма муваффақиятсизлик ва сохталиклар муҳаббатсизликдандир. Адабий таълимда ўқувчининг асл мактаби, аввало, ўқитувчи шахси, асосий китоби эса, ўқитувчининг маънавиятидир. Мураббий шогирдларининг муҳаббатини қозонгачгина, уларга тарбиявий таъсир кўрсата олади. Адабиёт ўқитувчисининг шахси адабий таълим жараёнини муваффақиятли ташкил қилишда энг муҳим жиҳат бўлиб, унинг самарали натижаларга эришуви зарур маънавий сифатларга эгаллигига боғлиқ.

Хушмуомалалиқ ҳам адабиёт муаллимининг дарс самарадорлигини таъминловчи муҳим маънавий фазилатидир. Ўқитувчи машғулоти самарадорлигини таъминлашда унинг муомала маданиятига эгаллиги муҳим ўрин тутаяди. Чунки адабиёт муаллими - ўқувчи шахси маънавиятини шакллантиришга тутинган зот. Ўқувчи билимларни китобдан ҳам ўзлаштириб олиши мумкин. Бироқ, маънавий фазилатлар фақат шахслараро муносабатлар натижасида шаклланади.

Адабиёт дарсларининг марказида ўқувчи шахси туради. Негаки, адабиёт бўйича бериладиган билим, қилинадиган таҳлил, амалга ошириладиган тадбирлардан асосий мақсад ўқувчиларда шахслиқ сифатларини қарор топдиришдан иборатдир. Маълумки, ўқувчилар қалбини ром этмай, уларга тарбиявий таъсир кўрсатиб бўлмайди. Бола билан



муомалада сохталик, ясамалик, куруқ жимжимадорлик, сунъий меҳрибонлик самара бермайди. Муомала санъати самимийликнинг, табиийликнинг, инсонийликнинг ҳақиқий мезонлари асосида юзага келади. Болалар, аввало, самимий инсонни, муомалали одамни, тенгдош дўстга айланиб кета оладиган кишини севадилар. Ана шундай *"адабиёт ўқитувчиси дарсинг асосий кўрсатмали қуролидир"*<sup>9</sup>.

Ўқувчилар ўқитувчига муҳаббати орқали адабиёт фани ва бадиий адабиётга муҳаббат қўядилар. Хушмомалалик фанга қизиқиш ва муҳаббат уйғотишнинг пойдеворидир. Бу сифат ҳар қандай ўқитувчида ҳар қандай билимдон мутахассисда ҳам топилавермайди. Ўқувчилар билан чин дилдан, очикчасига гаплашиш уларга ўз сўзига ишонч уйғотиш адабиёт ўқитувчисини болаларнинг яқин шеригига айлантириши мумкин.

Ахлоқий жиҳатдан ўқувчиларнинг идеалига айланиш ва уларни маънавий камолотнинг юксак даражаларига томон кўтариш педагогик муомала санъатининг самарасидир. Ўқитувчининг инсоний қиёфаси, ички дунёси ўқувчиларга муомала-муносабатда намоён бўлади. Мактаб адабий таълими самарадорлигига фақат янги усулда дарс ўтиш билан эришиб бўлмайди. Дарсда самимий муносабат, қалб ҳарорати бўлиши керак. Қалбнинг ёқимли ҳиссиёт деб аталмиш хоссаси бор. Муомала санъатига эга бўлмаган ўқитувчи ўқувчи ҳиссиётига ижобий таъсир этолмайди.

Мажбурлаб ўқитиш аслида шахснинг ҳурлигини поймол қилиш демакдир. Ўқитувчининг муомала санъатини эгаллаганлиги ўқувчилар маънавий фазилатлари ва ижодий имкониятларини тўла намоён қилишга йўл очади. Хушмуомалалик асосида ўқитувчи ва ўқувчи орасидаги муносабатларнинг самимийлиги, яқинлиги ва ўзаро ҳурмат ётади.

Адабиёт сабоқлари туйғулар ва ҳиссиётлар асосига қурилган машғулотлардир. Бошқа ҳеч бир предметда ҳиссиёт адабиёт дарсларидагичалик муҳим ўрин тутмайди. Шунинг учун ҳам болаларни тушуниш, уларни ҳис қилиш, ҳис туйғуларини қадрлаш жиддий иш ҳисобланади. Адабиёт машғулотларини самарали ташкил қилиш ўқувчиларнинг руҳий ҳолатига ҳам боғлиқ. Кўпчилик ўқитувчилар машғулот ўтишда энг муҳим сиймо ўқувчи эканлигини унутиб қўядилар. Ўқитувчи машғулотда нимани ўргатиш, қандай усулда ўргатиш борасида кўп ўйлайди-ю, қандай кайфиятдаги ўқувчиларга, қай йўсинда ўргатиш устида етарлича бош қотирмайди. Натижада, адабиёт дарсларида бола шахсини шакллантириш масаласи четроқда қолиб кетади.

Боланинг кўнглидаги ўзгаришларни, қалбидаги ҳаяжонни, интилишларини тушуниш устозни уларнинг яқин кишисига айлантиради. Ўқувчининг яқин кишисига айланиш энг юксак натижани эгаллаш демакдир. Ўқитувчи ўз шогирдларининг шахсиятига, ички дунёсига чуқур кириб боргандагина, тарбиялаш, ўқитиш ва ривожлантириш иши самарали кечади. Педагогнинг касб сифатлари унинг маънавий фазилатларидан куч-қувват олади.

<sup>9</sup> Зуннунов А., Эсонов Ж. Мактабда адабиёт ўқитиш методикаси. -Т.: "Ўқитувчи", 1985. -200 б.

Ўқитувчининг болаларга, ўз навбатида ўқувчиларнинг ўқитувчига муҳаббатидан таълим тарбиянинг метод ва усуллари ҳарорат олади, педагогик маҳорат инсонпарварлик ҳисси билан тўлган устоз қалбидан ўтиб сайқал топади. *"Тарбия ва таълим методларидан фойдаланадиган ўқитувчининг қандай инсонлиги ҳисобга олинмаса, унинг кўнгли, қалби эзгу бўлмаса, бу методларнинг самараси ҳақида бир нима деб бўлмайди"*<sup>10</sup>.

Таълим қачондир технологиялашиб, қайсидир фан ўқитувчиларининг қандай шахслиги аҳамиятсиз бўлиб қолар. Лекин ҳеч қачон, ҳеч қандай янги усул адабиёт ўқитувчиси ўрнини боса олмайди. Чунки усулнинг ўзи юрак, туйғу ва сезимларга таъсир кўрсата олмагани сабабли ўқувчиларда шахслик сифатларини шакллантира билмайди.

### **Адабиётлар:**

1. Долимов С., Убайдуллаев Ҳ., Аҳмедов Қ. Адабиёт ўқитиш методикаси. - Т.: «Ўқитувчи», 1967.
2. Резь З. Я. Методика преподавания литературы. -Москва: «Просвещение», 1977.
3. Йўлдошев Қ. Адабиёт ўқитишнинг илмий-назарий асослари. -Т.: “Ўқитувчи”, 1996.
4. Келдиёров Р. Таълим самарадорлигини оширишда ўқитувчи касбий-маънавий сифатларининг ўрни ва уни такомиллаштиришнинг илмий-педагогик асослари (адабий таълим мисолида). 13.00.01 - педагогика назарияси ва тарихи ихтисослиги бўйича педагогика фанлари номзоди илмий даражаси учун ёзилган диссертация –Т.: 2000.
5. Сафин Д. Мусина Р. Интерактивные методы преподавания и учения. –Т.: 2007.

---

<sup>10</sup> Амонашвили Ш. А. Олти ёшдан болалар: “Педагогик изланиш” тўплами. -Т.: “Фан”, 1990. -603 б.

## V. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ

### 1-мавзу. АДАБИЁТ САБОҚЛАРИДА ҚАТНАШЧИЛАРНИНГ ЁШ ХУСУСИЯТЛАРИ ВА ТАЙЁРЛИК ДАРАЖАСИНИ ҲИСОБГА ОЛИШ

Шахсни, “умуман” тарбиялаб бўлмайдди, балки ҳар қандай конкрет индивид конкрет талаблар асосида, конкрет муҳит учун конкрет макон ва замонда тарбияланади. Тарбия конкретликни севадиган ва ундагина мавжуд бўла оладиган педагогик кечимдир. Шу боисдан ҳам бирон бир ахлоқий фазилатни умумий тарзда қарор топдириб бўлмайдди. Буни шундан ҳам билса бўладики, айтиб бир педагогик чора турли ёшдаги одамларга нисбатан қўлланилганда турлича натижа беради. Ахлоқий-эстетик тарбиянинг қудратли қуроли ҳисобланмиш адабиёт ўқитишда ҳам турли синфлардаги ўқувчиларнинг ёш хусусиятларини ҳисобга олиш ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир. Ўқувчининг ёшига мос бўлмаган материал ҳам, усул ҳам уни толиқтиради, қизиқувчанлигини сусайтиради, демакки, самара келтирмайдди. Ўрганилаётган адабий материалга болаларни қизиқтиролмаган, уларни мувозанатдан чиқаролмаган, боз устига, адабий асарни ўрганиш жараёнида ўқувчиларни толиқтирадиган дарс фойдасиздир.

Адабиёт ўқитишни йўлга қўйишда ўқувчиларнинг муайян ёшдаги психологик хусусиятларини ҳисобга олиш шунинг учун ҳам зарурдир. Турли мамлакатларнинг педагог ва психолог олимлари, умуман, болалар, хусусан, мактаб болаларнинг ёшларини асосли тарзда муайян босқичларга бўлиш ҳақида кўпдан бери бош қотириб келишади. Хусусан, рус олимлари Л. С. Виготский ва Д. Б. Элконилар бу илмий юмуш билан жиддий шуғулланишган. Қуйида уларнинг таснифларидан фойдаланилган ҳолда фикр юритишга уринилади.

Номлари юқорида зикр этилган олимлар мактаб ёшидаги ўқувчилар умрининг **биринчи босқичини “Кичик мактаб ёши”** тарзида номлайдилар ва бунга 7-10 ёшдаги болаларни мансуб деб ҳисоблайдилар. Уларнинг фикрларича, бу ёшдаги болалар учун *етақчи фаолият ўқишдан* иборат бўлиб, болаларнинг интеллектуал ва билиш қобилияти шиддат билан шаклланади. **Иккинчи босқич ўсмирлик** деб аталади ва 10-15 ёшни ўз ичига олади. Бу ёшдаги болаларнинг *ижтимоий фаолиятидаги* асосий жиҳат **тенгдошлари билан ўзаро муносабатни йўлга қўя билишдан** иборат бўлади. Бу муносабат ўсмирлар ҳаётида шу қадар катта аҳамият касб этадики, уларнинг хатти-ҳаракатларининг йўналиши кўпинча ана шу муносабатлар характериға боғлиқ бўлади. Бу босқичда ўсмирларда мавҳум тафаккур, ўз-ўзини англашга интилиш, жинсий алоҳидалик, балоғат туйғуси кучаяди.

Олимлар учинчи босқични **ўспиринлик** тарзида номлаб, унга 15-18 ёшни киритадилар. Бу ёшдаги кишилар учун *билиш* асосий фаолият тури ҳисобланади. Ўспиринлар муайян касбни танлаганликлари ва бирмунча

катъий дунёкарашга эгалиги билан ажралиб туради<sup>11</sup>.

Шулардан келиб чиққан ҳолда адабий таълимда ҳам турли ёшдаги ўқувчиларга турлича ёндашиш лозимлиги кўзда тутилиши керак. Чунончи, “Адабий таълим давлат стандарти” (ТДС) адабиёт ўқитиш жараёни ўқувчиларнинг ёши ва руҳий ҳолатларидаги турли хусусиятлардан келиб чиққан ҳолда турлича босқичлардан иборат бўлишини кўзда тутади.

1. Адабий таълимнинг барча босқичларида ҳам ўқувчиларнинг ёш хусусиятларига мувофиқ равишда бадиий асарни ўқиш, тушуниш, тушунтириш, таъсирланиш, таъсирланганлиги сабабини англаш ва англантиш, таҳлил қилиш, хулоса чиқариш сингари фаолият турлари амалга оширилади.

2. Ўқувчиларнинг адабий-тарихий ва адабий-назарий билимларни эгаллашларига эришиш, уларнинг оғзаки ҳамда ёзма нутқини ривожлантириш, ижодий ва мустақил фикрлаш малакаларини ошириш каби педагогик тадбирлар изчиллик билан йўналтирилади.

3. Адабий таълимнинг барча босқичларида ўқувчиларда эзгу маънавий хислатларнинг шакллантирилишига диққат қаратилади.

4. Умумий ўрта таълим мактаблари таркиби ҳамда ўқувчиларнинг ёш ва руҳий хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда адабиёт ўқитиш қуйидаги **икки** босқичда амалга оширилади.

**Бошланғич синфлар.** Ўқувчилар китобхонлик маданияти асосларини ўрганишади. Уларда тўғри, ифодали ва тушуниб ўқиш кўникмаларини шакллантиришга биринчи даражали эътибор қаратилади. Бу босқичда адабиёт алоҳида ўқув предмети ҳисобланмаса ҳам ўқувчиларда эстетик дидни, бой ва таъсирчан ҳиссиётни, нозик туйғуларни қарор топдиришда муҳим ўрин тутади. Бола маънавиятининг асослари шакллантириладиган бошланғич синфларда «Ўқиш», «Она тили», «Тарих», «Табиатшунослик» дарсларида фойдаланиладиган матнларнинг бадиий бўёқдор бўлиши ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Бу даврдаги адабий таълим ўқувчиларда ҳиссий таъсирчанлик, тасаввур ва сезимлар бойлиги, ижодий фантазия, нутқ равонлиги, ўқиш техникаси, китобхонлик одати сингари сифатлар шаклланишига йўналтирилади.

**Ўрта мактаб босқичи (V-IX синфлар).** Ушбу босқичда «Адабиёт» алоҳида ўқув предмети тусини олади. Адабий таълимнинг иккинчи босқичида ўқувчилар адабиётни бадиий сўз ҳақидаги фан, кўркем сўзнинг фолклор, асотирлар, ёзма адабиёт, назарий тушунчалар сингари кўринишларини бирлаштирадиган алоҳида метатизим сифатида англайдилар. Талабалар ана шу тизим ичидаги турли қатламларни аста-секинлик билан ўзлаштириб, уларнинг моҳиятига кириб борадилар. Бу босқичда бошланғич мактаб давридагига қараганда анча мураккаб бадиий асарлар ўрганилиши кўзда тутилади. Бу ҳол ўқувчилар маънавияти такомиллашуви ва тафаккури тараққиётига таъсир кўрсатади.

---

<sup>11</sup> Селевко Г. К. Энциклопедия образовательных технологий. в 2 т. Т. 1 –м.: НИИ школьных технологий, 2006. –С.42.

Бу босқичда синфда ўқиш, мустақил ўрганиш ва синфдан ташқари ўқишга мўлжалланган бадиий асарлар миқдори ўқувчиларнинг ёш имкониятлари ва қизиқишларига мувофиқ тарзда кўпайиб боради. Ўрта мактаб ўқувчилари миллий ва дунё адабиётининг турли даврларда яратилган, турли жанрларга мансуб, турли мураккабликдаги асарларини ўрганадилар. Бу босқичда қаҳрамонлик, ватанпарварлик, романтик, фантастик мазмундаги асарларни ўргатишга катта диққат қаратилади. Шунингдек, халқ оғзаки ижоди намуналари, лирик асарларни ўргатишга катта эътибор қаратилади. Шу билан бирга ўқувчилар ўргатилаётган асарларни тушуниш учун керак бўлган миқдорда адабий-назарий билимларни ўзлаштирадилар. Бу босқичда ўқувчилар адабий қаҳрамонларни тасвирланаётган макон ва ҳаётини вазиятга мувофиқ тинимсиз ўсиш-ўзгаришда бўлган тирик одамлар сифатида қабул қилишни ўрганишади. Улар бадиий асарларнинг турлари ва жанрлари борасида муайян тушунчаларга эга бўлишади.

Педагогика ва психология илми ҳамда ўқитиш амалиёти ўрта мактаб босқичини **V-VII ва VIII-IX синфлар** тарзида **икки бўғинга** бўлиш мақсадга мувофиқлигини кўрсатади. Гарчи, бу синфларнинг ўқувчилари битта ўрта мактаб босқичига мансуб бўлсалар-да, амалда бир-бирларидан жиддий фарқ қиладиган икки авлод вакиллари ҳисобланади.

Мактаб **адабий таълими иккинчи босқичининг биринчи бўғини** бўлмиш **V-VII синфлар**да адабиёт ўқитиш бошланғич таълимнинг давоми ҳисобланиб, ўқувчиларда бадиий адабиётга доир бирмунча ибтидоий ва содда билим, кўникма ҳамда малакаларни шакллантириш кўзда тутилади. Ушбу бўғинда адабий таълим **адабий ўқиш** тарзида уюштирилади. Яъни адабиётга адабиётшунослик фани талаблари асосида эмас, балки педагогиканинг талабларига мувофиқ ёндашилади. Адабий даврлар, бадиий тасвирдаги сифат ўзгаришлари, адабиёт тарихидаги тизим бу даврдаги таълим жараёнида бирламчи аҳамият касб этмайди.

Бу давр адабий таълимида бадиий сўз ўсмирларнинг тасаввурини кенгайтириш, фантазиясини кучайтириш, кўркем сўзнинг таъмини туядиган қилишга йўналтирилади. Бу синфларда ўткир сюжетли, порлоқ тасвирларга бой, ўқувчиларда ҳаёт ва туйғу уйғотадиган, ҳиссиётини бойтадиган бадиий асарлар кўпроқ ўрганилади. Бу бўғинда ўзлаштириладиган адабий-назарий тушунчалар адибнинг тасвир маҳоратини кўрсатишдан кўра матн мазмунини чуқурроқ англашга йўналтирилади. Адибларнинг умрбаёни эса болалар учун тақлид объекти, намуна мактаби вазифасини бажаради. Асарларни ўринлаштиришда хронологияга эмас, балки маънавий-ахлоқий ва эстетик-педагогик руқнларга амал қилинади.

**VIII-IX синфлар адабий таълим иккинчи босқичининг иккинчи бўғини** ҳисобланади. Бу бўғинда ўқувчилар, бир томондан, ўрта мактабни тугаллаш арафасида бўладилар, иккинчи томондан, ўрта махсус таълим муассасаларига киришга тайёрланадилар. Шунинг учун ҳам бу синфлардаги адабий таълим ҳам **адабий ўқиш** тарзида йўлга қўйилса-да, унда адабий-тарихий курснинг бошланғич унсурлари кўзга ташланади. Бу ҳол бадиий

матнларнинг адабиётшунослик илмида қабул қилинганидай хронологик тартибга кўра жойлаштирилганлигида, бадиий асар билан муаллиф ҳаёти ўртасидаги боғлиқликни текшириш кўзда тутилганида сезилади. Ушбу бўғинда ўсмирликдан ўспиринлик босқичига ўтган ўқувчилар адабиётни тизимли курс сифатида ўрганишга ҳозирлик кўрадилар.

Ушбу бўғинда ўқувчиларга энг қадимги даврлардан бугунга қадар бўлган миллий адабиёт тарихи, унинг тур ва жанрлари, асосий асарлари ҳақида тушунча берилади. Ўқувчиларга ўзбек адабиёти тарихи яхлит бир эстетик жараён эканлиги бир қадар сингдирилади. Бу босқичда бадиий матн жозибаси ва, тароватини таъминлаган омиллар, адибларнинг маҳорати, услубини аниқлашга эътибор қаратилади. Ўқувчиларда таҳлил малакасини шакллантириш, ҳар бир матн бўйича ўзининг фикри бўлишига эришиш кўзда тутилади. Бу босқичда ўқувчиларнинг адабий-назарий билимлари ҳам бир қадар чуқурлашади. Шунингдек, уларда инсоннинг ички олами, мураккаб туйғулари, нозик кечинмалари тасвирланган асарларга қизиқиш пайдо бўлади. Ушбу босқичда ёзувчиларнинг умрбаёнига эътибор бирмунча ортади. Чунки бу ёшдаги ўқувчилар ижодкор шахси ва унинг ҳаёт тарзи билан унинг услуби ўртасидаги боғлиқликни англайдиган даражага етишади. Бу ҳолатлар натижасида ўспиринлар маънавиятида жиддий сифат ўзгаришлари рўй беришига ахлоқий-эстетик замин тайёрланади.

5-7-синфларда адабиёт дарсларини уюштиришда болаларга хос биологик, психологик ва педагогик хусусиятлар ҳисобга олингандагина самарага эришиш мумкин. Уларнинг ғоят қизиқувчан, берилувчан, айна вақтда диққатини бир нарсада узок тўхтатиб туролмайдиган, эътибори бўлинадиган ўсмирлар экани ёдда тутилиши лозим. Бу ёшдаги болаларда **хотира** кучли бўлгани ҳолда **диққат**нинг жуда осон ва тез чалғиш хусусиятига эгаллиги, бу ёшдаги ўсмирлар эртанги кунни тасаввур этолмаганликлари учун уларнинг эътиборини бир нуқтага йўналтирадиган **стимулятор** мавжуд эмаслиги сингари омиллар ўсмирларнинг ўқиш жараёнини бир мунча оғирлаштириши кўзда тутилиши зарур.

Бошқа кўпчилик ўзбек тадрисчи олимларидан фарқи ўлароқ, Субутой Долимов ўзи яшаган шўро давридаёқ адабиёт ўқитишга умуман эмас, балки турли синфлардаги ўқувчиларнинг ёш ва руҳий хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда конкрет ёндашиш кераклигини кўрсатади: *“Ўрта мактаб ўқувчилари ёш жиҳатдан икки босқичга: ўрта ёшдаги (12 ёшдан 15 ёшгача) болалар ва катта ёшдаги (15 ёшдан 18 ёшгача) болаларга бўлинади. Бу ёшдаги болаларнинг қизиқишлари, ҳис-туйғулари, диққатлари, хотиралари, характерлари хилма-хил бўлади ва бир-бирига ўхшамайди*<sup>12</sup>,– деб ёзади у. Гарчи С. Долимов кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг руҳий хусусиятлари ҳақида тўхталмаган ва унинг қарашлари Л. Виготский ҳамда Д. Элконинларнинг қарашларига тўла мос келмасида, у ўқувчиларни ёш ва руҳий ўзига хосликларга кўра гуруҳлаш лозимлигини таъкидлаган биринчи замонавий ўзбек олими эди. Олим ўрта ёшдаги

<sup>12</sup> Долимов ва бқ. Адабиёт ўқитиш методикаси. –Т.: “Ўқитувчи”, 1967. 15-бет

болаларнинг ўз ичларида ҳам ёшга боғлиқ турли рухий-жисмоний босқичлар бўлишини кўзда тутиб иш юритган адабиёт ўқитувчисигина ўз фаолиятида ижобий натижага эришиши мумкинлигини илмий тадқиқотларида қайта-қайта таъкидлайди.

Илкинчи методист олим С. Долимов ўқувчиларнинг ёш ва рухий белгиларини ҳисобга олмасдан адабиёт ўқитишни ташкил этишга уриниш таълим кечими учун салбий оқибатлар келтириб чиқариши мумкинлигини аниқ мисоллар асосида кўрсатиб беради. Жумладан у: **“30-йилларнинг бошларида тузилган адабиёт дарсликлари ва хрестоматиялари тарихий принципга асосланган эди. Ҳатто, V синф ўқувчиларига мўлжалланган адабиёт дарслиги ва хрестоматияси ҳам тарихий принципда тузилган эди. Бу аҳвол дарслик ва хрестоматияларни қийинлаштирди. Ушбу қўлланмалар V-VII синф ўқувчиларининг билим савияларидан анча юқори турарди”**<sup>13</sup>,– деб ёзади. Афсуски, адабий ўқишни тизимли курсдан, методик қўлланмани ўқув қўлланмасидан фарқлай олмайдиган кимсаларнинг зуғуми билан бу ҳол деярли XXI асрга қадар давом этиб келди.

Субутой Долимов бундан ярим асрча олдин адабий таълим учун конкрет ёшдаги, ўзига хос ўқувчини кўз олдига аниқ келтириб тадбир белгиламаган адабий таълим муваффақиятга эришолмаслигини кўрсатган эди. У инсон турли ёшда турлича рухий-интеллектуал имкониятларга эга бўлиши боис бир асарни турли вақтда турлича қабул этиши мумкинлигини ўз вақтида: **“Китобхонлар бир турдаги асарларни хилма-хил идрок этадилар. Асардаги образлар ҳам кишиларнинг ёшига қараб таъсир этади”**<sup>14</sup>,– дея тушунтирган эди.

Ёш психологиясига доир билимларни чуқур эгаллаган олим турли ёшдаги ўқувчилар орасида фарқлар борлигини қайд этиш билангина чекланиб қолмай, бу ўзгачаликлар нимадан иборат эканлигини ҳам кўрсатиб беради: **“V-VI синфларнинг ўқувчилари ...асарда иштирок этувчи қахрамонларнинг ҳаётига, бошидан кечирган воқеаларига кўпроқ қизиқадилар, аммо асарнинг бадиий хусусиятлари, ёзувчининг яшаган даври ва шароити, унинг таржимаи ҳоли бу синф ўқувчиларини унча қизиқтирмайди”**<sup>15</sup>.

Олим турли синфдаги ўқувчилар руҳиятида рўй берадиган рухий-жисмоний кечимлар тадрижини сичковлик билан кузатади. Уларнинг универсал кирраларини нозик илғайди ва ундан адабиёт ўқитишда фойдаланишнинг тўғри йўлларини тавсия этади: **“VII-VIII синфларнинг ўқувчилари инсоний характерга аста-секин қизиқа бошлайдилар, уларни бир хил чиройли ифодалар билан тасвирлаш қизиқтирмай қўяди, улар энди хилма-хил сифат ва хислатларга эга бўлган характерларни ўрганишга интиладилар. Бу синфларнинг ўқувчилари ёзувчига ва унинг**

<sup>13</sup> Долимов ва бк. Адабиёт ўқитиш методикаси. –Т.: “Ўқитувчи”, 1967. 48-бет.

<sup>14</sup> Долимов ва бк. Адабиёт ўқитиш методикаси. –Т.: “Ўқитувчи”, 1967. 53-бет.

<sup>15</sup> Долимов ва бк. Адабиёт ўқитиш методикаси. –Т.: “Ўқитувчи”, 1967. 57-бет

*турмушга бўлган муносабатига ҳам қизиқадилар*<sup>16</sup>. Олимнинг бу қарашлари адабиёт ўқитишни педагогик мақсадга мувофиқ тарзда ташкил этиш учун турли синфларда турлича дидактик тадбир қўллаш кераклигини англатади. Бу фикрлардан табиий равишда адабиёт дарсликлари қандай бўлиши зарурлиги ҳам англашилади.

Кўринадики, адабиёт муаллими ўқувчиларнинг ёш хусусиятлари ва рухий таракқиётларидаги ўзига хосликларни ҳисобга олгандагина унинг фаолияти самара келтиради. Айниқса, 5-синф ўқувчиси эртақлар оламига яқин эканлигини, унинг учун ҳайвон ва ўсимликларнинг сўзлаши, шамол, момақалдирак, чакмоқ сингари табиат ҳодисаларининг одам ёки бошқа бирор жонлиқ тарзида тасаввур этилиши соғлом бир ҳол эканлигини унутмаслик керак. Бу синфларнинг ўқувчилари этик, ручка, сичқон, доғ, дастурхон худди одам каби ҳаракат қилиб, инсондай сўзлаши тасвирланган мултфилмларни кўриб улғайган. Демак, бу синфларда ўргатилиши лозим бўлган адабий материаллар ҳам шунга яраша, эртақ ва мултфилмларнинг давоми каби бўлгани маъқулдир.

Шундан келиб чиқиладиган бўлса, 5-7-синфларда ўргатиладиган бадиий асарлар мустақилликкача бўлган даврдагидай хронология тартибида эмас, балки ўқувчиларда шакллантирилиши кўзда тутилган маънавий сифатларнинг қандайлигидан келиб чиқиб жойлаштирилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Айтиш керакки, адабиёт бўйича амалдаги дастурларда шу талаб имкон даражасида ҳисобга олинган. Чунончи, бу синфларда ўргатилиши кўзда тутилган бадиий асарлар турли рукнлар асосида жойлаштириб, турли даврларда турли ёзувчилар томонидан яратилган, аммо муайян рукнга киритилган асарлар тарбиявий йўналишига кўра ўқувчиларда маълум маънавий сифатларни шакллантиришга хизмат қилиши кўзда тутилган. Шунинг учун ҳам бир ўқув йилида ўрганилиши лозим бўлган материаллар **“Ҳикмат дурдоналари”**, **“Ривоят ва эртақлар оламида”**, **“Болаликнинг беғубор олами”**, **“Мумтоз адабиёт бўстони”**, **“Ватанни севмоқ иймондандир”** каби рукнларга бўлинган ва ҳар бир рукнга унга мувофиқ келадиган асарлар киритилган.

5-синф ўқувчиларига **“Ҳикмат дурдоналари”**, **“Мумтоз адабиёт бўстони”** сингари мавҳум, нимага чорлаётгани тушунарли бўлмаган, болаларда шакллантирилиши лозим маънавий сифатлар эмас, балки адабий материалнинг характерини англатадиган рукнларни киритиш унчалар мақсадга мувофиқ эмас. Лекин, нима бўлганда ҳам, дастур муаллифлари адабий материални эмас, ўқувчиларда шакллантирилиши кўзда тутилган инсоний сифатларни асосий қадрият ҳисоблаганлигининг ўзи диққатга лойиқдир.

6-синф **“Адабиёт”** дастурига киритилган барча бадиий материаллар **“Бола – уққур хаёл эгаси”**, **“Кечаги кун сабоқлари”**, **“Сўзда ҳикмат бор”**, **“Рангин туйғулар”** каби тўрт рукнга бўлинган. 7-синфда ўргатилиши

<sup>16</sup> Долимов ва бқ. Адабиёт ўқитиш методикаси. –Т.: “Ўқитувчи”, 1967. 57-бет



лозим бўлган асарлар ҳам “**Кўзим қароғидасан, Ватан!**”, “**Ўйларимнинг чексиз осмони**”, “**Мозийдан сабоқлар**”, “**Янги давр нафаси**” сингари рукнларга бўлинган ва дарсликка киритилган барча матнлар ана шу рукнлар асосида жойлаштирилган. Тўғри, рукнларни танлаш ҳаммиша ҳам педагогик мақсадга мувофиқ амалга оширилган деб бўлмайди. Чунончи, “Янги давр нафаси” рукнида А. Қодирийнинг “Мехробдан чаён” романидан олинган парча ва Чўлпоннинг “Тўзал”, “Бинафша”, “Халқ”, “Кўнгил” шеърлари, А. Қаҳҳорнинг “Минг бир жон” ҳикояси, Миртемирнинг “Мен туғилган тупроқ”, “Онагинам”, “Тошбу”, “Бетобликда” каби шеърлари ҳамда Пауло Коэлонинг илгари сурилган ғоялари бегона ва бадий ифодаси ҳам унчалар юксак бўлмаган “Алхимик” асари берилиши мутлақо тушунарсиз. Ўз-ўзидан савол туғилади: юқорида саналган асарларнинг “Янги давр нафаси”га нима алоқаси бор ва шундай номланган рукн ўқувчилар маънавияти ёки интеллектига нима бериши мумкин? Бу рукн болаларда қандай ахлоқий сифат шакллантириши мумкинлиги тушунарли эмас.

5-7- синфларда ўрганиш учун адабий материалларни танлаш ва тизимга солишда асар тилининг соддалиги, воқеабандлиги, сюжет ривожининг шиддаткорлиги ва осон эсда қолиши каби жиҳатлар ҳисобга олиниши зарур. Ўқувчиларнинг ёшлари улғайиб, ҳаётий, ақлий ва ҳиссий тажрибалари ортиб боргани сари уларга бериладиган адабий материаллар ҳам мураккаблашиб боради.

5-синф адабиёт дарсларида фолклар материаллари бир мунча кенг ўрганилиши мақсадга мувофиқ. “Уч оға-ини ботирлар”, “Сусамбил” “Булбул” эртаклари сюжет линиясининг сертармоқлиги, қаҳрамонлар тақдири тасвирининг мураккаб ва айни вақтда 11-12 яшар болалар тушунчасига яқинлиги, руҳий ҳолатига мослиги билан ўқувчиларга таъсир қилади ва уларни қаҳрамонликка, меҳнаткашликка ундайди.

6-синфдаги болалар ҳам ўзига хос руҳий-жисмоний хусусиятга эгадирлар. Бу ёшда ўқувчилар мустақил кўринишга, ўзига хос таваккал қилиш ва авантюристлик қарорлар қабул этишга ўч бўлишади. Бинобарин, адабиёт ўқитишда ҳам шу хил сифатлар ҳисобга олиниши зарур. Шунинг учун ҳам 6-синф “Адабиёт” дарслигида ўткир сюжетли, авантюраларга, ҳамда нозик руҳий таҳлилларга бой “Сарик девни миниб”, “Юлдузлар мангу ёнади” сингари асарлар киритилган. Шунингдек, бу ёшдаги ўсмирларда ҳиссиёт, сезимлар тарбиясига ҳам алоҳида эътибор зарурлигидан дарсликларга руҳият манзаралари акс эттирилган, бир ўқишда тушунилиши оғир бўладиган асарлар ҳам киритилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Мактабда 7-синфдан бошлаб адабиёт ўқитиш анча мураккаблашади. Бу синф талабалари адабий ўқиш билан биргаликда адабиёт назарияси, муаллифлар таржима холи билан ҳам кенгроқ танишиб борадилар. Болаларда бадий асарни, ундаги образларни таҳлиллаш кўникмалари мукаммаллашиб боради. Бу даврда мумтоз адабиёт намуналарини ўрганишга бир мунча кенг ўрин бериш фойдали бўлади.

5-7- синфларда адабиёт ўқитишнинг вазифаси ўқувчиларда мустаҳкам

аҳоқий сифатлари қарор топтириш, уларни бадиий сўз гўзаллигидан таъсирланадиган, уни қўллашга интиладиган қилиб тарбиялашдан иборатдир.

Ҳар бир адабиёт дарслигида ана шу вазифаларнинг бажарилишига хизмат қиладиган материаллар: 1) адабий материаллар; 2) дидактик материаллар тарзида икки қисмга бўлинган ҳолда берилади.

**Адабий материаллар** - бадиий асарлар ёхуд улардан олинган парчалар бўлиб, дастурда уларнинг талқин йўсинлари ҳам кўрсатилади.

**Дидактик материаллар** - адибларнинг таржимаи ҳоллари, бадиий матнни ўрганиш бўйича савол ва топшириқлар, методик мақолалар, адабиёт назариясига доир маълумотлар, образларга берилган характеристика кабиларни ўз ичига олади ва адабий материалларни қабул этишни осонлаштиришга, бадиий материални ахлоқий-маънавий энергияга айлантиришда ўқувчиларга кўмак беради.

5-7-синфларда адабиёт ўқитишнинг ўзига хослиги шундаки, бир томондан, у бошланғич синфнинг давоми, иккинчи томондан, юқори синфлардан адабиёт ўқитиш учун асос. Бу синфларда асосий эътибор адабий асарни ўқиш ва шу аснода ўқувчиларга ахлоқий-эстетик тарбия беришга қаратилади.

Агар 5-7-синфларда адабиёт яхши ўқитилмаса, болаларда шу ёшда бадиий асарга қизиқиш уйғотилмаса, ундан кейинги синфларда ўқувчиларнинг адабиётнинг севишлари гумон.

10-14 ёшларда бола ўта қизиқувчан, катталарга тақлидчан бўлишади, катталардай билимдон, ақлли, сўзамол, кучли кўринишни исташади. Адабиёт ўқитувчиси болалардаги мана шу хусусиятдан фойдаланиши, уларнинг кучини бадиий асар ўқишга йўналтира билиши, шу йўлгина катта, кучли, билимдон, ақлли бўлишга олиб боришига ишонтира билиши зарур.

8-9-синф ўқувчиларида аналитик фикрлаш кучлироқ бўлади. Бу ёшдаги болалар ўзларига ташқаридан қарашга уринишади. Бинобарин, бу синфлардаги ўқувчиларга руҳий туғёнлар, нозик ҳиссиётлар акс этган асарларни тавсия этиш мумкин. Айни вақтда, ўспиринлар оламини тизимли тушунишга, ҳар бир ҳаётий ҳодисанинг боши ва охири борлиги, уларни сабаб-оқибат муносабатлари доирасида англаш лозимлигини билишади. Шунинг учун ҳам бу ёшдаги ўқувчиларга ўргатилиши лозим бўлган бадиий асарлар хронологик тарзда тақдим этилади.

## VI. ГЛОССАРИЙ

### “АДАБИЙ ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИ” КУРСИДА ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН ИЛМИЙ АТАМАЛАР

**Муаммо** (арабча “тугун” маъносидаги сўз) — *билиш ёки ижтимоий тараққиёт жараёнида юзага келиб, ҳал қилиниши муҳим амалий ёки назарий аҳамиятга эга бўлган масала ёки масалалар йигиндиси*. Мавжуд билимлар билан изоҳлаш мумкин бўлмаган янги ҳаётий далил ва ҳодисалар мажмуи.

Муаммо кундалик ҳаётдаги илмий савол ва масалалардан фарқ қилади. Илмий масала мавжуд билимлар доирасида ечилиши мумкин. Муаммони ҳал қилиш учун эса янги далиллар, маълумотларни тўплаш, уларни янгича изоҳлаш, мавжуд билимлар доирасидан чиқиб, илмий билишнинг юқорироқ даражасига кўтариш зарур. Билиш жараёнида бир муаммо бир неча илмий масаланинг келиб чиқишига сабаб бўлиши мумкин.

**Гипотеза** грекча, "hypothesis" сўзидан олинган бўлиб, «асос», «тахлил» деган маънони англатади. *Гипотеза нарса, ҳодиса ва алоқаларнинг сабаблари, оқибатлари ҳақида илгари сурилган, илмий далил ва маълумотларга асосланган бўлсада, ҳақиқатлиги ҳали исботланмаган ақлий хулосадир*. Гипотеза илмий билиш жараёнида янги топилган далиллар, маълумотлар мавжуд назария билан изоҳлаб бўлмай қолган вазиятда илгари сурилади.

Гипотеза кўламига кўра **умумий** ва **хусусий**, шунингдек, қўлланиш миқёси ва ҳаётий асосига қараб, **ишчи** ва **илмий** гипотезаларга бўлинади.

**Назария** — *бирор ҳодисани илмий асосларда тушунтириб берувчи тасаввурлар, зоялар ва тамойиллар тизими*. Торроқ маънода олинганда, назария воқеликнинг муайян соҳасининг муҳим хусусиятлари, қонуниятлари, сабабий алоқалари, мавжудлик ва ривожланиш характери билан белгиланган асослар тўғрисида яхлит, тўла-тўқис қарашни ифодаловчи илмий билимлар тизимидир.

**Илмий башорат** *ҳали рўй бермаган, фан учун ҳозирча номаълум бўлган, имконият тарзида мавжуд бирон бир ҳодисанинг келажакда қандай рўй бериши, унинг ҳолати, ривожланиш қонунлари ва оқибатлари тўғрисида муайян илмий далил ва маълумотларга асосан чиқарилган хулосадир*.

**Ахборот** – *хабар, маълумот, информatsiya*.

**Билим** – *объектив борлиқ ёки ҳаётнинг муайян соҳасига оид маълумотлар мажмуи*

**Билимлилик** — 1. *Объектив борлиқ ёки ҳаётнинг муайян соҳасига оид маълумотларга эгаллик ёки хабардорлик*.

2. *Ўқимишлилик даражаси, маълумотли, эрудиция*.

**Илм** – *кишининг ўқиш, ўрганиш ва ҳаётий тажриба асосида*

*орттирган билими, маълумоти.*

**Илмий мақола** – танлаб олинган муаммони ечишга бағишланган илмий асар.

**Монография** – битта муаммони текширишга бағишланган илмий асар.

**Тезис** – (грек). Илмий асар, мақола, доклад ва шу кабилардаги асосий ғояларнинг қисқача ва лўнда ифодаси

**Реферат** – (лотин). Бирор асар ёки илмий ишнинг қисқача ёзма баёни.

**Аннотация** – (лотин). Китоб, мақола ва шу кабиларнинг ғоят қисқа мазмуни.

**Фундаментал тадқиқотлар** – табиат ва жамиятдаги янги ҳодиса ва қонуниятларни назарий жиҳатдан очиқ беришга қаратилган жиддий илмий изланишлардир.

**Иновация** — илмий-тадқиқот ёки ихтиро натижасида яратилган, ўзидан олдинги шу хил тузилмалардан устун турадиган объект тушунилади. Иновация ҳаётий эҳтиёжларни қондириш мақсадида юзага келган янгиликдир.

**Ихтиро** — ҳаёт ва илмнинг муаммолари юзасидан таклиф этилган янги ғоя ва ечимлар мажмуидан иборат бўлиб, масалани ҳал қилиш имконини беради.

**Кашфиёт** — дунёнинг ҳодиса, хосса ва қонуниятларига доир объектив мавжуд, аммо моҳияти шу вақтгача номаълум бўлган ва инсоннинг билим даражасига туб ўзгартириш киритадиган қарашлар тизими.

Фан бу биз яшаётган дунёни англаш ва уни тушуниб етишдир. Бунга мувофиқ фан инсон ва дунё тўғрисида объектив билимларни яратиш бўйича махсус ихтисослаштирилган ва пухта ташкиллаштирилган фаолиятни аниқлашни ҳам ўз ичига олади.

**Фан** — инсон фаолиятининг объектив борлиқ ва инсон тафаккури ҳамда руҳият оламига доир қарашлар тизимини ишлаб чиқишга қаратилган жабҳаси.

**Илмий ижод** - объектив воқеликдаги ҳодиса ва жараёнлар, уларнинг ҳаракат ва ривожланиш қонунларининг моҳияти тўғрисида тушунча, таъриф, тенглама, формула ва ҳоказолар шаклида ифодаланган субъектив қарашлар мажмуи.

**Ижод** - инсоннинг сифат жиҳатидан янги моддий ва маънавий қадриятлар яратишга йўналтирилган руҳий ва амалий фаолияти.

**Адабий конференция** — бир ёзувчининг бир ёхуд бир туркум асарлари бўйича алоҳида тайёргарлик билан ўтказиладиган адабий тадбир.

**Адабий кеча** — бирор адибнинг таваллуди ёхуд танланган мавзу бўйича уюштириладиган адабий-бадиий тадбир бўлиб, махсус тайёргарликни талаб этади. Махсус маърузачилар тайин этилади. Адабий кечалар шеър айтиш, кўшиқ куйлаш, рақсга тушиш сингари кўнгилочар иш турлари билан бирга олиб борилиши мумкин.

**Адабий қуроқ** — байрамлар муносабати билан амалга ошириладиган тадбирлар сирасига кириб, бирор мавзуга бағишланган асарларни оғзаки

тарзда ёддан айтиш ёки бирор мавзуга тегишли асарлардан қурак тарзида газета чиқариш йўли билан юзага келади.

**Факултатив машғулотлар** — французча **facultas** — "имконият", "қобилият" сўзларидан олинган бўлиб, умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг истак-хоҳишларига мувофиқ бирор ўқув фани, мавзу ёки савол юзасидан уларнинг билимларини кенгайтириш ва чуқурлаштириш мақсадида ихтиёрий асосларда уюштириладиган ва мажбурий бўлмаган педагогик тадбирдир.

**Ўқув таҳлили** — бадиий асар матнининг ҳаётий ва бадиий мантиғи ҳамда эстетик жозибасини кашф этиш орқали ўқувчиларда баркамол шахсга ҳос маънавий сифатларни шакллантиришга қаратилган илмий-педагогик фаолиятдир.

**Тамойил** — бирор фаолиятнинг юзага келишида амал қилиниши шарт бўлган талабларни англатади.

**Иншо** — ўқувчининг муайян мавзу юзасидан ўз фикр ва мулоҳазаларини тилнинг грамматик қоидаларига мувофиқ тарзда мустақил ёзма баён қилиш усули.

**Эпиграф** — ижодий ишнинг асосий йўналишини белгилаб беришга хизмат қиладиган сўз, ибора, жумла, мақол ёки парча. У бирор машҳур шахснинг асаридан келтирилиши ҳам, ўқувчининг ўзи томонидан айтилиши ҳам мумкин.

**Режа** — иншо ёзишда ўқувчининг мавзу юзасидан билганларини муайян тартибга солиш, ифодани чегаралаш, фикрни тизим ҳолига келтириш воситасидир.

**Далил** — ўқувчининг ўз қарашларини асослаш ва баён этилажак асосий фикрнинг тўғрилигини исботлашга хизмат қиладиган маълумотлар йиғиндиси.

**Кириш** — ёзма ишнинг зарурлиги, мавзунинг долзарблиги, асоси нимадан иборат эканлиги кўрсатилиши кўзда тутилган, иншога гап нима ҳақда бориши изоҳланиладиган ижодий экскурс. "Кириш" миқдори иншо умумий ҳажмининг 10 фоизидан ошмаслиги керак.

**Асосий қисм** — мавзу ёритиб берилиши лозим бўлган, режадаги асосий бандлар ифода этилиши лозим бўлган қисмлар. У иншо умумий миқдорининг 80 фоизидан кам бўлмаслиги мақсадга мувофиқдир.

**Хулоса** — ижодий иш мавзуси юзасидан бир неча фикрларга таяниб чиқарилган умумлашма тўхтам. Хулоса иншодаги асосий умумлаштирувчи фикр бўлиб, ўқувчининг ёзма иш фаолияти якунини кўрсатади.

**Қўпол хатолар** — ўқувчининг керакли грамматик қоидаларни билмаслиги, у ёки бу сўзнинг қандай ёзилиши зарурлигидан хабарсизлиги сабабли йўл қўйиладиган хатолар бўлиб, иншонинг баҳосига салбий таъсир кўрсатади.

**Қўпол бўлмаган хатолар** — ўқувчининг шошганлиги, эътиборсизлиги, чарчаганлиги ва бқ. сабаблар туфайли грамматик талабларга тўлиқ ва катъий риоя қилолмаганлигидан юзага келган хатолар бўлиб, баҳога салбий таъсир кўрсатмайди.

**Ифодали ўқиш** — асарнинг мазмуни, муаллиф ёки персонажларнинг рухий ҳолатини ўз сезимларига таъсир қиладиган тарзда ўқиш-ўзлаштиришдир.

**Адабиёт ўқитиш методикаси** — *адабиёт ўқитишни нима учун ва қандай ташкил этишига қаратилган, оз интеллектуал куч ва педагогик ресурс сарфлаган ҳолда, каттароқ ўқув натижаларга эришиш йўллари тадқиқ этиладиган фан.*

Адабиёт ўқитиш методикасининг бош мақсади — *соғлом эътиқодли, ўткир ҳиссиётли, юксак дидли, ахлоқан баркамол, ақлан етук, ўзга инсоннинг туйғуларини англайдиган, ўз хатти-ҳаракатларига жавоб бера оладиган шахснинг маънавий дунёсини шакллантириш.*

Адабиёт ўқитиш методикасининг вазифалари: *ўқувчиларда бадиий адабиётга меҳр уйғотиш, уларни кўркем асарларни ўқийдиган, ўқиганларини тушунадиган ва таҳлил қила билладиган, бадиий матн тўғрисидаги фикрларини оғзаки ёки ёзма тарзда тўғри ҳамда эркин ифодалай оладиган қилиб шакллантиришдан иборатдир.*

Адабиёт ўқитиш методикасининг мазмуни — *ўзбек ва жаҳон адабиётининг бадиий юксак намуналари ҳамда ўқилган асарларни тушуниш ва таҳлил қилиш малакаларини шакллантириш учун зарур бўлган миқдордаги назарий маълумотлардан иборат.*

Таълим методи — *муайян таълим мазмунининг ўқувчилар томонидан ўқитувчи раҳбарлигида ўзлаштирилишини ташкил этишига қаратилган биргаликдаги фаолиятни англатади.*

**Экстрафаол усул** — (extra — ташқи) ахборотлар оқими таълим олувчилардан ташқарида бўлиб, уларга йўналтирилади. Ўқувчи том маънода “ўқувчи” мақомида бўлади ва ташқаридан юборилаётган ахборотларни қабул этиш билангина шуғулланади. Бу усул пассив ёки нофаолдир, негаки, унда ўқувчи эмас, балки ўқитиш тизими фаоллик кўрсатади.

**Интерфаол усул** — (inter - аро, ўзаро, биргаликда, аст — ҳаракат, фаолият, тадбир) бунда ахборотлар оқимини вужудга келтириш ҳам, йўналтириш ҳам ва ўзлаштириш ҳам барча қатнашчиларнинг биргаликдаги фаолияти натижасида юзага келади. Бу усулда ўқувчи ўқувчи билан, бир ўқувчилар гуруҳи бошқа гуруҳ билан, буларнинг ҳар бири алоҳида ёки биргаликда ўқитувчи билан ўзаро муносабатда бўлади.

**Интрофаол усул** — (intro — ички) ахборотлар оқими ўзлаштириш фақат ўқувчилар ичида содир бўлади ва ташқарига йўналтирилади. Бунда ўқувчилар ўқитишнинг субъекти сифатида намоён бўладилар. Бу усул ўқувчиларнинг мустақил ўқув фаолиятларига хосдир.

**Мустақил ўқиш** — дастурда кўзда тутилган, дарсликдан ўрин олган адабий материалнинг дарс вақтида, синфхонада ўқувчиларнинг ўзлари томонидан ўқилиши ва таҳлил қилинишини англатади.

**Синфдан ташқари ўқиш** — ўқувчиларнинг ўзлари ёқтирган бадиий асарларни ўз вақтлари ҳисобига ўқишини англатади.

## VII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

### Асосий адабиётлар:

1. Богданова О. Ю., Леонов С. А., Чертов В. Ф. Методика преподавания литературы (учебник). Москва: "Academa", 2004.
2. Долимов С., Убайдуллаев Х., Ахмедов Қ. Адабиёт ўқитиш методикаси, -Т.: «Ўқитувчи», 1967.
3. Резь З. Я. и др., Методика преподавания литературы, Москва: «Просвещение», 1977. стр.10-17.
4. Йўлдошев Қ., Мадаев О., Абдураззоқов А. Адабиёт ўқитиш методикаси. -Т.: «Университет», 1994.
5. Йўлдошев Қ. Адабиёт ўқитишнинг илмий-назарий асослари. -Т.: «Ўқитувчи», 1996.

### Қўшимча адабиётлар:

1. Зуннунов А. ва бқ. Адабиёт ўқитиш методикаси. -Т.: «Ўқитувчи», 1992.
2. Ражабова И. Адабиёт дарсларини интерфаол усулларда ташкил этиш. -Т.: "Tamaddun", 2010.
3. Резь З. Я. и др. Методика преподавания литературы. -М.: «Просвещение», 1985.
4. Сафин Д., Мусина Р. Интерактивные методы преподавания и учения. Теоретические основы интерактивного обучения. Учебное пособие. -Т.: 2007.
5. Сафин Д., Мусина Р. Интерактивные методы преподавания и учения. Развитие системного мышления и навыков исследовательской деятельности. Учебное пособие. -Т.: 2007.
6. Сафин Д., Мусина Р. Интерактивные методы преподавания и учения. Технология проблемного обучения. Учебное пособие. -Т.: 2007.
7. Сафин Д., Мусина Р. Интерактивные методы преподавания и учения. Обучения сообща. Учебное пособие. -Т.: 2007.
8. Сафин Д., Мусина Р. Интерактивные методы преподавания и учения. Оценивание знаний учащихся в интерактивной среде. Учебное пособие. -Т.: 2007.
9. Сафин Д., Мусина Р. Интерактивные методы преподавания и учения. Технология планирования интерактивных уроков. Учебное пособие. -Т.: 2007.
10. Сафин Д., Мусина Р. Интерактивные методы преподавания и учения. Основы нейропедагогтики. Учебное пособие. -Т.: 2007.
11. Тўхлиев Б. Адабиёт ўқитиш методикаси. -Т.: «Янги аср авлоди», 2010.
12. Қодиров В. Мумтоз адабиёт: ўқитиш муаммолари ва ечимлар. -Т.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2009.

13. Хусанбоева Қ. Адабиёт – маънавият ва мустақил фикр шакллантириш омили. –Т.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2009.

14. Хусанбоева Қ. Таҳлил – адабиётни англаш йўли. –Т.: “Muharrir”, 2013.

### **Интернет ресурслари (сайтлари)**

1. [www.literature.uz](http://www.literature.uz)
1. [www.library.ziyonet.uz](http://www.library.ziyonet.uz)
2. [www.globalterminology.com](http://www.globalterminology.com)
3. [www.tilde.com](http://www.tilde.com)
4. [www.oxfordhandbooks.com](http://www.oxfordhandbooks.com)
5. [www.tdpu.uz](http://www.tdpu.uz)
6. [www.pedagog.uz](http://www.pedagog.uz)
7. [www.edu.uz](http://www.edu.uz)
8. [tdpu-INTRANET. Ped](#)